

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

Педагогик фанларни ўқитишининг  
инновацион муҳитини лойиҳалаштириш  
модули бўйича  
**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**



ТОШКЕНТ-2021

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** Ш.А. Абдуллаева-педагогика фанлари доктори, профессор.  
М.Х.Усмонбоева-педагогика фанлари номзоди.  
А.Б.Тўраев-катта ўқитувчи

**Тақризчилар:** п.ф.ф.д (PhD). Ф.Мирзаева - ТДПУ, “Педагогика” кафедраси мудири.

**Хорижий эксперт:** п.ф.д., профессор Н.Л.Шеховская - Белгород давлат университети, “Педагогика ва психология” кафедраси мудири

**Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР МАЗМУНИ .....	15
IV. АМАЛИЙ МАШФУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	78
V. ГЛОССАРИЙ .....	98
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....	103

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарори, 2020 йил 30 сентябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар қунига бағишланган тантанали маросимдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар—янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимиздир” номли нутқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, Педагогик фанларни ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда ўқув-методик мажмууда тингловчиларнинг модуль доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мўлжалланган.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

**Модулнинг мақсади:** педагог кадрларга таълим-тарбия жараёнида инновацион муҳитни яратишнинг мақсади, вазифалари, муаммолари, ўқув-

тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш компетентлигини ошириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш.

### **Модулнинг вазифалари:**

- олий таълим педагогикаси соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Педагогика ва психология” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш;
- замонавий дидактик методлар, воситаларни чуқур ўзлаштириш асосида педагогик жараёнларни ташкил қилиш компетенцияларини ривожлантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Педагогик фанларни ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаштириш” ўқув модули бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- таълим-тарбия жараёнида инновацион муҳитни яратиш муаммоларини;
- педагогларнинг креативлик сифатлари ва уни ривожлантиришнинг самарали йўллари ва шартларини;
- педагогларда креативлик сифатларини ривожлантириш моҳиятини;
- ўқув дидактик ва методик таъминот: тузилиши ва таркибий қисмлари **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- назарий ва амалий машғулотлар учун материалларни тўплаш ва уларни саралашда креатив ёндашиш;
- ўқув ахборот (маълумот)ларини самарали излаш;
- мавзу моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тўлиқ, ғоявий мазмун ва илмий асосларга эга, амалий қийматга эга ўқув материалини тайёрлай олиш **кўникмаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- замонавий талаблар асосида назарий ва амалий машғулотлар учун дидактик ишланмалар тайёрлаш;
- талabalарнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил этиш;
- дидактик тизимлар асосида педагогик жараён иштирокчиларининг профессионал фаолияти ва уларга қўйиладиган дидактик талабларни таҳлил қилиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- таълим-тарбия жараёнида инновацион муҳитни яратиш;

- бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини орттиришда витаген тажрибалардан фойдаланиш;
- талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Педагогик фанларни ўқитишининг инновацион мухитини лойиҳалаштириш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, блиц-сўровлар, ақлий ҳужум, гурӯҳли фикрлаш, кичик гурӯҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Педагогик фанларни ўқитишининг инновацион мухитини лойиҳалаштириш” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Олий таълим дидактикаси”, “Креатив педагогика асослари”, “Педагогнинг маҳорати ва компетентлиги” каби модуллар билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Педагогик фанларни ўқитишининг инновацион мухитини лойиҳалаштириш унинг долзарб муаммолари, уларни ечимини топишга қаратилган илмий-тадқиқот методларини таҳлил этиш ва амалиётда қўллаш малакалари, педагогик компетентлик сифатлари ва креатив қобилиятга эга бўлади.

### **МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ**

	Модул мазмуни	Аудитория ўқув юкламаси		
		Жами	Жумладан	
			Назарий	Амалий
1.	Таълим-тарбия жараёнида инновацион мухитни яратиш муаммолари	2	2	
2.	Педаголарнинг креативлик сифатлари. Педаголарда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари ва шартлари	2	2	
3.	Педаголарда креативлик сифатларини ривожлантириш моҳияти	2	2	

4.	Ўқув дидактик ва методик таъминот: тузилиши ва таркибий қисмлари	2	2	2
5.	Назарий ва амалий машғулотлар учун материалларни тўплаш ва уларни саралашда креатив ёндашувнинг аҳамияти.	2		2
6.	Ўқув ахборот (маълумот)ларини самарали излаш - педагогнинг креативлик сифатларига эгалигини кўрсатувчи муҳим ҳолат эканлиги	2		2
7.	Мавзу моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тўлиқ, ғоявий мазмун ва илмий асосларга эга, амалий қийматга эга ўқув материалини тайёрлай олиш мезонлари	2		2
8.	Назарий ва амалий машғулотлар учун дидактик ишланмалар тайёрлашга қўйиладиган замонавий талаблар	2		2
9.	Талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил этиш технологиялари	2		2
10.	Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини орттиришда витаген тажрибалардан фойдаланиш	2		2
11.	Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўнишка, малака ва компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш	2		2
<b>Жами:</b>		<b>22</b>	<b>8</b>	<b>14</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-МАВЗУ: ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН МУҲИТИНӢ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ.**

Педагогик жараёнда инновацион муҳитни ташкил этишнинг моҳияти. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

### **2-МАВЗУ: ПЕДАГОГЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИ.**

### **ПЕДАГОГЛАРДА КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ**

Педагогларнинг креативлик сифатлари. Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари ва шартлари. Педагогларда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар. Педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар, тамойиллар, малакалар, даражалар ва сифатлар.

### **3-МАВЗУ: ПЕДАГОГЛАРДА КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОҲИЯТИ**

Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантириш мөҳияти. Педагогларнинг креативлик сифатларига эгаликларини аниқлаш йўл ва шакллари. Педагогларнинг креативлик сифатларига эгаликларини аниқлаш метод ва воситалари.

### **4-МАВЗУ: ЎҚУВ ДИДАКТИК ВА МЕТОДИК ТАЪМИНОТ: ТУЗИЛИШИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ**

“Дидактик таъминот” тушунчаси ва унинг методик таъминот тушунчаси билан алоқадорлиги. Дидактик таъминотнинг тузилиши ва таркибий қисмлари. Ўқув дастурларини яратишга креатив ёндашиш. Креатив ёндашув - ўқув манбалари (маъруза матни, ўқув дарслиги, ўқув ва методик қўлланма ҳамда ўқув методик мажмуалар)ни самарали яратишнинг муҳим омили.

#### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

##### **1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.**

##### **МАВЗУ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАРНИ ТЎПЛАШ ВА УЛАРНИ САРАЛАШДА КРЕАТИВ ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ.**

Педагогнинг назарий ва амалий машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиши. Назарий ва амалий машғулотлар учн материаллар тўплаш. Тўпланган ўқув материалларини саралашда унинг креативлиги.

##### **2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.**

##### **МАВЗУ: ЎҚУВ АХБОРОТ (МАЪЛУМОТ)ЛАРИНИ САМАРАЛИ ИЗЛАШ ПЕДАГОГНИНГ КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИГА ЭГАЛИГИНИ КЎРСАТУВЧИ МУҲИМ ҲОЛАТ ЭКАНЛИГИ.**

Ўқув ахборотларни ишлашда илмий-педагогик манбалар билан ишлаш. Глобал интернет тармоғидан фанга оид сайтларни қидиришда унинг креативлиги ва ижодкорлиги.

##### **3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ**

##### **МАВЗУ: МАВЗУ МОҲИЯТИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ТЎЛИҚ, ҒОЯВИЙ МАЗМУН ВА ИЛМИЙ АСОСЛАРГА ЭГА, АМАЛИЙ ҚИЙМАТГА ЭГА ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИ ТАЙЁРЛАЙ ОЛИШ МЕЗОНЛАРИ.**

Ўрганилаётган ўкув материали мавзусидан келиб чиққан ҳолда ғоявий мазмунини ажратиш. Илмий педагогик асосларга эга амалий қийматини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқиш.

#### **4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

**МАВЗУ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР УЧУН ДИДАКТИК ИШЛАНМАЛАР ТАЙЁРЛАШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР.**

Назарий ва амалий машғулотлар учун дидактик материаллар тайёрлашга қўйиладиган талабларни аниқлаш. Замонавий талаблар асосида ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаш.

#### **5-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ.**

**МАВЗУ: ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИ ВА ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.**

Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш ва лойиҳалаштириш. Креатив ёндашув асосида мустақил таълим шакллари, метод ва воситаларини танлаш.

#### **6-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

**МАВЗУ: БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОРТТИРИШДА ВИТАГЕН ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

Талабаларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини шакллантиришда ўқитувчининг ҳаётий, ижодий тажрибаларидан фойдаланиш методикаси.

#### **7-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:**

**МАВЗУ: ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРГАН БИЛИМ, ҚЎНИКМА, МАЛАКА ВА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ.**

Талабаларнинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилиш. Амалий қўникма, малака ва компетенцияларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.


## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Интерфаол” тушунчаси инглиз тилидаги “interact” (рус тилида “интерактив” сўзидан олинган бўлиб, луғавий нуқтаи назардан “inter”— ўзаро, икки тарафлама, “act”— ҳаракат қилмоқ, иш кўрмоқ каби маъноларни англатади.

“Интерфаол таълим”—таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этишга асосланувчи таълим.

Интерфаоллик— таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эга эканликларидир.

Америкалик психолог олимлар Р.Карникау ва Ф.Макэлроуning тадқиқотига қараганда, шахснинг табиий физиологик, психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради. Шахс манбаъни ўзи ўқигандага 10%; маълумотни эшифтанида 20%; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўрганда (иллюстрация) 30%; одир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўриб, улар тўғрисида маълумотни эшифтанида (демонстрация) 50%; маълумот (ахборот)ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларини намойиш этганида ) 80%; ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот)ларни ўз фаолиятига тадбиқ этганида 90% ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга экан (*1-расм*).




*1-расм. Таълим методларининг иерархик пирамидаси*

Анъанавий таълим беришдан фарқли ўлароқ, интерфаол ўқитиши “таълим жараёнининг асосий иштирокчилари-ўқитувчи, талаба ва талабалар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозара, ўзаро

фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, уларнинг ўзаро бир-бирларини хурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-куватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишларикабилар билан тавсифланади”<sup>1</sup>

Интерфаол таълимда сұхбат қуйидаги шахслар ўртасида ташкил этилади (2-расм):



## 2-расм.Интерфаол таълимда ташкил этиладиган сұхбат (диалог)

Интерфаол таълим моҳиятига кўра сұхбатнинг “талаба – ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши талабалар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади. Ўқитувчи интерфаол таълим ёрдамида талабаларнинг қобилияtlарини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали сұхбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол таълимни қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади. Ўқув жараёнининг интерфаол таълимга

<sup>1</sup> Иноятов У.И., Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Иноғомова Д. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб: Методик қўлланмана.–Тошкент, Низомий номидаги ТДПУ, 2012.–Б122.

асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда, ҳатто “болалар ўйини” каби таассурот уйғотади<sup>2</sup>.

Хозирда таълим методларини такомиллаштириш соҳасидаги асосий йўналишлардан бири интерфаол таълим ва тарбия усулларини жорий қилишдан иборат. Интерфаол усулларни қўллаш натижасида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш, хуносалар чиқариш, ўз фикрини баён қилиш, уни асослаган ҳолда ҳимоя қила билиш, соғлом мулоқот, мунозара, баҳс олиб бориш кўникмалари шаклланиб, ривожланиб боради<sup>3</sup>.

Бу масалада америкалик психолог ва педагог Б.Блум билиш ва эмоционал соҳалардаги педагогик мақсадларнинг таксономиясини яратган. Уни **Блум таксономияси** деб номланади. (Таксономия-борлиқнинг мураккаб тузилган соҳаларини таснифлаш ва системалаштириш назарияси). Унга кўра тафаккурнинг ривожланиши **билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, умумлаштириш, баҳолаш** даражаларида бўлади. Булар қўйидаги белгилар ҳамда ҳар бир даражага мувофиқ феъллар намуналари билан ҳам ифодаланади, жумладан:

**Билиш** дастлабки тафаккур даражаси бўлиб, бунда ўқувчи атамаларни айта олади, аниқ қоидалар, тушунчалар, фактлар ва шу кабиларни билади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: қайтара билиш, мустаҳкамлай олиш, ахборотни етказа олиш, айтиб бера олиш, ёзиш, ифодалай олиш, фарқлаш, таний олиш, гапириб бериш, такрорлаш.

**Тушуниш** даражасидаги тафаккурга эга бўлганда эса, ўқувчи фактлар, қоидалар, схема, жадвалларни тушунади. Мавжуд маълумотлар асосида келгуси оқибатларни тахминий тафсифлай олади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: асослаш, алмаштириш, яққоллаштириш, белгилаш, тушунтириш, таржима қилиш, қайта тузиш, ёритиб бериш, шарҳлаш, ойдинлаштириш.

**Қўллаш** даражасидаги тафаккурда ўқувчи олган билимларидан фақат анъанавий эмас, ноаънанавий ҳолатларда ҳам фойдалана олади ва уларни тўғри қўллайди. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: жорий қилиш, ҳисоблаб чиқиш, намойиш қилиш, фойдаланиш, ўргатиш, аниқлаш, амалга ошириш, ҳисоб-китоб қилиш, татбиқ қилиш, ҳал этиш.

**Таҳлил** даражасидаги тафаккурда ўқувчи яхлитнинг қисмларини ва улар ўртасидаги ўзаро боғлиқларни ажратса олади, фикрлаш мантиқидаги хатоларни кўради, фактлар ва оқибатлар орасидаги фарқларни ажратади, маълумотларнинг аҳамиятини баҳолайди. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: келтириб чиқариш, ажратиш, табақалаштириш, таснифлаш, тахмин қилиш, башорат қилиш, ёйиш, тақсимлаш, текшириш, гурухлаш.

**Умумлаштириш** даражасидаги тафаккурда ўқувчи ижодий иш бажаради, бирор тажриба ўтказиш режасини тузади, бир нечта соҳалардаги

<sup>2</sup>Ro'ziyeva D., Usmonboyeva M., Xoliqova Z. Interfaol metodlar: mohiyati va qo'llanilishi. – Toshkent: Nizomiy nomidagi TDPU, 2013. -108 b. – B. 5.

<sup>3</sup>Муслимов Н., Усмонбоева М., МирсолиеваМ. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик. Ўқув услугубий мажмуя. - Тошкент, 2016. - Б. 70-71.

билимлардан фойдаланади. Маълумотни янгилик яратиш учун ижодий қайта ишлайди. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: янгилик яратиш, умумлаштириш, бирлаштириш, режалаштириш, ишлаб чиқиш, тизимлаштириш, комбинастиялаштириш, яратиш, тузиш, лойиҳалаш.

**Баҳолаши**даражасидаги тафаккурда ўқувчи мезонларни ажратса олади, уларга риоя қила олади, мезонларнинг хилма-хиллигини кўради, хulosаларнинг мавжуд маълумотларга мослигини баҳолайди, фактлар ва баҳоловчи фикрлар орасидаги фарқларни ажратади. Бу тафаккур даражасига мувофиқ феъллар намуналари: ташхислаш, исботлаш, ўлчаш, назорат қилиш, асослаш, маъқуллаш, баҳолаш, текшириш, солиштириш, қиёслаш.

Бунда анъанавий ҳамда интерфаол дарс орасидаги фарқларни билиш керак (1-жадвал).

1-жадвал

### Анъанавий ҳамда интерфаол дарс орасидаги айрим фарқлар

№	Асосий тушунчалар	Анъанавий дарс	Интерфаол дарс
1.	<b>Кўлланиш даражаси</b>	Барча мавзулар бўйича улар учун қулай бўлган дарс турлари шаклида қўлланилади	Айрим мавзулар бўйича интерфаол дарснинг қулай бўлган турлари шаклида қўлланилади. Бошқа мавзулар учун анъанавий дарс қўлланилади
2.	<b>Дарс максади</b>	Дарс билим, кўникма, малакаларни шакллантириш, мустахкамлаш	Дарс мавзуси бўйича мустақил фикрлаш, хulosага келиш, уларни баён қилиш, химоялашга ўргатиш
3.	<b>Ўқитувчининг вазифалари ва иш усуллари</b>	Янги мавзуни тушунтириш, мустахкамлаш, назорат, топшириқлар бериш	Ўқувчиларнинг мустақил ишлашларини ва тақдимотларини ташкил қилиш, бошқариш, назорат, якуний хulosаларни асослаб бериш
4.	<b>Дарсга тайёргарликка талаблар</b>	Дарс режаси, конспект ва дидактик воситаларни тайёрлаш	Интерфаол дарс ишланмаси, мустақил ишлар учун топшириқлар, тарқатма материаллар, бошқа зарур воситаларни тайёрлаш
5.	<b>Ўқувчилар тайёргарлигига талаблар</b>	Олдинги дарс бўйича вазифаларни бажариб келиш	Янги дарс мавзуси бўйича асосий тушунчаларни ва дастлабки маълумотларни билиш
6.	<b>Ўқувчининг вазифалари ва иш усуллари</b>	Ўқитувчини тинглаш ва ўзлаштириш, берилган топшириқларни бажариш	Ўқитувчи берган топшириқларни бажариш бўйича мустақил фикрлаш, ўз фикр, хulosаларини бошқаларга солиштириш ва якуний хulosага келиш
7.	<b>Вакт тақсимоти</b>	Дарс вақтининг кўп қисми ўқитувчининг янги мавзуни	Дарс вақтининг кўп қисми ўқувчиларнинг мустақил

		тушунтириши, таҳлил қилиши, топширикларни тушунтириши, ўзлаштиришни назорат қилишига сарфланади	топшириқларни бажариши, фикр алмашиши, мушоҳада қилиши, ўз хулосаларини баён қилиши ва ҳимоялашига сарфланади
8.	<b>Дарснинг модул ва алгоритми</b>	Дарснинг модул ва алгоритмларидан ҳар бир ўқитувчи ўзи қўллаётган методга мувофиқ фойдаланади	Ҳар бир дарс олдиндан тайёрланган модуллар ва алгоритмларга, лойиҳаларга мувофиқ ўтказилади
9.	<b>Ўқувчилар нинг фаоллик даражаси</b>	Ўқитувчи ҳар томонлама фаол, ўқувчилар диққатни жамлаш, тушуниш, фикрлаш, топшириқларни бажариш бўйича фаол	Ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам ҳар томонлама фаол. шакллари: ўқитувчи-ўқувчи; ўқувчи-ўқувчи; ўқувчи-кичик гурӯҳ; кичик гурӯҳ-кичик гурӯҳ; ўқувчи-ўқитувчи; кичик гурӯҳ-ўқитувчи; гурӯҳ-ўқитувчи
10.	<b>Кутиладиган натижা</b>	Мавзу бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларни ўзлаштиришлари	Мавзу бўйича ўқувчиларнинг ўз фикр, хулосаларини шакллантириш, уларни мустақил билим олишга ўргатиш

Интерфаол машғулотнинг ушбу жадвалда кўрсатилган айrim жиҳатларини таҳлил қилиш асосида қўйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ўқув режадаги фанларни ўқитишида қайси мавзулар бўйича интерфаол дарслар ташкил қилиш мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиш зарур. Бунда бир мавзу бўйича машғулотнинг мақсадига тўлиқ эришишни таъминлайдиган интерфаол ёки анъанавий машғулот турларидан фойдаланиш кўзда тутилади.

2. Интерфаол машғулотнинг самарали бўлиши учун ўқувчилар янги машғулотдан олдин унинг мавзуси бўйича асосий тушунчаларни ва дастлабки маълумотларни билишларини таъминлаш зарур.

3. Интерфаол машғулотда ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари учун анъанавий машғулотга нисбатан кўп вақт сарфланишини ҳисобга олиш зарур. Интерфаол таълим усули – ҳар бир ўқитувчи томонидан мавжуд воситалар ва ўз имкониятлари даражасида амалга оширилади. Интерфаол машғулотларни амалда қўллаш бўйича айrim тажрибаларни ўрганиш асосида бу машғулотларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни кўрсатишимиш мумкин. Уларни шартли равишда ташкилий-педагогик, илмий-методик ҳамда ўқитувчига, ўқувчиларга, таълим воситаларига боғлиқ омиллар деб аташ мумкин. Улар ўз моҳиятига кўра ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишини назарда тутишимиз лозим.

### **III. НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-Мавзу: ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН МУҲИТНИ ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ.**

**Режа:**

1. Педагогик жараёнда инновацион муҳитни ташкил этишнинг моҳияти.
2. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари
3. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

**Таянч тушунчалар:** модернизациялаш, таълим жараёнини модернизациялаш, технология, педагогик технология, технологиялаштириши, таълим жараёнини технологиялаштириши, тарбия жараёнини технологиялаштириши, инновация, новация, инновацион таълим технологиялари, инновацион жараён, таълимий инновацион жараён, таълимий инновацион жараён босқичлари.

**1. Педагогик жараёнда инновацион муҳитни ташкил этишнинг моҳияти.** Замонавий таълимга хос муҳим жиҳатлардан бири – педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш саналади. Ривожланган хорижий мамлакатларда педагог фаолиятининг инновацион характер касб этишига эришиш масаласи ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб жиддий ўрганила бошлаган. Хусусан, X.Барнет, Ж.Бассет, Д.Гамильтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М. Майлз, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем, Ф.Н. Гоноболин, С.М. Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина ҳамда В.А.Сластенин каби тадқиқотчилар томонидан олиб борилган ишларда инновацион фаолият, педагогик фаолиятга инновацион ёндашиш, инновацион ғояларни асослаш ва уларни амалиётга самарали тадбиқ этиш, хорижий мамлакатлар ҳамда республикада яратилган педагогик инновациялардан хабарор билиш орқали педагог фаолиятида улардан фаол фойдаланиш борасидаги амалий ҳаракатлар мазмунини ёритилган.

Моҳиятига кўра инновациялар муносабат ёки жараёнга янгилик киритишнинг динамик тизими саналади. Ўз-ўзидан тизим сифатида янгилик киритириш муносабат ёки жараённинг, биринчидан, ички мантифини, иккинчидан, киритилаётган янгиликнинг муайян вақт оралиғида изчил ривожланиши ва атроф-муҳитга кўрсатадиган ўзаро таъсирини ифодалайди.

**Инновацион таълим муҳити-педагогик жараёнда замонавий фан ва техника ютуқларига асосланган ва касбий соҳада кратив (ижодий) қарор қабул қила оладиган шахс(талаба)ни шакллантиришга қаратилган ўқитишнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари мажмуuidir.**

В.А.Сластенин инновацияни янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланишга қаратилган мақсадга мувофиқ, йўналтирилган жараёни мажмуи деб билади. Муаллифнинг фикрига кўра ҳар қандай инновация янги

воситалар ёрдамида ижтимоий субъектларнинг эҳтиёжини қондириш ва интилишларини рағбатлантириш мақсадини кўзлади.

Ҳар қандай инновацияда “янги”, “янгилик” тушунчалари муҳим аҳамиятга эга. Турли муносабат ва жараёнларга киритилаётган янгилик мазмунан хусусий, субъектив, маҳаллий ва шартли ғоялар тарзида намоён бўлади.

Хусусий янгилик муносабат, объект ёки жараёнга тегишли элементлардан бирини ўзгартириш, янгилашни назарида тутади.

Субъектив янгилик маълум объектнинг ўзини янгилаш заруриятни ифодалайди.

Маҳаллий янгилик алоҳида олинган объект учун киритилаётган янгиликнинг амалий аҳамиятини тавсифлаш учун хизмат қиласди.

Шартли янгилик эса муносабат, объект ёки жараёнда мураккаб, прогрессив янгиланишнинг содир этилишини таъминловчи маълум элементларнинг йигиндисини ёритишга хизмат қиласди.

Р.Н.Юсуфбекова инновацияларни педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқишига эътиборни қаратади. Хусусан, педагогик инновациялар муаллиф томонидан таълим ва тарбия жараёнида аввал маълум бўлмаган, қайд қилинмаган ҳолат ёки натижага олиб борувчи педагогик ҳодисанинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмuni эканлиги таъкидланади. Россиялик олимлар – А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С.Толстой, Н.П.Степанов ва б. эса инновацион жараён ҳамда унинг таркибий қисмларини ўрганишга эътиборни қаратган. Бу ўринда улар инновацион жараённинг ташкил этилишига нисбатан қўйидаги икки ёндашув мавжуд эканлигини эътироф этади:

1) янгиликнинг индивидуал микро даражаси (унга кўра қандайир янги ғояга амалиётга жорий этилади);

2) алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсирини ифодаловчи микро даража (бу ўринда алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсиrlаниши, бирлиги, рақобати ва бирининг ўрнини иккинчиси томонидан эгалланиши аҳамиятли саналади).

А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов ва В.С.Толстойлар ўз тадқиқотларида янгилик киритишнинг тизимли концепцияни асослашга уринган. Бу ўринда муаллифлар инновацион жараёнларнинг қўйидаги икки муҳим босқичини бир-биридан ажратиб кўрсатишиади:

1. Янгилик сифатида намоён бўладиган ғояларни ишлаб чиқиш (м: корхона, ташкилот томонидан муайян турдаги маҳсулотни ишлаб чиқишинг режалаштирилиши).

2. Янгилик (муайян маҳсулот)ни кенг кўламда ишлаб чиқиш.

Олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ташкил этишда ўзига хос ёндашувлар кузатилаи. Улар:

1. **Гностик-динамик ёндашув** (унга кўра педагоглар педагогик инновациялар, уларнинг турлари, яратилиши, амалиётга татбиқ этилиши, хориж мамлакатларида яратилган илғор педагогик (таълимий) инновациялар ва уларни ўрганиш, маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда амалиётда улардан фойдаланишга доир билим, кўникма, малакаларни изчил

ўзлаштирадилар, ўз фаолиятларида педагогик инновацияларни фаол қўллаш борасидаги тажрибаларни ўзлаштирадилар).

**2. Индивидуал фаолиятли ёндашув** (бунда педагоглар ўзларининг индивидуал имкониятлари, қобилиятлари, тажрибаларига таянган ҳола амалиё фаолиятда педагогик инновацияларни кўллашда муайян изчилликка эришадилар).

**3. Кўп субъектли (диалогик) ёндашув** (мазкур ёндашув педагогик жараёнда инновацияларни ҳамкасларнинг ўзаро, хусусан, кўп йиллик иш тажрибаси, касбий маҳорат ва тажрибага эга педагогларнинг фаолиятлари билан танишиш, уларнинг таълим инновацияларини самарали, мақсадли ва узлуксиз кўллашга доир тавсия ҳамда кўрсатмаларидан фойдаланишларини ифодалайди).

**4. Инсонпарварлик ёндашуви** (ушбу ёндашув педагогик жараёнда инновацияларни кўллашда таълим олувчиларнинг имкониятлари, хоҳишистаклари, қизиқишилари, билим, кўникма ва малакалари даражасини инобатга олиш мақсадга мувофиқлигини ёритишга хизмат қиласди).

**5. Индивидуал-ижодий ёндашув** (унга кўра ҳар бир педагог фаолиятини ўрганилаётган мавзу, ўқув материалининг моҳияти, шунингдек, ўз имкониятлари, салоҳияти, маҳорати, иш тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда таълим ва тарбия жараёнларини ижодий ишланмалар асосида ташкил этади).

**Инновацион фаолият** – янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шаклланаётган гояларнинг мавжуд гояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият

Моҳиятига кўра инновацион фаолият илмий изланишлар, ишланмалар яратиш, тажриба-синов ишлари олиб бориш, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш асосида янги такомиллаштирилган маҳсулотни яратишдан иборат.

Педагогнинг инновацион фаолияти қуйидагилар билан белгиланади:

- янгиликни кўллашга тайёргарлиги;
- педагогик янгиликларни қабул қилиши;
- новаторлик даражаси;
- коммуникатив қобилиятнинг ривожланганлиги;
- ижодкорлиги

Инновацион фаолият педагогнинг руҳий, ақлий, жисмоний кучини маълум мақсадга йўналтириш асосида БКМни эгаллаш, амалий фаолиятни назарий билимлар билан тўлдириб бориш, билиш, лойиҳалаш, коммуникатив нутқ ва ташкилотчилик маҳоратини ривожлантиришни талаб этади.

М.Жуманиёзованинг эътироф этишича, педагогик инновацион фаолияти қуйидаги **белгилар** асосида намоён бўлади:


- ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;
- педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;
- муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллай олиш;

- ҳамкаслар билан ҳамкорлик;
- фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;
- зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш.

В.Сластениннинг фикрига кўра инновацион ёндашув қўйидагиларга эга бўлишни ифодалайди:

- ижодий фаоллик;
- фаолиятга янгилик (ўзгартириш) киритишга технологик ва методологик жиҳатдан тайёргарлик;
- янгича фикрлаш;
- юксак муомала маданияти

Педагогик инновациялар тегишли соҳада ижобий ўзгаришларни содир этиш, сифат жиҳатдан юқори натижаларга эришиш мақсадида қўлланилади. Бу турдаги инновацияларни асослаш муайян босқичларда кечади. Улар (1-расм):



### 1-расм. Инновацияларни асослаш босқичлари

Р.Н.Юсуфбекова педагогик нуқтаи назардан инновацион жараён тузилмаси


1. Соҳада намоён бўлаётган янгиликни ажратиб кўрсатувчи блок (унда педагогикадаги янги ғоялар, педагогик янгиликларнинг таснифи, уларни асослашга хизмат қиласидиган шарт-шароитлар, янгилик даражасини белгиловчи меъёрлар, педагогларнинг янгиликларни ўзлаштириш ва унан амалиётда самарали фойдаланишга тайёргарлари, анъаналар ва новаторлик ташаббуслари, соҳада янгиликларни яратиш босқичлари акс этади).

2. Педаголар томонидан янгиликнинг идрок қилиниши, ўзлаштирилиши ва баҳоланиши ифодаловчи блок (унда педагогик жамоалар томонидан янгиликларнинг баҳоланиши ва ўзлаштирилиши – турли

инновацион жараёнлар, консерваторлик ва новаторлик, инновация мұхити, педагогик жамоаларнинг янгиликни идрок этиш ва баҳолашга тайёрликлари акс этади.

3. Янгиликдан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки (унда янгиликни амалиётта тадбиқ этиш ва улардан самарадағы фойдаланиш ҳодисаси рўй беради).

Бу ўринда М.М.Поташник томонидан эътироф этилган инновация жараёнлар мөхиятини ифодаловчи талқин алоҳида аҳамиятли эканлигини кўрсатиш ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур талқинга кўра инновацион жараён қуйидаги тузилмаларга эга (2-расм):



## 2-расм. Инновацион жараён тузилмалари

Инновация жараёни таркибий тузилмалардан иборат бўлиш билан бирга муайян қонуниятларга ҳам бўйсунади. Мазкур жараён учун қуйидаги тўртта қонуният характерли саналади (3-расм):



## 3-расм. Педагогик инновацион жараён қонуниятлари

Кескин бекарорлик қонуниятига қўра педагогик жараён ва ҳодисалар тўғрисидаги яхлит тасаввурлар ўзгаради, шаклланган педагогик янгилик баҳоланади ва бу янгиликнинг аҳамияти, қиймати эътироф этилади.

Амалга ошиш қонунияти янгиликнинг ҳаётийлигини ифодалайди, унга қўра янги педагогик инновациялар стихияли ёки онгли равишда ўта тезкор ёки тезкор равиша амалиётга татбиқ этилаи.

Қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонунияти аксарият педагогларда янгича тафаккурнинг қарор топганлигини ва уларнинг инновацияларни амалиётга татбиқ этиш йўлида фаоллик кўрсатишларини тавсифлайди. Бу жараёнда дастлаб инновацион характер касб этган ғоялар янада илғор янгиликларни амалга ошириш ѹлида тўсиқ бўла бошлайди.


Педагогик инновацияларнинг даврий такрорланиши ва қайтарилиши қонунияти янгиликларнинг янги, янада қулай шароитларда қайта тикланишини ифодалайди.

Одатда педагогик инновацияларнинг амалиётга татбиқ этилиши икки хил кечади:

1. Педагогик инновацияларнинг амалиётга татбиқи стихияли кечади, яъни, инновацион жараёнда педагогик янгиликларга бўлган эҳтиёж ҳисобга олинмайди, уларни амалиётга татбиқ этишда мавжуд шарт-шароитлар, усул ва йўлларига онгли муносабат билдирилмайди.


2. Педагогик инновацияларнинг амалиётга татбиқи стихияли кечади, яъни, педагогик янгиликлар инновацион жараёнда онгли, мақсадга мувофиқ, илмий асосланган фаолият маҳсули сифатида амалиётга жорий этилади

Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш бир неча **босқичларда** кечади. Улар қуидагилардир (4-расм):



4-расм. Инновацияларни педагогик жараёнга татбиқ этиш босқичлари

Бугунги кунда педагогларнинг инновацион фаолият кўникма, малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Педагоглар томонидан иннофацион фаолият кўникма, малакаларини ўзлаштира олишларида уларнинг инновацион ёндашувга эга бўлишлари талаб этилади. Ўз моҳиятига қўра педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларининг ўзлаштирилиши уларда инновацион ёндашувни қарор топиши асосида кечади. Педагогларда инновацион ёндашувнинг қарор топиши ҳам мураккаб жараён бўлиб, у бир неча босқичда кечади. Яъни (5-расм):



5-расм. Педагогларда инновацион ёндашувни қарор топтириш босқичлари

Демак, илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг ривожланиши таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Таълим тизимининг модернизацияси давлат ва жамият малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олишга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда рўй беради.

Таълим амалиётида педагогик технологияларнинг қўлланилиши таълим тизими модернизациясининг таркибий элементи ҳисобланади. Замонавий шароитда таълим-тарбия жараёнларини технологиялаштириш кам куч ва вақт сарфлаган ҳолда кутилаётган натижани қўлга киритишга имкон беради, ўқитиш сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширади.

Педагогик инновациялар педагогик фаолиятга янгиликларнинг изчил олиб кирилишини тавсифлайди. Педагогик инновацияларнинг дидактик имкониятларига кўра таълим тизими ва жараёни ривожланиб боради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлиб, таълим жараёнининг сифатини кафолатлади. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олиши зарур.

**2. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари.** Луғавий жиҳатдан “инновация” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“innovation”) “янгилик киритиш” деган маънони англатади. “Инновация” тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди.

**Инновация** – муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият.

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация қуйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (ингл. “innovationas” – киритилган янгилик, ихтиро) – 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асослангаан техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги

янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”<sup>4</sup>.

А.И.Пригожиннинг фикрига кўра, инновация мақсадга мувофиқ равишда муайян ижтимоий бирлик – ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга нисбатан муносабатга янгича ёндашиш, бу муносабатни бир қадар турғун элементлар билан бойтиб бориш тушунилиши лозим. Бу ўринда англанадики, муаллифнинг қарашлари бевосита ижтимоий муносабатлар, уларга нисбатан инновацион ёндашиш моҳиятини ифодалайди. Шундан келиб чиқкан ҳолда ҳар бир шахс фуқаро, мутахассис, раҳбар, ходим, қолаверса, турли ижтимоий муносабатлар жараёнининг иштирокчиси сифатида ўзига хос инноватор фаолиятни ташкил этади.

Америкалик психолог Э.Роджерс ўз тадқиқотларида инновацион характерга эга ижтимоий муносабатларнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, ижтимоий муносабатларга янгилик киритиш, бу жараёнда иштирок этувчи шахсларнинг тоифалари, уларнинг янгиликка бўлган муносабатлари, янгиликни қабул қилиш, моҳиятини англашга бўлган тайёрлик даражаси ҳамда муайян шахслар тоифалари ўртасидаги инновацион характерга эга ижтимоий муносабатларнинг таснифи масалаларини ўрганган.

**Инновацион таълим** (ингл. “innovation” – янгилик киритиш, ихтиро) – таълим олувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илгор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим.

Инновацион таълим жараёнида қўлланиладиган технологиялар инновацион таълим технологиялари ёки таълим инновациялари деб номланади.


**Таълим инновациялари** – таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар.

Таълим инновациялари “инновацион таълим” деб ҳам номланади. “Инновацион таълим” тушунчаси биринчи бор 1979 йилда “Рим клуби”да қўлланилган.

Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади. Улар (6-расм):

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Конигил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 169-бет.



**6-расм. Таълим инновацияларининг асосий турлари**

Инновациялар турли қўринишга эга. Қуйидагилар инновацияларнинг асосий **кўринишлари** саналади:

- янги ғоялар;
- тизим ёки фаолият йўналишини ўзгатиришга қаратилган аниқ мақсадлар;
- ноанъанавий ёндашувлар;
- одатий бўлмаган ташаббуслар;
- илғор иш услублари.

Таълим тизимида ёки ўқув фаолиятида инновацияларни қўллашда сарфланган маблағ ва кучдан имкон қадар энг юқори натижани олиш **мақсади** кўзланади. Инновацияларнинг ҳар қандай янгиликдан фарқи шундаки, у бошқариш ва назорат қилишга имкон берадиган ўзгарувчан механизмга эга бўлиши зарур.

Барча соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам “новация”, “инновация” ҳамда уларнинг моҳиятини ифодаловчи фаолият тўғрисида сўз юритилади.

Агар фаолият қисқа муддатли, яхлит тизим хусусиятига эга бўлиб, фақатгина тизимдаги айрим элементларни ўзгартиришга хизмат қилса у **новация (янгиланиш)** деб юритилади. Борди-ю, фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилиб, унинг натижаси муайян

тизимнинг ривожланишига ёки уни тубдан ўзгартиришга хизмат қилса, у **инновация (янгилик киритиш)** деб аталади.

Илмий адабиётларда “новация” (янгиланиш, янгилик) ҳамда “инновация” (янгилик киритиш) тушунчаларининг бир-биридан фарқланишига алоҳида эътибор қаратилади. Мисол учун, В.И. Загвязинскийнинг эътироф этишича, “янги”, “янгилик” тушунчаси нафақат муайян ғояни, балки ҳали амалиётда фойдаланилмаган ёндашув, метод ҳамда технологияларни ифодалайди. Аммо бунда жараён элементлари яхлит ёки алоҳида олинган элементларан иборат бўлиб, ўзгариб турувчи шароит ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этиш ғояларини ўзида акс эттиради.

Дарҳақиқат, янгилик – восита саналиб, у аксарият ҳолатларда янги метод, методика, технология ва б. кўринишида намоён бўлади.

Моҳиятига кўра новация ва инновация ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Улар қуидагилардир (1-жадвал):

### **1-жадвал. Новация ва инновациялар ўртасидаги асосий фарқлар**

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация
1) амалдаги назария доирасида қўлланилади; 2) кўлам ва вақт бўйича чегараланади; 3) методлар янгиланади; 4) натижа аввалги тизимни такомиллаштиради	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади.

И.П.Подласыйнинг фикрига кўра, таълим инновационлари қуидаги ўзгаришларга олиб келади:


- педагогик тизимнинг тамомила ўзгариши;
- ўқув жараёнининг ўзгариши;
- педагогик назариянинг ўзгариши;
- ўқитувчи фаолиятининг ўзгариши;
- талаба (талаба) фаолиятининг янгиланиши;
- педагогик технологиянинг ўзгариши;
- таълим мазмунининг янгиланиши;
- ўқитиши шакл, метод ва воситаларининг ўзгариши;
- таълим тизими бошқарувнинг ўзгариши;
- таълим мақсади ва натижаларнинг ўзгариши.

### **3. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотнинг муҳим йўналиши сифатида таълим жараёнини технологиялаштиришдан эътироф этилди. Бу жараённинг самарадорлиги ўқитувчилар томонидан замонавий таълим технологияларини таълим амалиётида фаол қўлланилиши, шунингдек, ривожланган хорижий мамлакатлар таълими амалиётида қўлланилаётган

замонавий технологиялардан хабардор бўлишқўйидаги шартлар асосида таъминланди.

Таълим жараёнини технологиялаштириш педагогик фаолиятнинг муҳим кўриниши бўлиб, у қуидаги босқичларда амалга оширилади (7-расм):



### 7-расм. Таълим жараёнини технологиялаштириш босқичлари

Педагогик вазифанинг ҳал этилишига ўқитувчи ва талаба фаолиятларининг мазмуни, воситаларини лойиҳалаш орқали эришади. Замонавий шароитда таълим жараёнини технологиялаштириш уни лойиҳалашга нисбатан янгича ёндашув, яъни, таълим жараёнини технологик структурасига мувофиқ ёритиш заруратини тақозо этади.

Ўқитувчи касбий фаолиятини ташкил этишда таълим жараёнини лойиҳалаш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир ўкув курсини ўрганиш алоҳида мавзуу ва бўлимларни лойиҳалаш асосида амалга оширилади.

**Таълим жараёнини лойиҳалаш** – педагогик фаолият кўриниши бўлиб, у таълим жараёнининг технологик тузилма ҳамда ўқитиши натижасини кафолатловчи метод ва воситалар йиғиндисига эгалиги билан тавсифланади.

Лойиҳалаш маҳсулни таълим жараёнининг лойиҳаси саналади.

Педагогик амалиёт моҳиятини таҳлил этиш натижасида таълим жараёнини лойиҳалашнинг бир неча қонуниятлари ажратилди. Улар:

1) таълим жараёнининг лойиҳалаш самарадорлиги барча таркибий қисмлар (технологик бошқарув, восита, ахборот, ижтимоий-психологик муҳит)нинг лойиҳада мақсадга мувофиқ ёритилиши асосида таъминланади;

2) таълимнинг технологик воситалари талабаларнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади;

3) лойиҳалаш стратегиялари ўқитувчининг индивидуал услугига мувофиқ танланади;

4) лойиҳалаш сифати тескари алоқа (ўқитувчи ва талаба ўртасидаги қўлами, лойиҳалаш мазмуни, шунингдек, барча омиллар самарадорлигига боғлик.


Таълим муассасаларида таълим жараёнини лойиҳалаш икки даражада:

а) ўқитувчи фаолияти даражасида (таълим жараёнининг алоҳида қисмларини лойиҳалаш);

б) таълим менеджери фаолияти даражасида (таълим жараёнини яхлит лойиҳалаш) амалга оширилади.

Таълим жараёнини лойиҳалашда нафақат ҳар бир таркибий қисм, балки улар орасидаги алоқалар ҳам моделлаштирилади ҳамда лойиҳалаш қонуниятлари лойиҳалаш тамойилларининг назарий асосларини ишлаб чиқишига, педагогик фаолият амалиётида қўллашга замин тайёрлайди.

Моҳиятига кўра таълим жараёнини лойиҳалашнинг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат (8-расм):



**1. Марказлаштириш томоили** технологик жараёнда талabalар фаолияти моделини лойиҳалашнинг бош элементи сифатида ифодаланади. Таълим жараёни тузилмасида асосий тизимлаштирилувчи таълим мазмуни ва талаба фаолияти технологик жараён ҳисобланиб, унинг мазмунини талabalарнинг ижтимоий тажриба асосларини ўзлаштириб олишга йўналтирилган ўкув фаолияти ташкил этади. Ҳар бир ўкув фани бўйича таълим мазмуни умумий таълим мақсади ва вазифаларига мувофиқ белгиланади.Faолиятли ёндашув нуқтаи назаридан умумий ўрта таълим мазмунини ташкил этувчи ҳар бир унсур (элемент) субъект фаолиятининг турларидан бирига мувофиқ келиши керак. Субъект фаолиятининг турлари, ўз навбатида, аниқ моделлар йиғиндиси сифатида умумлашган фаолият моделлари орқали ифодаланиши зарур.

Талabalар фаолияти модели тизимлаштирилувчи элемент бўлиб, талабанинг яхлит фаолияти мазмунини аниқлашга хизмат қиласди.

Марказлаштириш тамойили лойиҳалашни қуйидаги тартибда амалга оширишни талаб этади: фаолият моделларини мақсадга мувофиқ яратиш, уларни талабалар томонидан ўзлаштириш усуллари, воситаларини танлаш (технологик операциялар), ўқув фаолиятини бошқариш усуллари (ўқитувчи фаолияти)ни асослаш.

**2. Рефлексивлик тамойили** субъектнинг ўзига, шахсий фаолиятига ва билимига баҳо бериши, ўзгаларнинг у ҳақидаги фикрлари ва улар ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятига оид муносабатларни тавсифлайди. Лойиҳалаш жараёнида ўқитувчига доимо таълим жараёни, унинг аниқ ва идеал шароитлари, талабаларнинг билишга бўлган эҳтиёжлари, уларни тўлдириш имкониятлари, шахсий сифат ва қобилиятлари, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш имкониятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Рефлексивлик тамойили яратиладиган таълим жараёнининг лойиҳасини таълим жараёни иштирокчиси – субъектнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини таҳлил қилиш асосида узлуксиз тузатиб, тўлдириб боришини талаб этади.

**3. Натижавийлик тамойили** педагогик шарт-шароитларнинг қулийлиги, оз вақт ва куч сарфлаш эвазига самарали натижаларга эришишни тавсифлайди. Натижавийлик- ижтимоий тажриба фаолият моделлари мазмуни, технологик операциялар, уларни ўзлаштириш, бошқариш услубларини танлаш, ўқув фаолиятининг мувофиқлиги, таълим-тарбия воситалари, технологик жараёнда субъектнинг қисқа вақт ва куч сарфлаши воситасида белгиланган мақсадга эришишни назарда тутиши лозим.

**4. Кўп омиллийлик тамойили.** Ҳар бир таълим жараёни бир қатор обьектив ва субъектив омиллар таъсирида амалга ошади. Улар сирасига ўқитувчи ва талабаларнинг ижтимоий–иқтисодий ҳаёт шароитлари, таълим муассасалари атрофидаги ижтимоий ишлаб чиқариш ва табиий иқлим муҳити, ўқув муассасасининг ўқув-моддий базаси, ўқитувчиларнинг касбий малака даражаси, таълим муассасаси ёки маълум синфдаги маънавий–психологик муҳит, талабаларнинг ўқув имкониятлари, синфнинг интеллектуал салоҳияти, жамоанинг шахслараро муносабатлари киради. Таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи ана шу омилларни ҳисобга олиши зарур.

**5. Талаба шахсини таълим жараёнига мослаштириш тамойили.** Бола мактаб остонасига қадам қўйганидан бошлаб унинг фаолият кўлами (ўз-ўзига хизмат, меҳнат, дам олиш тарзида) кенгаяди. Бу каби фаолият кўникумаларини эгаллаши натижасида ижтимоий тажрибага эга бўлиб боради. Шунинг учун таълим жараёнининг самарали бўлиши, уни лойиҳалашда таълим мазмуни ва бошқа фаолият моделлари ҳисобга олиниши, уларни талабалар кундалик ҳаёт фаолиятида эгаллаб бориши таъминланиши зарур.

Айни вақтда умумий таълим муассасаларида шахсни ривожлантириш ва уни ижтимоий ҳаётга мослаштириш муайян қонуниятларга мувофиқ психолог ва социологларнинг иштироклари (психопедагогик ташхис хулосаси) асосида амалга оширилади.

**6. Таълим жараёнида табиий ривожланиш ва ижтимоийлашув тамойили.** Табиий жараёнлар моҳиятини билиш таълим жараёнини самарали, талабаларнинг ёш хусусиятлари, сензитив ривожланиш даврлари,

ривожланишнинг кейинги босқичига ўтиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш имконини беради. Тамойилнинг мазмуни таълимни ижтимоийлаштириш, талабалар томонидан ижтимоий тажрибани индивидуал қонуниятлар асосида ўзлаштирилиши билан изоҳланади.

Таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи лойиҳачи ва бажарувчи сифатида лойиҳани амалга оширишнинг қулай йўлини танлайди. Лойиҳалашда талабани ўқув фаолиятига йўналтирувчи усуллар, мустақил таълим шакли, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини ҳурмат қилиш имкониятларини аниқлаш зарур.

“Педагогик технология” тушунчаси эса ўз моҳиятига кўра педагогик фаолиятнинг энг муҳим икки жиҳати, яъни, таълим ҳамда тарбия жараёнининг технологиялаштирилишини ифода этиши зарур. Баркамол шахсни шакллантириш муаммосининг ижтимоий зарурият сифатида эътироф этилаётганлигини назарда тутадиган бўлсак, таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан янгича ёндашувни қарор топтириш, мазкур жараённи технологиялаштиришга эришиш муҳим педагогик вазифалардан бири саналади.



**Тарбия жараёнини технологиялаштириш** – аниқ мақсад ва ижтимоий ғояга асосланиб, талабаларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятнинг ташкилий-техник жиҳатдан уюштирилиши.

Таълим жараёнидан фарқли тарбия жараёнини технологиялаштиришда бу жараённинг самарасини қисқа муддат оралиғида кўра олиш имконияти йўқ. Тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, талаба ва ўқитувчи ўртасида юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятлар тарбиявий жараённи технологиялаштиришга нисбатан ижодий ва масъулиятли ёндошиш зарурлигини тақозо этади.

Замонавий шароитда маънавий-маърифий тадбирларнинг ўтказилишига расмиятчилик нуқтаи назардан воз кечиш мақсадга мувофиқир. Зеро, тайёр сценарий асосида муайян тадбирни ташкил этиш жараёнида унинг асосий субъектлари бўлган талабалар фаол иштирокчи, тадбир натижасини белгиловчи шахс сифатида эмас, балки оддий ижрочи сифатида қатнашади. Бу ҳолат эса бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Хусусан:

- 1) талабаларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига нисбатан салбий муносабат шаклланади;
- 2) талабаларда мустақил фикрлаш, ижодкорлик қобилиятининг тарбияланиши учун имконият яратилмайди;
- 3) талабаларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилиши уларнинг шахс сифатида камол топишларини таъминлашга йўналтирилганлиги ҳақида эмас, балки синфнинг таълим муассасаси жамоаси олдида “сохта обрў” ортириши учун хизмат қилувчи восита эканлиги тўғрисидаги хulosанинг шаклланиши

учун шароит юзага келади.

Таълим муассасаларида ташкил этилувчи маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга технологик ёндашув қуидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- тадбир мавзуси ва ғоясини талабалар томонидан билдирилган шахсий ташаббуслар, уларнинг хоҳиш-истакларига кўра белгилаш;

- тадбир сценарийсини ишлаб чиқишида талабаларнинг мустақил фаолият юритишлари учун шарт-шароитларни яратиш;

- тадбир мазмунида ўз ифодасини топган ролларнинг мажбурий тарзда эмас, балки талабаларнинг лаёқати, қобилияти, шунингдек, қизиқишиларини инобатга олиш асосида тақсимланишига эришиш;

- тадбирнинг ташкил этилиши ва ўтказилишида ўқитувчининг роли буйруқ беришдан иборат бўлмай, аксинча, талабаларга йўл-йўриқ кўрсатиш, уларнинг фаолиятини йўналтириб туриш ҳамда зарур ўринларда маслаҳат бериш сифатида акс этишига эришиш;

- тадбир мақсадининг натижаланганлигини синф, гурух талабаларининг фаол иштирокига таянган ҳолда муҳокама қилиш.

Муҳокама жараёнида ўқитувчи томонидан турли танбеҳларнинг берилишига йўл қўймаслик, аксинча йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг талабаларнинг ўзлари томонидан аниқланиб, уларни бартараф этиш (кейинги тадбирни ўтказиш жараёнида уларнинг тақрорланишини олдини олиш) йўлида чора-тадбирларни белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Талабалар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга технологик ёндашув моҳияти талабалар мустақиллигини таъминлашда қуидаги омилларнинг мавжудлигига эътиборни қаратишни ҳам тақозо этади:

- талабаларда тарбиявий тадбирларнинг ўтказилишига
- нисбатан ички эҳтиёж, қизиқиши ва рағбатнинг мавжудлиги;
- талабаларнинг тарбиявий тадбирларни мустақил ташкил этиш борасида муайян тажрибаларга эга эканликлари;
- тадбир ғоясининг талабалар ички эҳтиёжларига мос келиши

Тарбия жараёнини технологиялаштиришда бу жараённи лойиҳалаштириш ҳамда унинг асосларини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Тарбия жараёнини лойиҳалаш қуидаги босқичларда кечади:

- 1) тадбир мавзусига доир материалларни йиғиш;
- 2) тадбир мақсади ва вазифаларини белгилаш;
- 3) тадбирнинг мазмунини ишлаб чиқиш;
- 4) тадбир шакли, методлари ва воситаларини танлаш;
- 5) тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш (давомийлиги) вақтини белгилаш;
- 6) тарбиявий тадбир сценарийсини ишлаб чиқиш;
- 7) талабалар фаолиятини назорат килиш, уларнинг фаоллик даражаларини норасмий (уларни бу хақида хабардор қиласдан) баҳолаш;
- 8) лойиҳани амалий фаолиятда қўллаш;
- 9) тадбирни ташкил этиш жараёни;

10) тадбирнинг ўтказилиш ҳолати (самарали, самарасиз, муваффақиятли, муваффақиятсиз кечганлиги)ни муҳокама қилиш ва якуний хулоса чиқариш

### **Назорат саволлари:**

1. Таълим жараёнини технологиялаштириш қандай босқичларда кечади?
2. “Таълим жараёнини лойиҳалаш” деганда нимани тушунасиз?
3. Тарбия жараёнини технологиялаштириш нима?
4. Инновация нима?
5. Таълим инновациялари деганда нимани тушунасиз?
6. Таълим инновацияларининг қанай турлари мавжуд?
7. Новация ва инновациянинг асосий фарқлари нималарда кўринади?
8. Инновацион жараёнлар қандай ёндашувлар асосида ташкил этилади?
9. Инновацион фаолият нима ва унга қандай белгилар хос?
10. Инновацион жараён қандай тузилмаларга эга?
11. Инновация жараён қандай қонуниятларга бўйсунади?
12. Таълим инновацияларини педагогик жараёнга татбиқ этиш қандай босқичларда кечади?

## **2-МАВЗУ: ПЕДАГОГЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИ.**

### **ПЕДАГОГЛАРДА КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ**



Режа:

1. Педагогларнинг креативлик сифатлари. Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари ва шартлари.
2. Педагогларда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар.
3. Педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар, тамойиллар, малакалар, даражалар ва сифатлар.

**Таянч тушунчалар:** сифат, креативлик сифатлари, малака, ижодий фаолиятни малакалари, креатив сифатларни ривожлантириш йўллари, педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар, шахс креативлигини ривожлантириш тамойиллари, педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар, педагогларнинг креативлик имкониятлари, педагогларнинг креативлик имкониятининг муҳим даражалари, шахснинг креативлиги даражасини аниқловчи мезонлар.

**Педагогларнинг креативлик сифатлари. Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари ва шартлари.** Сифат тушунчаси ўзбек миллий энциклопедиясида фалсафий котегория сифатида қўйидагича изоҳланган.

*“Сифат - объектнинг муҳим белгиларини ифодалайдиган фалсафий тушунча. Сифат объект маркибий қисмларининг ўзаро турғун муносабатларини акс эттиради, бу муносабатлар бир объектни иккинчи объектдан ажратиб турадиган ўзига хос томонларини англатади....”.* (Ўзбек миллий энциклопедияси 429 б.).

Бошқа ҳар қандай сифат (фазилат) каби педагогнинг креативлик сифатлари бирданига шаклланмайди. Креативлик муайян босқичларда изчил ривожлантирилиб борилади. Хўш, педагогнинг касбий фаолиятида креативлик сифатлари қачондан намоён бўлади?

Одатда креативлик сифатлар инсоннинг болалик давридан, яъни уларнинг ўйин фаолиятларида тез-тез кўзга ташлансада, бироқ, бу ҳолат истиқболда уларнинг ижодий ютуқларни қўлга киритишларини кафолатламайди. Фақатгина улар томонидан у ёки бу ижодий кўникма, малакаларни ўзлаштиришлари зарур деган эҳтимолни ифодалайди. Шу босидан ҳам таълимтарбия жараёнида (узлуксиз таълим тизимида) болаларда креативлик сифатларни ривожлантиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

1) улар томонидан кўп саволлар берилишини рағбатлантириш ва бу одатни қўллаб-қувватлаш;

2) болаларнинг мустақиллигини рағбатлантириш ва уларда жавобгарликни кучайтириш;

3) болалар томонидан мустақил фаолиятни ташкил этилиши учун имконият яратиш;

4) болаларнинг қизиқишлирага эътибор қаратиш.

Педагогика-психология бўйича тадқиқот олиб борган олимларнинг фикрича педагогик тафаккурга эга бўлиш учун талабалар педагогика оид билимларни пухта ўрганиш асосида қуйидаги кўникма, малакаларни ўзлаштира олишлари зарур деб ҳисоблайди: педагогиканинг асосий ғоялари, концепциялари, қонуниятларини ва педагогик ҳодисаларнинг ривожланиш қонуниятларини билиш; педагогиканинг энг муҳим назарий ғоялари, асосий категориялари ва тушунчаларини билиш; асосий педагогик фактларни билиш; таълим ва тарбиянинг умумий услуби ҳақидаги амалий билимларни эгаллаш.

Психологияда Э.П.Торренс томонидан шахс креативлигини аниқловчи тест ишлаб чиқилган. Э.П.Торренснинг фикрича, шахс креативлиги ўзида қуйидаги белгиларни намоён қиласди:

1) саволлар, камчиликлар ва бир-бирига зид маълумотларга эътиборсиз бўлмаслиқ;

2) муаммоларни аниқлаш учун харакат қилиш, илгари сурилган тахминлар асосида уларнинг ечимини топишга интилиш

Бугунги кунда психологияда шахс креативлиги унинг фаолиятига хос икки жиҳатга кўра аниқланмоқда. Бунда фаолиятнинг икки жиҳатини ёритувчи тестлардан фойдаланилади. Улар қуйидагилар:

• Шахснинг ҳаётий тажрибаси ва шахсий сифатларини аниқловчи тестлар;

- Ижодий тафаккур ва унинг натижалари (тезкорлк, самарадорлик, маҳсулдорлик ва б.)ни аниқловчи тестлар.

Талабаларда креатив фикрлаш кўникмасини шакллантиришдан олдин педагогик шарт-шароит, яъни инновацион таълим муҳитини яратиш лозим. Инновацион таълим муҳитида таълим олаётган талабаларда аста-секин креатив вазифаларни бажаришга нисбатан қизиқиш ортади, шунингдек, креатив тафаккурга эга ўқитувчини кузатиш натижасида креатив фикрлашга мойил бўлади. Олий таълим муассасаларида талабаларнинг креатив тафаккурга эга бўлишлари уларда ижодий муҳитнинг қанчалик даражада яратилганлигига боғлиқ. Тўлақонли креативлик характерига эга инновацион таълим муҳитини яратиш пухта ўйланган режага таянади. Ўқитувчилар агарда инновацион ўқитиш метод ва стратегияларини қўллаш (яъни кенг кўламда ўйлаш ва креатив фикрлаш жараёнини ташкил этиш)да катта самарадорликка эришишни истасалар, буни талабалар онгига сингдиришлари ва ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари лозим.

Креатив тафаккурга эга талабалар: бошқа талабаларнинг хаёлига келмаган ғояларни билдиради; ўзларини ифода этишнинг ўзига хос услубини танлайди; баъзан мавзу алоқаси йўқ ёки ғайриоддий саволлар беради; ечими очик қолган вазифалардан завқланади; ғояларни аниқ далиллар асосида муҳокама қилишни афзал қўради; муаммонинг ечимини топишда ноанъанавий ёндашувни танлайди.

Шахсга хос креативлик сифатлари қўйидагилар саналади (1-расм):



Педагоглар креативлик сифатлари билан бир қаторда ижодий фаолиятни ташкил этишга лаёқатлиликни ифодаловчи қўйидаги малакаларга ҳам эга бўлишлари зарур:

## **Педагогларнинг креативлик малакалари гурухлари:**

- 1) **билишга оид (гностик) малакалар;**
- 2) **лойихалаш малакалари;**
- 3) **ижодий-амалий (конструктив) малакалар;**
- 4) **тадқиқотчилик малакалари;**
- 5) **мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) малакалари;**
- 6) **ташкилотчилик малакалари;**
- 7) **изчилликни таъминловчи (процессуал) малакалар;**
- 8) **техник-технологик малакалар**

Кўйида ушбу малакалар гурухларининг моҳияти ёритилади:

### **Билишга оид (гностик) малакалар:**

- талабаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, жамоанинг ижтимоий-психологик ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ўқув-тарбиявий вазифаларни аниқ белгилаш;
- замонавий таълим талабларидан келиб чиқсан ҳолда ўқув-тарбия жараёнини дидактик, психологик ва методик жиҳатдан режалаштириш ва таҳлил қилиш;
- таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларни асосли равишда танлай олиш;
- талабалар томонидан ўқув дастури талабларидан келиб чиқсан ҳолда материалларни ўзлаштирганлик натижаларини, ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини аниқлай билиш;
- талабаларнинг билишга бўлган қизиқиши, эҳтиёж ва фаолликларини ривожлантириш бўйича турли кўринишдаги ишларни олиб бориш;
- дарсда, дарсдан ташқари шароитларда, куни узайтирилган гурухларда, тўғарак, клуб ёки жамиятларда турли тарбиявий ишларни олиб бориш;
- талабалар, уларнинг ота-оналари билан индивидуал ишларни амалга ошириш;
- талабаларда соғлом турмуш кечиришга бўлган эҳтиёжни шахсий ва умумий гигиенага амал қилиш кўнинмаларини,
  - биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш малакаларини шакллантириш;
  - таълим жараёнида турли кўрсатмали қуроллар, замонавий техник воситалар, ахборот ва илгор педагогик технологияларидан фойдаланиш;
  - дидактик материал ва кўрсатмали қуролларни ишлаб чиқиш;
  - ота-оналарни педагогик билимлар асослари, болаларнинг асосий ёш хусусиятлари, психологик ўзига хосликлари, турли ёш босқичларида

фарзандлар билан ота-оналар ўртасида кечадиган муносабатлар моҳиятидан хабардор қилиш;

- ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ва шахсий фаолиятда йўл қўйилган камчиликларни тузатиш.

#### **Лойиҳалаш малакалари:**

- дарс ёки тарбиявий тадбирларнинг лойиҳаларини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик харитасини яратиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбир моҳиятини босқичма-босқич ёритиш;
- таълимий ёки тарбиявий фаолият мақсадини аниқ белгилаш;
- мақсадга мос келадиган вазифаларни аниқлаш;
- ўқув материалининг дидактик, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини баён этиш;
- ўқув ёки тарбиявий характердаги материал мазмунини шакллантириш;
- ўқув ёки тарбиявий материал мазмунини очиб берадиган бир қанча маълумотлар ўртасидаги ўзаро изчилликни таъминлаш;
- талабаларни мустақил фикрлашга рағбатлантирувчи саволлар тизимини ишлаб чиқиш;
- дарс ёки тарбиявий тадбирнинг методик тузилишини асослаш;
- дарс ёки тарбиявий тадбир жараёнида бажариладиган педагогик топшириқлар тизимини аниқлаш;
- янги материални баён этишда турли замонавий ёндашувларни қўллаш;
- муайян изчилликка эга тест топшириқларини ишлаб чиқиш;
- талабаларнинг билим даражасини ташхислаш жараёнини асослаш;
- талабалар жамоаси ҳамда алоҳида талабанинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини баҳолаш механизмини яратиш.

#### **Ижодий-амалий (конструктив) малакалар:**

- алоҳида-алоҳида маълумотлардан фойдаланган ҳолда яхлит ўқув ва тарбиявий характердаги материални шакллантириш;
  - ўқув материалини турли расм, сурат, жадвал, диаграмма, модел ва бошқалар билан бойитиш;
  - ўзига хос, оригинал ўқув материалини тайёрлаш;
  - мустақил равишда янги методни асослаш;
  - ўқув машғулоти (дарс) ва тарбия тадбир учун кўрсатмали қуроллар тўпламини яратиш;
  - дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик паспорти, харитасини яратиш;
  - дарс ёки тарбиявий тадбирда фойдаланиш учун мультимедия материалларини яратиш;
  - ўқув материалининг тақдимот вариантини тайёрлаш;
  - турли мавзулардаги тарбиявий тадбирлар учун талабаларнинг фаол иштироқида видео роликлар яратиш;
  - дарс конспектини тайёрлаш;
  - турли шакл ва методларга асосланган синов топшириқлари (савол, топшириқ, масала, мисол, машқ, тест),

- баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- назорат ишларини ташкил этишга ижодий ёндашиш.

#### **Тадқиқотчилик малакалари:**

- илмий изланиш олиб бориш метод ва воситаларини танлаш;
- манбалар билан ишлаш (назарий таҳлил, муҳим маълумотни топиш, тезис, конспект, реферат, картотека билан ишлаш,
- адабиётлар рўйхатини тузиш);
- нашр манбалари ва ахборот технологиялари
- (Интернет) материаллари билан танишиш;
- анкета сўровини ташкил этиш;
- замонавий педагогик муаммоларни аниқлаш, долзарблигини асослаш;
- мавжуд манбалар асосида муаммонинг
- ишланганлик даражасини ўрганиш;
- педагогик тажриба олиб бориш методикасини ишлаб чиқиш;
- уч (ёки тўрт) босқичли педагогик тажрибани
- илмий-методик ташкил этиш;
- илмий мақола, ахборот ва ҳисбот тайёрлаш;
- илмий мақолаларни нашрга тайёрлаш;
- педагогик тажриба натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;
- таҳлил натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш;
- статистик таҳлил натижаларига кўра хулоса чиқариш ва илмий-тавсияларни илгари суриш;
- педагогик тажриба натижаларини муҳокама қилиш (саволлар қўйиш, шахсий фикрни билдириш, танқидий фикрларни айта олиш, амалий таклифлар бериш).

#### **Мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) малакалари:**

- талабалар, ота-оналар, таълим муассасаси раҳбарияти, ҳамкаслар билан мулоқотда турли шакл, методлардан фойдаланиш;
- педагогик амалиётнинг барча иштирокчилари билан амалий, ишчанлик ёки шахсий муносабат ўрнатиш;
- талабаларга маълумотларни етказишнинг самарали йўл ва воситаларини топиш;
- топшириқлар юзасидан талабанинг жавоби ёки шахсий фикрларини тинглай билиш;
- педагогик жараёнларда юзага келадиган низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш ёки ривожлантириш;
- жамоа ва турли босқичдаги талабалар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш;
- жамоада соғлом рақобатга асосланган муҳитни қарор топтириш;
- талабаларнинг фаолиятларини рағбатлантириш;
- талаба жавобидаги хато ёки хатти-ҳаракатидаги камчиликларга муносабат билдириш;

- - талабалар билан таълимий ҳамкорликка эришиш.

#### **Ташкилотчилик малакалари:**

- талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш;
- талабаларда илмий билимларни ўзлаштириш кўникма, малакаларини шакллантириш;
- дарс жараёнида вақтни тўғри тақсимлаш ва режани самарали бажариш;
- талабалар билан индивидуал ишларни ташкил этиш;
- - гурӯҳ жамоаси билан жамоавий ёки гурӯҳли ишларни олиб бориш;
- - талабаларда таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларига риоя этиш кўникмаларини шакллантириш;
- талабаларга ўқув ва ижтимоий топшириқларни бериш;
- ўқувчиларнинг диққатини бошқариш;
- талабалар ўртасида баҳс-мунозара ташкил этиш ва уни бошқариш;
- дарсларда ўйин технологияларидан фойдаланиш;
- талабаларнинг ўқув фаолликларини ошириш,
- уларнинг мустақиллигини таъминлаш;
- кичик гурӯҳларни шакллантириш асосида топшириқлар бажарилишини таъминлаш;
- талабалар билан ҳамкорликда тарбиявий ишлар рўйхатини ишлаб чиқиши.

#### **Изчилликни таъминловчи (процессуал) малакалар:**


- ўқув материали мазмунини баён қилишда нутқий изчилликни таъминлаш;
- оғзаки ва ёзма нутқни баён қилишда ўзаро изчилликни қарор топтириш;
- талабаларнинг мавжуд билимлари билан янги ўзлаштириладиган билимлар ўртасида муайян изчилликни юзага келтириш;
- талабаларнинг мавжуд хаётий қарашларини янги ғоялар билан бойитиши;
- дарсда ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларда талабаларни фаол фаолиятга ундовчи методлардан фойдаланишда муайян изчилликка эришиш;
- талабалар БКМ даражасининг ДТС талабларига мувофиқ келишида маълум изчилликка эришиш;
- гурӯҳ жамоасининг ижтимоий-психологик ҳолатини ўрганиш методларидан фойдаланишда педагогик фаолият изчиллигини таъминлаш;
- талабаларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини баҳолашда доимий изчилликка эришиш.

#### **Техник-технологик малакалар:**

- таълим жараёнига замонавий техник воситаларини татбиқ этиши;
- дарс жараёни мазмунини технологик паспорт ва технология харита ёрдамида ёритиши;
- ўқув материали мазмунини ёритувчи слайдларни тайёрлаш;

- ўқув машғулотларини ахборот технологиялари, интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш;
- ихтисослик фани хусусиятидан келиб чиққан ҳолда турли техник воситалардан фойдаланиш;
- дарсларда проекторни қўллай олиш;
- ўқув материалларини аудио ва видео ёзувлари, тақдимот асосида баён қилиш;
- талабаларда ўқув материалини мустаҳкамлаш ва ўқув топшириқларини беришда ахборот технологияларини қўллаш;
- компьютер имкониятларидан фойдаланишга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш;
- талабаларнинг БКМни баҳолашни компьютер асосида ташкил этиш;
- талабаларнинг билим олганлик ва тарбияланганлик даражаларини ташхис қилишда компьютер ёрдамига таяниш ва б.ш.

**Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг самарали йўллари.** Юқорида айтиб ўтилганидек, барча шахсларда бўлгани каби педагоглара ҳам креативлик сифатлари ўз-ўзидан ривожланмайди. Шунга кўра тадқиқотларда шахс (жумладан, педагоглар)да креативлик сифатларини муваффакиятли ривожлантиришнинг бир қатор йўллари ёритилади. Патти Дрепеау<sup>5</sup> томонидан ҳам шахс (жумладан, педагоглар)да креативлик сифатларини муваффакиятли ривожлантиришнинг тўртта йўли кўрсатилган.



**1-йўл: креатив фикрлаш кўнимасини шакллантириш.** Бунда асосий ургу креатив фикрлаш кўнималарини шакллантириш асосий эътибор марказида бўлиб, талабалар феъллар ёрдамида креатив характердаги ҳаракатларнинг моҳиятини ифодалашга йўналтирилади. Хусусан, ўқитувчилар креатив фикрлаш кўнимасини самарали шакллантириш мақсадида талабаларга уларни фикрлашга ундовчи саволлар таркибида зарур феълларнинг бўлишига эътибор қаратилади. Бу ҳолат мисоллар билан тушунирилса, талабалардан “юрак ва қон айланиш тизими ўртасидаги боғлиқликни таърифлаб беринг” мазмунидаги назорат саволи уларда

<sup>5</sup> Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 9.

креативликни шакллантирмайди. Зеро, савол таркибидаги “таърифлаб беринг” тушунчаси ўз мохиятига кўра “мавжуд билимларингизни бирма-бир айтиб ўтинг” дейиш билан тенг.

Назорат саволларини беришда талабаларни фикрлашга ундовчи сўз (феъл)лардан фойдаланиш уларнинг креатив фикрлашларини осонлаштиради. Шу сабабли шахсда креатив сифатларни шакллантиришнинг биринчи йўлига кўра педагоглар турли, антика, ноанъянавий ҳамда пухта жавобни беришга мажбур қилувчи сўз (феъл)лардан фойаланишлари мақсадга мувофиқдир. М: “*боғлиқликни топинг*”, “*яратинг*”, “*башорат қилинг*”, “*фикрни мантиқан баён этинг*”, “*тасаввур қилинг*” каби сўз (феъл)лардан фойдаланиш амалий жиҳатдан самарали саналади.

Агарда педагог талабалардан “Педагогик ва ишлаб чиқариш қонуниятларининг ўзаро интеграциясини изоҳлаш”ни талаб қилиш ўрнига, “Педагогик ва ишлаб чиқариш қонуниятларининг турлари ва уларнинг ўзаро интеграцияси”ни сўраши лозим. Натижада талабалар ҳам мавжуд билимларни умумлаштириш, ҳам янги фикр ва ғояларни илгари суриш имкониятига эга бўлади.

Педагоглар биринчи йўлни қўллаш – талабаларда креативлик кўникмасини шакллантиришда ёш ўқитувчиларнинг “Креативлик харитаси”дан фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

**2-йўл: амалий креатив харакат қўникмаларини ривожлантириш.** Педагоглар талабаларда креатив фикрлаш қўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда кўрсатмали метод ва усуллардан фойдаланади. Бу ўринда саволлардан фойдаланиш факат қисқа муддатда ёрдам бериши мумкин, бироқ, талабаларда интерфаоллик ва киришимлиликни ривожлантирмайди.

Патти Драпеау ўз асарида бир қатор талабаларда интерфаоллик ва креатив фикрлаш қўникмаларини ривожлантиришда самарали бўлган йўл ва методларни келтириб ўтади. Хусусан: - Веб-сайтлар билан ишлаш; - визуаллаштириш; - барча нуқтаи назарларни инобатга олиш; - муҳим ғояларни турли вазиятларда ва ўринли қўллаш (ғояни бошқа шароитга кўчириш – трансформация); - рамзийлаштириш каби йўллар; - “Ақлий хужум”; - “Кейс-стади” каби методлар<sup>6</sup>.

**3-йўл: креатив фаолият жараёнларни ташкил этиш.** Мазкур йўл талабаларни муаммони ечиш ва инновацион ғояларни илгари суриш жараёнида креатив, ижодий фикрлашга ургу беради. Мазкур жараёнларда креатив метод ва усуллар фаол қўлланилмаса-да, креатив фикрлаш юз беради.

**4-йўл: креатив маҳсулот (ишланма)лардан фойдаланиш.** Бу йўлни тутишда педагог талабаларга “Дидактика тарбия назарияси” мавзусида Power Point дастури ёки мультимедия ёрдамида тақдимотни яратиш топшириғини бериши мумкин. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида талабаларда креатив фикрлаш қўникмалари фаол ривожланади.

<sup>6</sup> Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 8-10.

Талабалар ўзларининг креатив фикрлаш қобилиятларини қулай мухитда тўла намоён қилишлари мумкин. Агар талабаларда муваффақиятсизликка учраш қўркув ҳисси мавжуд бўлса, фикрни нотўғри ифодалашдан ҳадиксирасалар, танқидга учрасалар бундай вазиятда уларда креатив фикрлаш кўникмаларини самарали шакллантириш ёки ривожлантириш мумкин бўлмайди. Талабаларда креативликни одатга айлантириш орқалигина креатив фикрлаш кўникмасини муваффақиятли шакллантириш мумкин.

Бу жараёнда улар томонидан мавзу мазмунининг пухта англаниши ва креатив фикрлаш кўникмаларини баҳолашда қўлланиладиган метод ва воситалар мухим аҳамият касб этади<sup>7</sup>.

Шахсан Сиз нима деб ўйлайсиз: олий таълим муассасаларида талабаларни креатив фикрлашга ундаш жараёнида мазкур йўллардан қай тартибда фойдаланиш кутилган натижаларни кафолатлади. Бу ўринда Патти Драпеау куйидаги маслаҳатни беради: “Бир манзилдан иккинчи манзилга бориш учун биз икки ва ундан кўп йўналишларни босиб ўтамиз. Бу фикр қуйида билдириладиган кўрсатмаларга ҳам тааллуқлидир. Ўқитувчи дарс жараёнида бир ёки бир нечта (юқорида келтириган) йўллардан фойдаланиши мумкин. Ўқитувчи креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантирувчи феълларни қўллаш (1-йўл)га қарор қилса, у бевосита креатив муаммоларни ҳал этиш (3-йўл) устида иш олиб бораётган талабаларни креатив фикрлаш стратегиялари (2-йўл)дан фойдаланишга ҳам самарали жалб этади. Дарс эса креатив маҳсулотни (4-йўл) ишлаб чиқиши билан якунланади. Креатив фикрлаш жараёнини моҳиятини ёритувчи харита ўқитувчиларга дарс жараёнида намоён бўладиган креативлик даражаси, турини аниқлашга ёрдам беради”<sup>8</sup>.

Талабалар креативлик рағбатлантирилса ва самимий мухит яратилсагина, креатив фикрлашни одатга айлантира оладилар. Креатив мухитда ўқитувчи ва талабалар бошқаларга нисбатан самимий муносабатда бўлишни ва уларнинг фикр мулоҳазаларини хурмат қилишни ўрганадилар. Хато қилишдан ёки муваффақиятсизликка учрашдан қўрқиши, ҳаддан ташқари баҳоларга эътибор қаратиш, бошқалардан ажralиб туриш, менсимаслик ва танқидга учрашдан, камситилишдан қўрқиши мавжуд талабаларда креативлик одатга айланмайди. Креативликни одатга айлантириш, талабаларнинг ўқищдаги мувафақият ва ўз-ўзига бўлган хурматни ошириш фақатгина креатив фикрлашни мувофиқ равишда қўллаш орқали ва соғлом мухитдагина эришиш мумкин”<sup>9</sup>.

Хорижлий педагоглар, хусусан, Патти Драпеаунинг фикрича, бир шахснинг, айниқса, ўқитувчининг креативлиги бошқа (талаба)ларни ижодий жараённи ташкил этишга руҳлантиради.

“Креативлик юқумлилик хусусиятига эгадир; креатив бўлиш учун киши кўпроқ креатив инсонлар билан мулоқот қилиши ва ҳамиша изланишда бўлиши лозим. Ҳар қандай кўникмани шакллантириш мумкин бўлганидай,

<sup>7</sup> Ўша асар. – 10-бет.

<sup>8</sup> Ўша асар. – 12-бет.

<sup>9</sup> Ўша асар. – 12-13-бетлар.

креатив фикрлаш қобилияти ёки кўникмасини ҳам ривожлантириш мумкин. Бу талабаларга ҳам тааллукли бўлиб, креативлик устида ишлаш талабаларга ноодатий тарзда фикрлашга ёрдам беради. Бироқ, талабаларни руҳлантириш ва креатив бўлишга ундаш ўқитувчининг қай даражада малакали эканлигига боғлиқ. Креативлик бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва креативлик назариячиларининг ишлари талабаларда креативлик кўникмасини шакллантиришда қўлланма сифатида хизмат қиласи (2.1-жадвал). Бу аудиториядаги муҳит, талабаларда фикрлаш тарзининг шаклланиши, ўқитувчининг ёндашув ва стратегиялари элементларини ўз ичига олади”<sup>10</sup>.

### **1-жадвал. Талабаларда креативликни шакллантириш<sup>11</sup>**

<b>Талабаларда креативликни шакллантириш</b>	
Талабаларни ...	<ul style="list-style-type: none"> <li>- қизиқарли;</li> <li>- мураккаб вазифалар;</li> <li>- аниқ мақсад ва вақт билан таъминлаш</li> </ul>
Талабаларга ...	<ul style="list-style-type: none"> <li>- креативлик мувозанатсизлик хиссини юзага келтиришини англатиш;</li> <li>- безовталик ва қўрқув ҳиссидан халос бўлишга ёрдам бериш;</li> <li>- креатив фикрлаш кўникмаларини бошқа кўникмалар билан ривожлантиришга ёрдам бериш;</li> <li>- “қутқариб” қолиш эмас, балки йўл йўриқ кўрсатиш</li> </ul>
Талабаларни ...	<ul style="list-style-type: none"> <li>- сухбатлар орқали рағбатлантириш;</li> <li>- конструктив шарҳлар билан таъминлаш;</li> <li>- янги кўрсатмалар билан таништириб бориш</li> </ul>
Талабалар ...	<ul style="list-style-type: none"> <li>- ўзларида креативликнинг бошқа турларини ҳам ривожлантира олишлари;</li> <li>- групда ишлай олишлари;</li> <li>- ҳиссий жиҳатдан эркин ва ижобий фикрларга эга бўлишлари учун пойдевор бўладиган муҳитни яратиш</li> </ul>

**2. Педагогларда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар.** Талабаларда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантиришда ўқитувчи алоҳида ўрин тутади. Бу жараёнда “ўқитувчининг роли аудиторияда креативлик муҳитини яратишдан иборат.

Муайян омиллар педагогларда креативлик сифатлари, малакаларини ривожлантиришга тўсқинлик қиласи. Шу сабабли педагогик жараёнда ўқитувчилар ушбу омилларни бартараф этишга эътибор қартишлари лозим. Қуйидаги омиллар шахсда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қиласи:

- 1) ўзини таваккалдан олиб қочиш;
- 2) фикрлаш ва хатти-ҳаракатларда қўполликка йўл қўйиш;

<sup>10</sup> Ўша асар. – 14-бет.

<sup>11</sup> Ўша асар. – 15-бет.

- 3) шахс фантазияси ва тасаввурининг юқори баҳоланмаслиги;
- 4) бошқаларга тобе бўлиш;
- 5) ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат ютуқни ўйлаш.

“Инновацион мұхитда ўқитувчи талабалар дикқат-эътиборини жалб этиш мақсадида бирор бир янгиликдан фойдаланади. Қизиқувчанлик ва шубҳани уйғотувчи маълумот, талабаларни ўзига жалб этиб, уларда ўқишига бўлган интилишни кучайтиради. Олиб борилган мия тақиқотлари шуни қўрсатдики, инновация (янгилик) ҳамиша мияни фаоллаштиради. Ўқитувчи талабаларни янги маълумот ва манбалар билан таъминлаганда ёки янги стратегияларни қўллаганда, мия “уйғонади” ва эътибор қаратади. Масалан, бирор бир адабий асар қаҳрамони ёки тарихий шахсга ўхшаб кийиниш, тарихий буюм ёки замонавий предметлардан фойдаланиш, мусиқа эшилтириш, латифалар айтиш, синф хонасидаги жиҳозлар ўрнини алмаштириш, ўйинлар ўйнаш (бу ўрта мактаб ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларига ҳам бирдек тааллуқли), дарс шаклини ўзгартириш.

Инновацион мұхитда ўқитувчи талабаларга тез-тез танлаш имконини бериши лозим. Танлов қреативликни шакллантиришда мұхимдир ва у талабаларни руҳлантириб, уларга ўқишини назорат қилиш имконини берибина қолмай, балки ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиради. Танлов ҳуқуқи нафақат ўқитувчи-талаба муносабатини яхшилаш, балки ҳар икки тарафнинг ҳам индивидуаллигини ифодалашга замин яратади. Танлов ҳуқуқи фақат бир томонлама бўлиши ҳам мумкин, яъни танлов талаба томонидан мустақил равишда амалга оширилиши ва якуний натижада икки ёки ундан кўп шаклда тақдим этилиши мумкин”.

Олий таълим муассасаларида ҳам ўқитувчилар талабаларда креатив фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришда уларнинг жамоа бўлиб, кичик ёки катта гуруҳларда ишлашлари учун зарур шарт-шароитни яратиб бера олишлари зарур. Зеро, катта ва кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида билдирилган ҳар қандай фикрни қреатив жиҳатдан ривожлантириш имконияти юзага келади.

Ўқитувчи инновацион таълим мұхитида жамоа туйғусининг аҳамиятини англаған ҳолда, доимий равишида гуруҳларни ўзгартириб, талабаларда жамоа бўлиб ишлаш, бошқалар қобилияти ва маҳоратини хурмат қилиш кўникмаси шакллантиради. Ваҳоланки, якка тартибда ишлаш маълум вазиятларда самара берса, инновацион таълим мұхитида кичик гуруҳларда ишлаш мақсадга мувофиқдир, чунки қреативлик кўникмаси ижтимоий феномендир. Сойернинг фикрига кўра, қреатив қарашлар жамоа бўлиб ишлаш жараёнида ва қреатив ҳамкорлик натижасида шаклланади.

Талабаларни кичик гуруҳларга бўлиш мезонлари:

- талабаларни **маълум соҳадаги қобилиятларига** кўра кичик гуруҳларга бўлиш; талабаларни бундай қобилиятига кўра бўлиш асло қреатив фикрлаш кўникмасига боғлиқ бўлмаслиги лозим. Бундай гуруҳларда талабалар эркин ҳаракат қила олишлари ва вақти келса бошқа гуруҳга ўтишга тайёр бўлишлари лозим;

▪ **ҳамкорлик гурухлари** талабаларнинг қизиқишилари асосида ташкил этилади; бундай гурухлар турли билим ва қобилият даражасига эга талабалардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Кўп ҳолларда бундай гурухдаги талабалар маълум бир рол, яъни масъулиятни ўз елкаларига оладилар. Мазкур гуруҳни шакллантиришда асосий эътибор талабанинг когнитив ҳоҳиш-исталарига эмас, балки унинг илмий ва ижтимоий билимига берилади;

▪ **мослашувчан гурухлар** талабаларнинг индивидуал эҳтиёжлари, қизиқишилари ва ҳоҳиш-исталари асосида ташкил этилади. Гурухнинг қизиқишилари ўзгарса, шунга кўра унинг аъзолари ҳам ўзгаради. Бундай гурух талабаларда мослашувчанлик кўникмасини шакллантиради.

Ўқитувчи талабалар мувафақиятга эришишлари учун уларни қизиқарли, мураккаб вазифалар ва аниқ мақсад ва вақт билан таъминлайди. Маълум вазифани бажариш жараёнида талабалар ишга “берилиб” кетишлари сабабли улар вақт тушунчасини унутиб қўядилар. Ваҳоланки, талабалар мактаб шароитида камдан-кам бундай ҳолатга тушсаларда, ўқитувчилар бундай муғҳитни яратишга интилишлари лозим”.

**3. Педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар, тамойиллар, малакалар, даражалар ва сифатлар.** “Креативлик отаси” номи билан машҳур Пол Торранс тўртта креативлик кўникмасини аниқлаган. Унинг олиб борган тадқиқотлари шундан далолат берадики, мазкур креатив кўникмаларни шакллантириш ва уларни баҳолаш мумкин:

**1. Равонлик.** Кўплаб ғояларни ўйлаб топиш кўникмаси *кўп* деган сўзга асосланади.

**2. Мослашувчанлик.** Турли ғояларни ўйлаб топиш кўникмаси *ўзгартиши* деган сўзга асосланади.

**3. Ўзига хослик.** Бошқаларга ўхшамаган, ажralиб турувчи ғояни ўйлаб топиш кўникмаси *ноёб* деган сўзга асосланади.

**4. Яратувчанлик.** Ғояларни кенгайтириш кўникмаси *қўшиши* деган сўзга асосланади.

Инновацион таълим муҳити шароитида талабалардан ажойиб ғояларни ўйлаб топиш (ўзига хослик); уларни кенгайтириш (ишлаб чиқиш); ёки бошқа ғоялар билан солиштириш ва улардаги боғлиқликни топиш (мослашувчанлик) талаб этилганда, мазкур кўникмалар бир-бири билан кесишади.

**Равонлик.** Креатив равонликнинг асосий мақсади талабаларда бир эмас, балки бир нечта ғояларни ўртага ташлаш кўникмасини шакллантиришдан иборат. Соң асосий мақсаддир; бир қатор ғоялар ичидан бир ёки ундан кўп мақбулини топишимиш мумкин. Кўп ҳолларда ўқитувчилар талабаларда равонлик кўникмасини шакллантириш учун “аклий ҳужум” стратегиясидан фойдаланадилар. Бу машқ оғзаки ёки ёзма (ғояларни қоғозга ёзиб, кейинги талабага қўшимча ғоялар киритиш учун узатиши лозим) тарзда бажарилиши мумкин. “Тўхта ва бошла” мазмундаги “Ақлий ҳужум” машқида талабалар ғояларни ўртага ташлаб, уларни таҳлил қиласидилар ва баҳолайдилар, сўнг бу яна бир бор қайтарилади. Талабалар бу

машқда яхши натижаларга эришсалар, улардаги креативлик күнінмаси эркін ва равон фикрлаш күнінмаси билан чамбарчас бөлгілік бўлади. Агарда акси бўлса, доимий машқ ва тажриба ёрдамида яхши натижаларга эриши мумкин.

Ўқитувчи мазкур машқни бажаришда қийинчиликка учраган талабаларни кузатиши табиий. Фақаттгина юзаки маълумотга эга бўлган талабалар чекланган билимга эга бўлганликлари сабабли турли ва қизиқарли ғояларни ўйлаб топишда қийналадилар. Баъзи ҳолларда эса, етарлича маълумот ва билимга эга талабалар ҳам мазкур машқни бажаришда қийинчиликка учрашлари мумкин. Бундай вазиятда ўқитувчи қуидаги стратегиялардан фойдаланган ҳолда талабаларга ёрдам бериши мумкин:

- *Ўқув машғулотларда талабаларга руҳ багишловчи муҳитни яратиш.* Ўқитувчи талабаларга аудиториядаги барча буюмлар, жихоз, дераза ва деворга осилган расм, жадвал, схемаларга эътибор қаратишни ва уларга синчиклаб қарашни сўрайди. Аудиториядаги барча нарсалар талабаларда қандай ғояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Уларга бу жихоз ва буюмлар нималарни эслатди ёки қандай маълумот билан боғлиқлиги бор? Масалан, агарда талабалар цунами ҳақида “ақлий хужум” машқини бажараётган бўлсалар, ташқарида нур сочиб турган қуёш уларга цунами қуёшли кунда рўй беришини эслатиши мумкин.

- *Янги ғояларни ўйлаб топишида талабалар қизиқишиларидан фойдаланиш.* “Ақлий хужум” машқи маълум бир адабий асар ҳақида бўлса, асар қаҳрамонлари характеристики ва уларнинг ҳатти-харакатларини улар ёқтирган асар қаҳрамонлари, телевизион кўрсатув ижодкорлари ёки машҳур спортчиларнинг феъл-атвори ва ҳатти-харакатлари билан солиширишлари мумкин.

Талабалар креативликда равонлик ва эркинликка эришмасалар, машқ ва дарслар жараёнида уларнинг миясига биринчи келган ғоягагина таяниб қоладилар, ваҳоланки бундай ғоя бошқаларнинг ғоясида ажralиб турмайди ва талабанинг кенг фикрлашидан далолат бермайди. Қолаверса, муаммонинг ечимини топишида қанча кўп ғоя топилса, тўғри жавоб ёки вариантни танлаш имконияти шунча катта бўлади. Масалан, тарих дарси жараёнида европалик босқинчилар Америка миңтақасига илк бор қадам қўйганда улар топган биринчи нарса “компьютер” деган жавоб ҳам нотўғри бўлар эди; жавоблар берилаётган саволлар доирасида бўлиши лозим. Савол қанча кўп деталларни ўз ичига олса, талабалар ҳам мувофиқ равишда жавоб топишга ҳаракат қиласидилар.

**Мослашувчанлик.** Ўқувчилар кенг фикр юрита олсалар, вазият ва муаммога ҳам бир қанча ва турли ечим топадилар. Талабаларда мослашувчанликни улар турли нуқтаи-назар ва фикрларни инобатга олганлари ва уларни таҳлил қилганларида, турли фикрларин бир-бири билан солиширганда ва уларнинг ўҳшаш ва фарқли томонларин топганларида ва ниҳоят мувафақиятга эришиб, яхши натижалар кўрсатаётганларида кузатиш мумкин.

Мослашувчан бўлиш учун талабалар маълумотнинг фақат юзаки қисмини эмас, балки унинг чуқур моҳиятини англаш этишлари лозим.

Мослашувчанлик кўникмасини шакллантиришда талабалар амалиёт билан таъминланса ва уларга йўл-йўриқ кўрсатилса, келгусида турли ғояларни топишида бу кучли стимул бўлиб ҳизмат қиласи. Агарда талаба кўплаб ғоялар топган бўлса, у мослашувчанликни эмас, балки равон фикрлашни намоён қилмоқда, чунки бунда барча эътибор битта ёки бир турдаги жавобларга қаратилади. Талабаларда мослашувчалик кўникмасини шакллантиришда сони жиҳатдан кўп эмас, балки турли мазмундаги ғояларни топиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Муаммонинг мазмунини чукур англаган ҳолда ҳам, талабалар турли ғояларни топишида қийналадилар ёки умуман бунга қодир бўлмайдилар. Бу эса, ўз ўрнида, уларда мослашувчанлик кўникмасини шакллантириш кераклигдан далолат беради.

Тажриба ва доимий машқ ёрдам берсада, ўқитувчи талабаларга мураббий сифатида турли стратегиялардан фойдаланишини ўргатиши керак. Талабаларга турли ғоялар турли тоифа (категориялар)га бўлинишини



англишида ёрдам бериш мумкин. М: “хайвонлар” категориясига талабалар ҳайвонлар номларини келтирадилар. Бирордан сўнг, “таомлар” категориясига талабалар аввал миллий кейин бошқа ҳалқлар таомлари рўйхатини тузадилар. Машқ шу йўсинда давом этади. Бу талабалар бир категория, яъни бир фикрдан иккинчисига ўтиш ва унга тезда мослашиш кўникмасини ўзлаштиргунча давом этади. Талабаларда бундай кўникма шакллангач, улардан мослашувчанлик билан фикрлашни талаб қилиш мумкин. Масалан, “Агарда Золушка етим ва камбағал бўлмаганида, воқеалар ривожи қандай тус олган бўларди?” ва “Жанубий штатлар фуқаролик уруши даврида қандай стратегияни қўлланганда урушда ғолиб бўларди?”. Турли категорияларга мансуб саволлар талабаларда мослашувчанлик кўникмасини ривожлантиради.

Талабаларни биргина категорияда “қотиб” қолишини олдини олиш учун мажбурий солиштириши стратегиясини қўллаш мумкин. М: ўқитувчи “интилганга толе ёр” шиори Золушка воқеаси ёки математик тенглама,

“*perpetuum mobile*”, яъни абадий ғилдиракка нисбатан қандай қўлланилиши мумкинлиги ҳақида сўраши мумкин. Мазкур стратегия мослашувчанлик билан фикрлаш орқали воқеалар ва тушунчалар ўртасида боғлиқликларни топишга ёрдам беради.

Кўп йиллар аввал Алекс Осборн мослашувчанлик билан фикрлашни кучайтирувчи саволлар тоифасини тузиб чиқкан. Эберленинг 1971 йилда ишлаб чиқкан SCAMPER мнемоник схемаси *substitute* (алмаштиrmок/ўзгартиrmок), *combine* (бирлаштиrmок), *adapt* (мослаштиrmок), *modify* (ўзгартиrmок/бошқа шакл бермок), *maximize/minimize* (максималлаштиrmок/минималлаштиrmок), *put to other uses* (бошқа соҳа/усулда қўллаш), *eliminate* (олдини олмок) ва *rearrange* (қўлланилишини ўзгартириш) каби тушунчалар асосида ишлаб чиқилган. 2.2-жадвал 4-синф ўқитувчиси SCAMPER мнемоник схемасидан талабаларда мослашувчан фикрлашни ривожлантиришда истиқомат қилаётган шахри, туман, маҳалласининг рамзи ёки иқтисодиёт, саноат, озиқ-овқат соҳасига тегишли маълумотларни ва айнан Майн шаҳрининг рамзи бўлган машҳур олмали пирогидан ўқувчилар эътиборини тортишда фойдаланганини кўрсатади. Ўқувчилар мнемоник схемадан фойдаланган ҳолда агарда шоколоддан машҳур олмали пирогни пиширишда шоколаддан фойдаланилса ва пишириш жараёнида пирогнинг таркиби ёки шакли ўзгартирилса қандай натижага олиб келиши ва қанадй қилиб бу шоколадли пирогни Майн шаҳрининг машҳур пирогига айлантириш мумкинлиги таҳлил қиласидар”<sup>12</sup>.

## 2.2-жадвал. SCAMPER стратегиясини қўллаш асосида креатив фикрлаш қўникмасини ривожлантириш<sup>13</sup>

SCAMPER мнемоник схемасидан мослашувчан фикрлаш қўникмасини шакллантиришда фойдаланиш		
SCAMPER	Саволлар	Вазифалар
<i>Substitute</i> (алмаштиrmок/ўзгартиrmок)	Агар шоколаднинг ўрнига ванилладан фойдаланилса қандай пирог хосил бўлади?	Вариантлар рўйхатини тузинг ва ундан бирини танлаб олиб, расмини чизинг.
<i>Combine</i> (бирлаштиrmок)	Агар шоколадли пирог қаймоқли крем билан безатилса, қандай таъмга эга бўлади?	Вариантлар рўйхатини тузинг ва ундан бирини танлаб олиб, расмини чизинг.
<i>Adapt</i> (мослаштиrmок)	Юмалоқ пирог шаклини қандай ўзгартириш мумкин?	Вариантлар рўйхатини тузинг ва ундан бирини танлаб олиб, уни тарифланг.
<i>Maximize/minimize</i> (максималлаштиrmок/ минималлаштиrmок)	Пирогнинг энг кичик/кatta бўлаги қандай шаклга эга?	Вариантлар рўйхатини тузинг ва ундан бирини танлаб олиб, уни

<sup>12</sup> Ўша асар. – 18-21-бетлар.

<sup>13</sup> Ўша асар. – 21-бет.

		тарифланг.
<i>Put to other uses</i> (бошқа соҳа/усулда қўллаш)	Шоколадли пирог билан яна нималар қилиш мумкин?	Вариантлар рўйхатини тузинг.
<i>Eliminate</i> (олдини олмок)	Шоколадли пирогга шакар солиш эсдан чиқканда нима бўлар эди?	Вариантлар рўйхатини тузинг.
<i>Rearrange</i> (қўлланилишини ўзгартириш)	Шоколадли пирогни инсонлар таом ўрнида истеъмол қилсалар қандай натижага олиб келар эди?	Вариантлар рўйхатини тузинг

**Ўзига хослик.** Ўзига хослик ноодатий ғоялар ўйлаб топиш кўникмасидир. Ўқувчилар ўзларида аввал мослашувчанлик ва равонлик кўникмаларини шакллантириб, сўнг нооодатий, оригинал ғояларни кашф этиш кўникмасини ҳосил қилишлари лозим. Равон фикрлаш кўникмаси ўқувчиларда оригиналликни ривожлантиришда бошланғич ва асос соловчи қадам бўлиб хизмат қиласди; агарда талаба кўп ғояларни ўратага ташласа, улардан бир ёки иккитаси албатта бошқа талабанинг ғояси ҳам бўлади. Мослашувчан фикрлаш ўқувчиларга уларнинг ҳар бир ғоялари бир-биридан фарқланишини кўриш ва англаш имкони беради; уларнинг орасида ҳаммасидан ажралиб турувчи ғоя бўлса, демак ана шуниси оригинал (ўзига хос) ғоя хисобланади.

Талабалар оригинал ғоя контекстадан келиби чиқиши лозимлигини англашлари лозим. Ғоя бир дарс жараёнида, биргина шароитлар ва бир вақт оралиғида тақдим этилиши лозим. Талабаларда ровон фикрлаш ва мослашувчанлик кўникмаларини шакллантириш жараёнида ўзига хос тарзда (оригинал) фикрлаш тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтиш лозим. Масалан, талабаларни “ақлий ҳужум” стратегияси ёрдамида очарчиликка қарши курашиб мавзусида муаммонинг ечими рўйхатини тузиш (равонлик), сўнг берилган ғояларни бир неча категорияларга бўлиб чиқиш (мослашувчанлик) ва улардан қай бири ўзига хос (оригиналлик) ғоя эканлигини аниқлаш талабаларда шаклланган кўникмаларнинг бир пайтнинг ўзида қўлланилишини кўрсатиб беради. (Мазкур ёндашув Иқтидорлилар инсонларнинг кенг фикрлаш модели асосида яратилган; Schlichter, 1986).

Мослашувчан фикрлаш кўникмасини шаллантиришда талабалар қизиқишлиари ва маданий қарашларидан фойдаланиш уларда оригиналликни тарбиялашда катта самара беради. Майн шахрида истиқомат қилувчи ўрта таълим мавтаби ўқитувчиси мазкур стратегияни ўқувчиларда ўзига хос (оригинал) тарзда фикрлаш кўникмасини шакллантиришда қўллаган. У равонлик ва мослашувчанлик бўйича машқ ва ўйинларни ўз ичига олган электрон дастур ишлаб чиқсан. Ўқувчилар берилган вазифаларни PowerPoint презентацияси, портфолио ёки бошқа шаклда бажариш танловига эга эдилар. Талабалар натижаларни қўшиқ PowerPoint презентацияси шаклида тақдим этдилар. Бундай ёндашув асосида ишлаб чиқилган кейинчалик ўқитувчи ва ўқувчилар орасида машҳур бўлиб, у вазифа мазмунини чукур англаш ва

натижаларни оригинал тарзда бұжыр күнімаларини шакллантиришда үз самаrasини күрсатди.

**Яратувчанлик.** “Яратувчанлик” түшунчаси бошқа бир ғояни ривожлантириш ва уни кенгайтиришга асосланади, яғни берилған вазифалар аны шу ғоя асосида бажарилади. Бир ғояни кенгайтириш учун талабалар мавзу, муаммо ёки вазифа мазмунин чуқур англаңбайтында даражада билимга ега бўлишлари лозим.

Талабаларга “яратувчанлик” түшунчаси ҳақида гапирганда, уларга ҳаётий мисоллар келтириш мақсадга мувофиқдир (масалан, компьютерлар, реконструкция, кино ва адабий асарлар, илмий түшунчалар ва назариялар, инсонлар ҳаётида юзага келадиган муаммоларни ечиш мақсадида ташкил этилган ташкилотлар). Талабаларда ишлаб чиқиш күнімасини шакллантириша адабий ёки асарларни бир-бири билан таққослаш (баъзан кўп бетли асарлар кичкина кам бетли асарлар каби кўп маълумот бермайди) машқи катта самара беради”.

Педагогларда креативлик сифатлари, ижодий-педагогик фаолият малакаларини ривожлантириш борасида америкали тадқиқотчи Патти Дрепеау томонидан таклиф қилинган йўлларда фойдаланиш кутилган натижаларни қўлга киритишига ёрдам беради. Қолаверса, педагогларда креативлик сифатларини шакллантириша устувор тамойиллар асосида иш кўриш аниқ мақсага йўналтирилган фаолият самарадорлигини кафолатлади. Малака ошириш курсларида амалий машғулотлар жараёнида педагогларнинг креативлик имкониятларининг аниқ мезонлар асосида аниқлаш, даражада кўрсатичларини баҳолаш асосида бу борадаги ютуқ ва камчиликларни белгилаш, ютуқларни бойитиши, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш мумкин бўлади.

### **Назорат саволлари:**

1. Педагогик креативликка қандай сифатлар хос?
2. Педагогларда қандай ижодий-педагогик фаолият малакалари мавжуд бўлиши зарур?
3. Шахсда креативлик сифатларини ривожлантиришнинг қандай йўллари мавжуд?
4. Педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар нималарда акс этади?
5. Шахс креативлигини ривожлантиришнинг устувор тамойиллари қайси?
6. Педагогларнинг креативлик имкониятлари нималарда акс этади?
7. Педагоглар креативлик имкониятларининг таркибий асослари нималардан иборат?
8. Педагогларнинг креативлик имконияти қандай мезонлар ёрдамида аниқланади?
9. Педагогларнинг креативлик имконияти қандай даражаларда намоён бўлади?

### **З-МАВЗУ: ПЕДАГОГЛАРДА КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОҲИЯТИ**

Режа:

1. Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантириш мөҳияти.
2. Педагогларнинг креативлик сифатларига эгаликларини аниқлаш йўл ва шакллари.
3. Педагогларнинг креативлик сифатларига эгаликларини аниқлаш метод ва воситалари.

**Таянч тушунчалар:** *креативлик, педагогика, “Креатив педагогика” сифат, креативлик сифатлари, малака, ижодий фаолиятни малакалари, креатив сифатларни ривожлантириши йўллари, педагогларнинг креативлигини ифодаловчи белгилар, шахс креативлигини ривожлантириши тамоилиллари.*

#### **1. Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантириш мөҳияти.**

Шахснинг мутахассис сифатида касбий камол топиши, ривожланиши ўз мөҳиятига кўра жараён тарзда намоён бўлади. Касбий етуклик инсон онтогенезининг муҳим даврлари касбий камол топиш, ривожланиш гояларининг қарор топиши (14-17 ёш)дан бошланиб, касбий фаолиятнинг якунланиши (55-60 ёш)гача бўлган жараёнда кечади. Ижодкор шахснинг шаклланиши ва ривожланиши унинг ички ва ташқи олами ўзгаришининг ўзаро мос келиши, ижтимоий-иктисодий шарт-шароитлар хамда инсон онтогенгизи – туғилишидан бошлаб то умрининг охирига қадар узлуксизлик, ворисийликни тақозо этадиган фаолият мазмунига боғлиқ.

Маълумки, касбий тажриба билим, кўникма ва малакаларнинг интеграцияси сифатида акс этади. Бироқ, касбий-ижоий фаолият кўникмаларининг ўзлаштирилиши нафақат амалий кўникма ва малакаларнинг интеграцияси, мутахассис сифатида фаолиятни самарали ташкил этиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиши эмас, шу билан бирга касбий ижодкорлик методологиясидан хабардор бўлиш, ижодий тафаккурни ривожлантириш ва креатив характерга эга шахсий сифатларининг етарли даражада ўзлаштирилиши талаб этади.

Ижодкор шахснинг шаклланишини шахснинг ўзаро мос тарзда бажарилган ижодий фаолият ва ижодий маҳсулотларни яратиш борасидаги ривожланиши сифатида белгилаш мумкин. Ушбу жараённинг суръати ва қамрови биологик ва ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги ва креатив сифатлари, шунингдек, мавжуд шарт-шароит, ҳаётий муҳим ва касбий шартланган ҳодисаларга боғлиқ. Замонавий шароитда педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши тақозо этади.

Сўнгги йилларда етакчи хорижий мамлакатларнинг таълим тизимида ўқувчи ва талабаларда креативлик сифатларини шакллантириш масаласига алоҳида, жиддий эътибор қаратилмоқда. Буни Бронсон, Меррийман (2010 й.), Кен Робинсон (2007 й.), Фишер, Фрей (2008 й.), Бегетто, Кауфман (2013 й.),

Али (2011 й.), Треффингер (2008 й.) ва б. томонидан олиб борилган кўплаб тадқиқотлар, уларнинг натижалариан кўриш мумкин.

Биргина Кен Робинсон томонидан 2007 йилда тайёрланган “Мактаб креативликни барбод этяптими?” номли видео лавҳани YouTube сайтида 5 млн марта томоша қилинган. Қолаверса, ўқитувчилар креативлик асосларини ўрганишга жиддий киришганлар (Бегетто, Кауфман, 2013 й.). Ўқитувчиларда педагогик фаолиятни креатив ёндашув кўникма, малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга доир адабиётлар чоп этиляпти, Таълим департаменти томонидан тайёрланган видео лавҳаларга асосланувчи ноанъанавий дарслар ташкил этиляпти (Али, 2011; Таълим департаменти, 2013 й.).

Салмоқли амалий ишлар олиб борилаётганлигига қарамай, кўпчилик ўқитувчилар ҳали ҳануз шахс (ўзларида ҳамда талабаларда креативлик сифатларини қандай қилиб самарали шакллантириш тажрибасини ўзлаштира олмаяптилар.

Таълим тизимини бошқариш органлари ҳар йили таълим муассасаларида юқори самарадорликка эришишга эътибор қаратади. Ана шу мақсадда ўқув дастурини ишлаб чиқилади, янги ўқув дарсликлари яратилади. Бу эса ҳам талабалар, ҳам ўқитувчиларни касбий ўсишларига ёрдам беради. Олиб бориладиган амалий ҳаракатлар талабаларда ютуқларга эришиш, олға интилишга бўлган эҳтиёжни муайян аражада юзага келтиради, уларнинг ўқув-билиш қобилияtlарини бир қадар ривожлантиришга ёрдам беради.

Бироқ, ўқув йилининг охирида келиб олий таълим муассасаларида талабаларнинг фанларни ўзлаштиришларида юқори даражадаги ижобий натижалар кузатилмаяпти. Кўплаб талабаларнинг таълим олишга нисбатан қизиқиши йўқолган. Бунинг натижасида ўқитувчилар ҳам аввалгидек завқу шавқ билан касбий фаолиятни ташкил этишни ўйлашмаяпти. Таълим тизимини бошқарувчи органлар таълим олишга нисбатан хоҳиш-истаги бўлмаган талабалар, бу каби таълим олувчиларни ўқитишни истамаётган ўқитувчилар фаолиятини ўзгартириш борасида янгидан-янги чора-тадбирлар белгиланса-да, ахвол ўзгаришсиз қолмоқда.

Бунинг сабаби нимада? Балки дарсларнинг аввалдан ўйлаб, режалаштирилиб қўйилиши талабалар учун қизиқ бўлмаётгандир, балки балки таълим мазмунининг муайян қолипга солинганлиги талабалар учун ҳеч қандай стимул бермаётгандир, рағбат билдирмаётгандир. Ўқув машғулотларининг аввалдан режалаштирилишидан воз кечиши, талабаларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш, уларни ижодий фикрлаш, янги ғояларни ўйлаб топишга мажбур қилиш таълим олишга бўлган муносабатни ўзгартириш, уларни ютуқларга эришишга рағбатлантиришда асосий омил бўлар. Ўқув машғулотларида етишмаётган омил – **креативлик** саналади<sup>14</sup>.

<sup>14</sup> Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 4.

Шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш жараёнининг умумий моҳиятини тўлақонли англаш учун дастлаб “креативлик” тушунчасининг маънони тушуниб олиш талаб этилади. Кен Робинсоннинг фикрига қўра, “креативлик – ўз қийматига эга оригинал ғоялар мажмуи” (Аззам, 2009 й.) саналади. Гарднер эса ўз тадқиқотларида тушунчани шундай изоҳлайди: “креативлик – шахс томонидан амалга ошириладиган амалий ҳаракат бўлиб, у ўзида муайян янгиликни акс эттириши ва маълум амалий қийматга эга бўлиши лозим”. Эмебайл (1989 й.)нинг ёндашуви нуқтаи назаридан ифодаланса, креативлик “муайян соҳа бўйича ўзлаштирилган пухта билимлар билан бирга юқори даражада ноодатий кўникмаларга ҳам эга бўлиш” демакдир.

Кўплаб тадқиқотларда интеллект ва креативлик ўртасидаги алоқадорлик хусусида турлича қарашлар мавжуд. Бир гуруҳ тадқиқотчилар улар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ эканлигини уқтирасалар, иккинчи гуруҳ вакиллари кретивлик ва интеллект даражаси бир-бирига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар (Ким, 2005 й.).

“Креативлик” тушунчаси ўзида маданий хилма-хилликни акс эттиради. Ғарб кишилари учун креативлик, умуман олганда, янгилик саналади. Улар креативлик негизида ноанъанавийлик, қизикувчанлик, тасаввур, ҳазил-мутойиба туйғуси ва эркинлик мавжуд бўлишига эътиборни қаратадилар (Мёрдок, Ганим, 1993 й.; Штернберг, 1985 й.). Шарқликлар эса, аксинча, креативликни эзгуликнинг қайта туғилиш жараёни, деб тушунадилар (Хуи, Стернберг, 2002 й.; Рудович, Хуи, 1997 й.; Рудович, Йуе, 2000 й.). Гарчи ғарблик ва шарқликларнинг креативлик борасидаги қарашлари турлича бўлса-да, бироқ, ҳар икки маданият вакиллари ҳам мазкур сифат ва унга эгаликни юқори баҳолайдилар (Кауфман, Лан, 2012 й.).

Кўпгина ўқитувчилар ўзларида креативлик қобилиятини мавжуд эмас, деб ҳисоблайдилар. Буни икки хил сабаб билан асослаш мумкин: биринчидан, аксарият ўқитувчилар ҳам аслида “креативлик” тушунчаси қандай маънони англатишини етарлича изоҳлай олмайдилар; иккинчидан, креативлик негизида бевосита қандай сифатлар акс этишидан бехабарлар.

Айни ўринда шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, ҳар бир шахс табиатан креативлик қобилиятига эга. Хўш, ўқитувчилар ўзларида креативлик қобилияти мавжудлигини қандай намоён эта олишлари мумкин. Бу ўринда Патти Драпеау шундай маслаҳат беради: “Агарчи ўзингизни креатив эмасман деб ҳисобласангизда, ҳозирданоқ креатив тафаккурни ривожлантиришга қаратилган дарсларни ташкил эта бошлишингизни маслаҳат бераман. Аслида, гап сизнинг ижодкор ва креатив бўлганингиз ёки бўлмаганингизда эмас, балки дарсларни креативлик руҳида ташкил этишингиз ва янги ғояларни амалда синашга интилишингиздадир”<sup>15</sup>.

Патти Драпеау нуқтаи назарига кўра креатив фикрлаш, энг аввало, муайян масала юзасидан ҳар томонлама фикрлаш саналади. **Ҳар томонлама фикрлаши** талабалардан ўқув топшириғи, масаласи ва вазифаларини бажаришда

<sup>15</sup> Ўша асар, х-бет.

кўплаб ғояларга таянишни талаб этади. Бундан фарқли равишда *бир томонлама фикрлаши* эса биргина тўғри ғояга асосланишни ифодалайди. Мушоҳада юритишда масала юзасидан бир ва кўп томонлама фикрлашдан бирини инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, бир ва ҳар томонлама фикрлаш креативликни шакллантиришда бирдек аҳамият касб этади. Яъни, топшириқни бажариш, масалани ечишда талаба ечимнинг бир неча вариантини излайди (кўп томонлама фикрлаш), кейин эса энг мақбул натижани кафолатловчи биргина тўғри ечимда тўхталади (бир томонлама фикрлаш).

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда “креативлик” тушунчасини қуидагича шарҳлаш мумкин:

**Креативлик** (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибида кирувчи ижодий қобилияти

Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳистойтүғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг мухим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зеҳни ўткирликни белгилаб беради, “талabalар эътиборини таълим жараёнига фаол жалб этишни таъминлайди”.

Замонавий педагогикада “креатив педагогика” тушунчаси қўлланила бошлаганига ҳали у қадар кўп вақт бўлмади. Бироқ, ўқитиш жараёнига инновацион ҳамда ижодкорлик ёндашувларини қарор топтиришга бўлган эҳтиёж “Креатив педагогика”нинг педагогик туркум фанлар орасида мустақил предмет сифатида шаклланишини таъминлади. Ушбу предмет асосларини педагогика тарихи, умумий ва касбий педагогика ҳамда психология, хусусий фанларни ўқитиш методикаси, таълим технологияси ва касбий этика каби фанларнинг методологик ғоялари ташкил этади. “Креатив педагогика” фанининг умумий асослари мутахассис, шу жумладан, бўлажак мутахассисларнинг касбий камол топишлари учун зарур шарт-шароитни яратишга хизмат қиласди.

**2. Педагогларнинг креативлик сифатларига эгаликларини аниқлаш йўл ва шакллари.** Хорижий мамалакатларнинг таълим тизими амалиётида шахс креативлик сифатларида шакллантириш ёки ривожлантиришга хизмат қиласиган қўплаб метод ва стратегиялар қўлланилади. Ушбу метод ва стратегияларнинг дидактик аҳамияти шундаки, улар талаба ва ўқувчиларни ўқув материаллари юзасидан чуқур ўйлашга мажбур қиласди. Шу сабабли бу метод ва стратегияларни креативлик сифатлари ниҳоятда паст ривожланган ўқувчи ва талabalар билан ишлаш жараёнида самарали қўллаб бўлмайди.

Кзиксентмихайли (Csikszentmihalyi, 1996 й.) креатив шахслар икки тоифага бўлинади деган фикрни илгари суради:

1. Катта креативлар (“катта К”). Улар ўзлари фаолият олиб бораётган соҳанинг етакчилари бўлиб, соҳада доимо ўзгаришларни содир этишга интилади.

2. Кичик креативлар (“кичик К”). Улар ўзларининг креативлик сифатларидан фақатгина кундалик ҳаётда муайян фойдага эришиш учун фойдаланади.

Аксарият талабалар ўзларини креатив шахс эмас, деб ҳисоблайди. Уларнинг назарларида креативлик гўёки улар этиша олмайдиган орзу ва у фақат иқтидорли шахслардагина намоён бўлади. Бундай фикрга эга талабалар креативлик сифатларига эгалик ўз соҳасининг етакчилари (яни “катта К” тоифасига кирувчи шахслар), санъат соҳасида таҳсил олаётган ёки фаолият юритаётган талабаларда бўлишига ишонадилар. Талабалар қачонки креатив шахс бўлиш учун ўз соҳасининг етакчисигина бўлиш шарт эмаслиги тушунсалар, ўзларида креативлик сифатларини самарали шакллантиришга муваффақ бўлади. Шундагина улар ўзларини паст баҳолашга барҳам бериб, янги, илғор ғоялар билан ўзларини намоён этишлари, таълим жараёни кун сайин фаоллик кўрсатишга муваффақ бўладилар, таълим олишга бўлган қизиқишилари ортади, ўзлаштириш кўрсаткичлари янада яхшиланади. Ўзларини баланд баҳолай бошлаб, креатив сифатларни намоён этиш борасида мавжуд кўрсаткичлардан кўра юқори натижаларга эришишга интиладилар. Амалиётнинг кўрсатишича, талабалар қанча кўп креативлик сифатларини намоён этсалар, шунча кўп фаолликка эришадилар.

Креатив характерга эга машғулотлар талабаларнинг қизиқишиларини кучайтириб, улар янада кўпроқ ҳаракат қилишга ундейди. Дуэк (Dweck, 2006 й.) томонидан эътироф этилишича, талабалар амалий ҳаракат ва фаоллик жиддий ўзгаришларга олиб келмаслигига ишонишдек салбий тушунчаларга эга. Улар ўзларининг муайян имкониятларга эгаликларини биладилар, бироқ, мавжуд имкониятлари ҳеч нарсани ўзгартирмайди деб ҳисоблайди. Шу сабабли улар ўзларининг фаоллик даражасини эришा�ётган ютуқлари билан эмас, аксинча, доимо муваффақиятсизликлари билан баҳолашга одатланиб қолишади. Бу эса ниҳоятда хавфи. Ўзларини юқори баҳолайдиган талабалар эса мавжуд кўникма, малака ва иқтидорлари янада ривожланиб боришига ишонадилар. Бундай талабалар одатта мураккаб ишларда фаол қатнашадилар ва ўзларини намоён эта оладилар ҳам. Хато қилсалар ундан хулоса чиқариб, ўсишда давом этадилар. Бундай фикрлаш одатига эга ўқувчилар киришимлироқ ва креативлик кўникмасидан фойдаланишга мойил бўлади<sup>16</sup>.

Ривожланган хорижий мамлакатлар бугунги кунда иқтидорли болаларни аниқлаш борасида катта тажрибаларга эга. Таълим тизимида иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларга таълим беришга оид кўплаб методикалар мавжуд. Қуйида уларнинг айримлари тўхталиб ўтилади:

**Слоссон тести**<sup>17</sup>. Катта ёшлилар ҳамда болаларнинг ақлий қобилиятини ўлчашга хизмат қиласиди. Берилётган барча тестларга жавоблар оғзаки тарзда

<sup>16</sup> Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

<sup>17</sup> Одарённые дети (Пер. с анг.). – М.: Прогресс, 1991. – С. 177-178.

олинади. Кичик ёшли болаларга бериләётган топшириқларнинг айримлари болалар томонидан айрим ҳаракатлар (масалан, қоғоз, қалам ёки ручкалардан фойдаланиш)нинг бажарилишига оиддир. Тест ақлий қобилияят даражасининг ўрганилаётган сифатларга нисбати тарзida аниқланади. Бу ўринда юқори натижада 120 ва ундан ортиқ кўрсаткич саналади.

**Векслер шкаласи**<sup>18</sup>. Векслер шкаласи (“PPSI” тести) ақлий қобилиятни аниқлашга имкон берувчи индивидуал тест ҳисобланади. У икки қисмдан иборат:

1) оғзаки шкала (маълум материални ўзлаштириш, унинг мазмунини тушуниш, арифметик топшириқларни бажариш, ўзаро ўхшашликларни топиш, луғат бойлигига эгаликни намойиш этиш каби бешта кўрсаткич бўйича баҳоланади);

2) ҳаракат шкаласи (кубиклардан конструкциялар яратиш, лабиринтларни топиш, чизилаётган сурат (картиналар)ни якунига етказиш, тавсия этилаётган код (тасвир)лар моҳиятини очиб бериш (“Ҳайвонларнинг уйлари” мавзуси бўйича) каби бешта ҳолат кўрсаткичлари бўйича баҳоланади.

**Торренс (I) тести**<sup>19</sup>. Торренс (I) тести ёзма шаклда бўлиб, тафаккурнинг қуидаги сифатларини аниқлашга ёрдам беради:

- 1) тезкорлик;
- 2) аниқлик;
- 3) тасаввурнинг бойлиги ва ўзига хослиги.

Тест нотўғри шаклда ёритилган сурат (картина)ни тўғри шаклда ифода этишга асосланади. Бунда боладан жуда ёрқин рангларда нотўғри тасвирланган картинани алоҳида қоғозга тўғри шаклда қайта тасвирлай олиш талаб этилади.

**Торренс (II) тести**<sup>20</sup>. Торренс (II) тести оғзаки шаклдаги тест бўлиб, болалар ва катталарнинг ижодий қобилиятини оғзаки усуллар ёрдамида аниқлашга хизмат қиласди. Тест қуидаги тавсифга эга:

- 1) саволларни бера олиш малакасига эгалик;
- 2) сурат (картина)лар мажмуида тасвирланган вазиятларга мос келувчи ҳолатларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлай олиш;
- 3) кундалик ҳаётда энг оддий ва оммавий предметларни қўллашнинг ўзига хос усулларини таклиф эта олиш;
- 4) барча учун яхши таниш бўлган предметлар бўйича кутилмаган саволларни бера олиш;
- 5) тахминларни илгари сура олиш.

Педагогик манбаларда педагогнинг креатив тафаккури даражасини қуидаги методлар<sup>21</sup> ёрдамида баҳолаш мумкин эканлиги кўрсатилган:

<sup>18</sup> Тот источник. – С. 177.

<sup>19</sup> Тот источник. – С. 183.

<sup>20</sup> Тот источник. – С. 183.


<sup>21</sup> Занина Л.В., Меньшикова Н.Л. Основы педагогического мастерства /Учеб.пособие для студ. пед. вузов. – Ростов-на-Дону, Феникс, 2003. – С. 238.

1) таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи шахси ва фаолиятини бевосита ўрганиш методлари (педагогик кузатиш, ўқитувчининг иш хужжатлари ва режаларини ўрганиш, сұхбат ва ҳ.к.);

2) педагогик тафаккурни ташхислашга ёрдам берувчи маҳсус методлар (ташхисли вазиятлар, анкета, рейтинг, тест ва б.).

Ушбу методлар ёрдамида олий таълим муассасалари талабаларининг педагогик билимлари даражасини ҳам баҳолаш мүмкін. Фақат бу ўринда ўқитувчининг иш хужжатлари, режаларини ўрганиш эмас, балки талабаларнинг индивидуал, мустақил таълим олишлари ва уларнинг натижаларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

**3. Педагогларнинг креативлик сифатларига әғаликларини аниқлаш метод ва воситалари.** Юқорида айтиб ўтилганидек, шахсда креативлик сифатларини ривожлантириш мураккаб жараён саналади. Таълим жараёнини кузатиш, бевосита педагогик жараённи ташкил этиш жараёнида қўйидаги методлар<sup>22</sup> талабаларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш билан бирга педагогикларда касбий фаолиятни ташкил этишда намоён бўлувчи ижодий малакаларни мустаҳкамланишига хизмат қиласди (1-расм):



### 1-расм. Шахс креативлигини ривожлантирувчи методлар

Кўйида мазкур методларни қўллаш имконияти “Умумий педагогика назарияси ва амалиёти” фанининг негизидан жой олган “Педагогика тарихи”<sup>23</sup> бўлими бўйича мисолларни келтириш орқали очиб берилган (келтирилган мисоллар ўз моҳиятига кўра шахс креативлигини ривожлантиришга ёрдам беради:

**1. Гурӯҳлаштириш.** Методни қўллашда талабалар ўкув материалини мазмунан ёки унда фаол қўлланилаётган таянч тушунчалар асосида гурӯҳларга ажратиб оладилар. Бу усул ўкув материалининг кичик бўлагида

<sup>22</sup> Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 36-40-б.

<sup>23</sup> Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. – 38-42-б.

илгари сурилган ғояларни пухта ўзлаштириб олиш асосида навбатдаги бўлак матни билан ишлашга асосланади. Гуруҳлаштиришда дастлабки бўлак ўқув материали моҳиятини чуқур англамай туриб, кейинги бўлак матни билан ишлашга йўл қўйилмайди. Зарурият бўлса, ҳар бир бўлак материали талabalар томонидан қайта-қайта ўрганилади. Гуруҳлаштириш режа тузиш усули учун дастлабки асос бўла олади.

Таълим жараёнида талabalарда гуруҳлаштириш методини қўллаш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга эътибор қаратилди ва улар билан ҳамкорликда ишлаш учун гуруҳлар шакллантирилди.

Мисол учун: Маҳмуд Қошғарийнинг педагогик қарашларини ўрганишда яхлит ўқув материалини қуидагича гуруҳлаштириш мумкин:

- а) Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асари ва унинг оммалашиш тарихи;
- б) асарда билим олишнинг ижтимоий аҳамияти ва билимли кишиларнинг шахси ҳақидаги қарашларнинг ёритилиши;
- в) инсонийлик фазилатлари тўғрисидаги фикрлар асар моҳиятини очиб берувчи жиҳатлардан бири эканлиги;
- г) меҳмон ва унинг ижтимоий мавқеини асарда акс эттирилиши;
- д) асарда мол-мулк ва унга муносабат масалаларининг баён этилиши;
- ж) халқ мақолларининг асар моҳиятини очиб беришдаги ўрни

**2. Режа тузиш.** Талabalарни ўзлаштирилаётган мавзу бўйича режа тузишга ундаш ва дастлабки кўникмаларни ҳосил қилиш улар томонидан ўқув материали моҳиятини чуқур англанишига замин яратади. Бинобарин, бу ҳолатда тингланаётган (ўқитувчи ҳикояси) ёки ўқилаётган (дарслик, қўлланма, ёрдамчи адабиётлар, Интернет материаллар ва бошқалар) ўқув материалини мантиқий равишда гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳга киритилган материалнинг туб мазмунини очиб беришга хизмат қилувчи ибораларни ажратиш талабадан барқарор диққат, мантиқий фикрлаш қобилиятига эга бўлишни тақозо этади. Усулни қўллашда шиор бўлган талаб – режанинг ҳар бир банди учун белгиланаётган ибора ўзида ўқув материали муайян бўлагида илгари сурилаётган фикр ва қарашлар ҳақидаги маълумотни режа билан танишаётган вақтдаёқ англата олиши зарур.

Таълим жараёнида талabalарда режа тузиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ҳам эътибор қаратилди ва улар билан ҳамкорликда ишлаш асосида бир қатор мавзулар бўйича режалар тузилди.

М.: Муҳаммад Содик Қошғарийнинг педагогик қарашларини ўрганиш чоғида талabalар томонидан режанинг қуидаги тарзда тузилиши мақсадга мувофиқ:

I. Муҳаммад Содик Қошғарий ва унинг “Одоб ас-солиҳин” асарининг умумий мазмuni.

II. Рухсат сўраш ва саломлашиш қоидалари.

III. Ухлаш шартлари ва кийиниш маданияти.

IV. Суҳбатлашиш одоби.

V. Эр-хотин муносабатлари мазмuni.

VI. Бемор ҳолидан хабар олиш қоидалари.

VII. Таъзия ва мусибат одблари. VIII. Қабристонга бўлган муносабат.

IX. Зиёфат ва меҳмондорчилик одблари.

X. Овқатланиш маданияти.

XI. Сафар юриш одоби.

XII. “Одоб ас-солиҳин” асарининг бугунги кундаги ижтимоий-маънавий аҳамияти

**3. Таянч тушунчаларни аниқлаш.** Ушбу методни қўллашда талабалар уларнинг эътиборларига ҳавола этилаётган ўқув материалида илгари сурилаётган фикрлар моҳиятини англатувчи асосий тушунчаларни ажратиб кўрсата олишлари лозим.

Талабаларнинг таянч тушунчаларни аниқлай олишлари уларни ўқув материали моҳиятини етарли даражада англай ёки ўзлаштира олганликларидан далолат беради. Таълим жараёнида талабаларда таянч тушунчаларни аниқлаш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ҳам эътибор қаратилди ва улар билан ҳамкорликда ишлаш асосида бир қатор мавзулар бўйича таянч тушунчалар ажратилди.

Мисол учун: соҳибқирон Амир Темурнинг педагогик қарашларини ўрганиш чоғида талабаларнинг ўқув материали бўйича қуйидаги таянч тушунчаларнинг аниқлай олишлари уларнинг бу борада муайян кўникмаларга эга эканликларидан далолат беради:

Хўжаилгор қишлоғи (Кеш вилоятидаги), Кўрагон, “Темур тузуклари”, шариат, давлатни бошқариш, кенгаш ўтказиш, подшо ва вазирлар, ахлоқ-одоб, дўстлик, ширинаханлик

**4. Мавзу ичида кичик мавзуларни ҳосил қилиш.** Ўқитувчи талабалар эътиборини ўрганилаётган ўқув материалини мазмунига кўра мустақил кичик мавзуларга ажратишига қаратади. Бу усулни қўллашдан кўзланган асосий мақсад – талабаларда берилаётган ўқув ахборотлар орасидан энг муҳим фикрлар ёки қарашларни ажрата олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Бинобарин, бўлажак ўқитувчилар ўқувчиларга энг муҳим ахборотларни узата олиш қобилиятига эга бўлишлари зарур. Бу ҳолат ўқувчиларни жисмонан толикишдан сақлайди.

Таълим жараёнида талабаларда мавзу ичида кичик мавзуларни ҳосил қилиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ҳам эътибор қаратилди ва улар билан ҳамкорликда ишлаш асосида бир қатор мавзулар бўйича мавзу ичида кичик мавзулар ҳосил қилинди.

Мисол учун: Унсурул-Маолий Кайковуснинг педагогик қарашларини ўрганиш даврида талабаларни тахминан мавзу ичида қуйидаги кичик мавзуларни ҳосил қилишга ундаш мақсадга мувофиқдир:

I. Унсурул-Маолий Кайковус ва “Қобуснома” асарининг педагогик фикрлар тараққиёти тарихидаги ўрни.

II. “Қобуснома” асарида жувонмардлик руқнлари ва одоби тўғрисидаги қарашларнинг ёритилиши.

III. “Қобуснома” асарида билим олишга бўлган муносабатнинг ифодаланиши.

IV. Асарида турли касб эгалари ижтимоий мавқеининг баҳоланиши.

V. “Қобуснома” асарида ахлоқ тарбияси асосларининг баён этилиши.

VI. “Қобуснома” асарида ота-онанинг оиласдаги ўрни масалаларининг таҳлил этилиши.

VII. “Қобуснома” асарида дўст тутиш одобининг ёритилиши

**5. Туркумлаштириш.** Педагогик билимларни муайян йўналишлар, жиҳатлар ёки муҳим белгиларига мувофиқ ажратиш уларнинг талабалар томонидан маълум тизим асосида ўзлаштирилишига имкон беради.

Таълим жараёнида талабаларда педагогик билимларни туркумлаштириш кўнишка ва малакаларини ҳосил қилишга ҳам эътибор қаратилди ва улар билан ҳамкорликда ишлаш асосида бир қатор мавзулар бўйича педагогик билимлар туркумлаштирилди.

М: туркумлаштириш усулидан фойдаланиш “Педагогика тарихи”дан Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари ўрганишда қуидаги андозага мувофиқ юлланиши мумкин (1-жадвал):

**4-жадвал. Алишер Навоийнинг инсоний сифатларҳақидаги қарашлари**

Инсоний сифатлар ҳақидаги қарашлар		
Маънавий- ахлоқий сифатлар	Салбий сифатлар	Ўқитувчи ва унинг одоби

**6. Қайта баён этиши.** Ўрганилган мавзу моҳиятини ёритувчи таянч сўзлар ёрдамида ўқув материали мазмунини ўз фикрлари билан ифодалаш. Мисол учун Ян Амос Коменскийнинг педагогик қарашларини ўрганиш жараёнида қуидаги таянч тушунчалар талабалар томонидан ўрганилган мавзу мазмунини қайта баён этилишига имкон беради:

1952 йил, “Угорский Брод” (Моравия), “Чех қардошлари”, “Тиллар ва ҳамма фанларнинг очиқ эшиги” (1631 йил), “Буюк дидактика” (1632 йил), “Пан софия” идеяси, “Хислар воситаси билан идрок қилинадиган нарсаларнинг суратлари” (1648 йил), дунёқараш, тарбия йўналишлари, ёш даврлари, дидактик тамойиллар, синф-дарс тизими, ахлоқий тарбия, ўқитувчи шахси.

**7. Схемалаштириш.** Талабалар ўрганилган ўқув материали бўйича ўзлаштирган билимларини мавзу моҳиятини ёритувчи схема, жадвал ёки тасвирлар асосида намойиш этадилар.

Таълим жараёнида талабаларда схемалаштириш кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ҳам эътибор қаратилди ва улар билан ҳамкорликда ишлаш асосида бир қатор мавзулар бўйича схемалар яратилди. Шунингдек, расм, шакл ва тасвирларнинг яратирилишига ҳам эришилди.

М: Абу Наср Форобийнинг педагогик қарашларини ўрганиш чоғида талабаларнинг қўйидаги тарзда схемаларнинг ишлай олишлари кутилган мақсадга эришилганликни ифодалайди:



### 11-расм. Абу Наср Форобийнинг педагогик қарашлари

**8. Мавжуд тушунчаларни бойитиши.** Мавзу бўйича ўзлаштирилган мавжуд тушунчаларга мазмунан яқин бўлган педагогик ёки психологик терминларни қўшиш. М: “Сўфийлик таълимотида етук инсон муаммосининг талқин этилиши” мавзусини ўрганиш чоғида ўқув материалининг моҳиятини қўйидаги тушунчалар ёрдамида етарли даражада англаш мумкин:

Суннийлик, шиалик, тавҳид, сўфийлик, маънавий комиллик,  
Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нақшбандия тариқати

Ушбу тушунчалар моҳиятини ўрганиш асосида талабалар қўшимча равишда комил инсон, комилликнинг ижтимоий аҳамияти, ижтимоий омилларнинг шахс камолотига таъсири каби тушунча ва ибораларни ҳам ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар.

**9. Педагогик вазиятларни ҳал қилиш.** Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккур ва креативлик сифатларини шакллантиришда уларнинг турли педагогик вазиятлар ечимларини топиш лаёқатига эга бўлишларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бунда қўйидагича иш кўрилди:

- 1) талабалар турли мазмундаги педагогик вазиятлар билан танишитирildi;
- 2) уларнинг тақдим этилган педагогик вазият юзасидан мушоҳада юритишларига имкон берилди;
- 3) муайян талабанинг педагогик вазиятларнинг ижобий ечимларини топиш борасидаги шахсий қарашлари тингланиб, аудиторияда педагогик вазият ечимининг қай даражада тўғри эканлигига баҳо берилди.

Талабаларнинг педагогик вазиятлар ечимини топишларида Л.В.Занина ҳамда Н.П.Меньшикова<sup>24</sup>ларнинг ғояларига таянишлари тавсия этилди. Яъни, улар бу жараёнда:

- 1) дастлаб педагогик вазият ечимини топишга ёрдам берувчи бир неча фаразларни илгари суришлари;
- 2) ҳаракат йўналишлари, фаолият турлари, шунингдек, педагогик таъсир ёки тарбия методларини белгилашлари;
- 3) уларнинг натижавийлигини тахмин қилишлари;
- 4) ечимни топишга йўналтирилган фаолиятнинг бир неча вариантларини ишлаб чиқишлари;
- 5) самарали усулларни танлашлари;
- 6) мақбул ташкилий шаклларни белгилашлари мумкинлиги таъкидлаб ўтилди.


Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантиришда бир қатор интерфаол методлардан фойдаланиш бу борада самарадорликка эришишга ёрдам беради.

Кўйидаги интерфаол методлар ўз моҳиятига кўра шахсда вазиятга танқидий, ижодий ёндашиш, муаммони таҳлил қилиш, синтезлаш, тизимнинг таркибий элементлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликни топиш, мантикий фикрлаш кўнікмаларини ҳосил қиласи:

**1. “АЖИЛ” (“Амалий жамоавий ижодий лойиҳалар”) стратегияси** талабаларда ижодий фаолият малакаларини, жамоавий ижодий ишларни ташкил этиш кўнікмаларини шакллантириш, жамоавий ижодий лойиҳа (иш)ларнинг шакллари тўғрисидаги тушунчани ҳосил қилишга кўмаклашишга хизмат қиласи. “Ажил” технологиясини ўқув жараёнда “Жамоавий ижодий ишни ташкил этиш” мавзусидаги сухбат ёки “Мен – жамоавий иш ташкилотчисиман” номли блиц-ўйин ўтказилгандан сўнг кўллаш мақсадга мувофиқдир.

<sup>24</sup> Занина Л.В., Меньшикова Н.Л. Основы педагогического мастерства /Учеб. пособие для студ. пед. вузов. – Ростов-на-Дону, Феникс, 2003. – 288 с.

Стратегияни қўллашда қўйидаги таҳлитда иш кўрилади:



**2. “Ақлий ҳужум” стратегияси** талабаларни мавзу хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланишга доир кўникма, малакаларни ҳосил қилишга рағбатлантиради. У ёрдамида ташкил этилган машғулотларда ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал (ўзига хос) ечимларни топиш имконияти туғилади. Стратегия мавзу доирасида маълум қарашларни аниқлаш, уларга муқобил ғояларни танлаш учун шароит яратади.

Машғулотда стратегияни қўллашда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- 1) талабаларни муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, улар томонидан мантиқий фикрларнинг билдирилишига эришиш;
- 2) талабаларнинг ҳар бир фикри рағбатлантирилиб борилади, фикрлар орасидан самаралиси танлаб олинади; фикрларнинг рағбатлантирилиши навбатдаги янги фикрларнинг туғилишига олиб келади;
- 3) ҳар бир талаба ўзининг шахсий фикрларига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин; фикрларни умумлаштириш, туркумлаштириш ёки уларни ўзгартириш илмий асосланган фикрларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди.

Стратегия қўлланилганда талабаларнинг фаолиятини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томонидан билдириладиган фикрларни баҳолашга йўл қўйилмайди (зеро, фикрлар баҳоланиб борилса, талабалар диққатларини шахсий фикрларни ҳимоя қилишга қаратади, оқибатда янги фикрлар илгари сурilmайди; методни қўллашдан кўзланган асосий мақсад талабаларни муаммо бўйича кенг фикр юритишга ундаш эканлигини ёдда тутиб, уларни баҳолаб боришдан воз кечишидир).

**3. “Балиқ скелети” график органайзери (ГО)** талабаларда мавзу юзасидан муайян масала моҳиятини тасвиrlаш ва ечиш қобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда талабаларда мантиқий фикрлаш, мавзу

моҳиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил қилиш кўникмалари ривожланади.

Ундан фойдаланиш қуидагича амалга оширилади:

- 1) ўқитувчи талабаларни ГОни қўллаш шарти билан таниширади;
- 2) талабалар кичик гуруҳларга бириттирилади;
- 3) гуруҳлар топширикларни бажаради;
- 4) гуруҳлар ўз ечимларини жамоага тақдим этади;
- 5) жамоа гуруҳларнинг ечимлари юзасидан муҳокама уюштиради

**4. “Бумеранг” стратегияси.** Технология талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ёдда сақлаш, сўзлаб бериш, фикрларни эркин баён этиш, қисқа вақт ичида кўп билимга эга бўлиш, ўқитувчи томонидан барча ўқувчилар фаолиятининг бирдек баҳоланиши учун шароит яратишга хизмат қиласди. У ўқитувчига тарқатма материалларнинг ўқувчилар томонидан гурухли, индивидуал шаклда самарали ўзлаштирилишини, аудиторияда ташкил этиладиган сухбатнинг мунозарага айланишини таъминлаш орқали уларнинг фаолиятини назорат қилиш имконини беради. Бу технологиядан сухбат-мунозара шаклидаги дарсларда индивидуал, жуфтлик, гурухли ва жамоавий шаклларда фойдаланиш мумкин.

**5. “Венн диаграммаси” ГО** талабаларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш, тушунчаларни синтезлаш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади. Талабалар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш самаралидир.

**6. “Зинама-зина” стратегияси** талабаларда ўрганилаётган мавзуни кичик мавзуларга ажратилган ҳолда расм, тасвир, жадвал ёки слайдлар асосида ўрганиш кўникмаларини шакллантиради. Шунингдек, у талабаларда мавзуни ўрганишга ижодий ёндашиш, шахсий фикр, ўзлаштирилган тушунчаларни тасвирий кўринишларда ифодалаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

**7. “Инсерт” ГО** янги мавзу бўйича талабаларнинг муайян тушунчаларга эгаликларини аниқлаш, уларда матнга нисбатан таҳлилий ёндашиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди.

**8. “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”)** методи (ингл. “case” – метод, “sudy” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қиласди) технологияси талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қиласди орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. У талабаларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қиласди ўргатади.

Технологиянинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қиласди жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар қуидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қиласди

юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўкув натижалари.

**9. “Кичик эссе” стратегияси** кичик ҳажмли, эркин баён усулига эга бўлиб, ўрганилаётган муаммо ёки таҳлил қилинаётган масала юзасидан шахсий таассурот, тасаввурларни ифодалашга хизмат қиласди. У талабалар томонидан ўрганилган мавзу, муҳокама қилинаётган масала бўйича эркин фикр билдириш, мазмун-моҳиятини қайта баён қилиш имконини беради. Кичик эссени яратишда талабалар мавзу ғояларини умумлаштириш, тизимлаштириш, туркумлаштириш, хуносаларни баён этиш имконига эга бўлади.

**10. “Кластер” ГО** (“Кластер” – ғунча, тўплам, боғлам) пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни талабалар билан якка тартибда, гурух асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

**11. “Концептуал жадвал” ГО** талабаларни ўрганилаётган мавзу (масала, муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда талабаларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилиятлари ривожлантирилади.

**12. “Мантиқий чалкаш занжир” стратегияси** тушунчалар, билдирилган фикрлар ўртасида боғлиқликни юзага келтириш, уларни мантиқий жиҳатдан кетма-кетлиқда тўғри ифодалашга ёрдам беради. Унинг моҳиятига ўқитувчи мавзуни ёритувчи маълумотларни тўғри ва нотўғри тартибда баён этади. Талабаларнинг вазифаси мантиқий жиҳатдан нотўғри ифодаланган маълумотларни тўғри далилларга айлантириш, юзага келган мантиқий чалкашликни тузатиш, фикрларни муайян кетма-кетлиқда тўғри жойлаштирган ҳолда узилган занжирни “улаш”дан иборат.

Педагогларда креативлик сифатларини ривожлантиришда турли дидактик, техник ва ахборот-коммуникацион воситалардан ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

#### **Назорат саволлари:**

1. “Креативлик” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. “Креатив педагогика”нинг мақсади нимадан иборат ва у қандай вазифаларни ҳал қиласди?
3. Педагогик креативликка қандай сифатлар хос?
4. Педагогларда қандай ижодий-педагогик фаолият малакалари мавжуд бўлиши зарур?
5. Шахса креативлик сифатларини ривожлантиришнинг қандай йўллари мавжуд?

## **4-МАВЗУ: ЎҚУВ ДИДАКТИК ВА МЕТОДИК ТАЪМИНОТ: ТУЗИЛИШИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ**

1. “Дидактик таъминот” тушунчаси ва унинг методик таъминот тушунчаси билан алоқадорлиги.

2. Дидактик таъминотнинг тузилиши ва таркибий қисмлари.

3. Ўқув дастурларини яратишга креатив ёндашиш. Креатив ёндашув - ўқув манбалари (маъруза матни, ўқув дарслиги, ўқув ва методик қўлланма ҳамда ўқув методик мажмуалар)ни самарали яратишнинг муҳим омили.

**Таянч тушунчалар:** *Дидактика, дидактик таъминот, методик таъминот, ўқув дастурлари, ўқув манбалари, ўқув материаллари, тамойиллар, ўқув материалларини самарали тайёрлаш тамойиллари, дидактик ишилнамалар, дидактик ишилнамаларни тайёрлашига қўйиладиган талаблар*

**1. “Дидактик таъминот” тушунчаси ва унинг методик таъминот тушунчаси билан алоқадорлиги.** Сўнгги вақтларда педагогик адабиётларда ва таълим амалиётида “дидактик таъминот” ҳамда “методик таъминот” тушунчалари кенг қўлланила бошланди. Бироқ мазкур тушунчаларни изоҳлашга доир ҳам хилма-хил ёндашувлар мавжуд. Ҳатто кўпгина ҳолларда уларни синоним тушунчалар сифатида қўллаш ҳолати ҳам учрайди. Бироқ уларнинг ички ва ташқи мантизида айрим ўзига хосликлар борки, буларни ҳисобга олиш зарур. Куйида мазкур тушунчаларнинг мазмун ва моҳиятига батафсил тўхталиб ўтамиз.

“Дидактик таъминот” тушунчаси бир қараща бир оз фализ эшитилади. Чунки одатда педагоглар “дидактика” деб номланган педагогиканинг соҳаси борлигини, у таълим жараёни, қонуниятлари, тамойиллари, шакл, метод ва воситалари ўрганувчи соҳа эканлигини яхши билишади. Бироқ “дидактик таъминот” атамасининг нимани англатишини ҳаммада ҳам бирдек тўғри тушунавермайди.

*Дидактик таъминот* деганда психология, педагогика, валеология, информатика ва бошқа фанлар талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўқув ахборотлари мазмuni хилма-хил турларининг дидактик мақсад ва вазифаларига кўра ўзаро алоқадор мажмуи.

*Дидактик таъминот* – бу маълум бир қонуният, тамойиллар ва уни амалга ошириш шарт-шароитларига асосланадиган шахсга йўналтирилган педагогик технологиялардир.

*Дидактик таъминот* шахснинг ахборий маданиятини шакллантириш учун дидактика, психология, эргономика, информатика ва бошқа фан соҳаларининг мувафаққиятларига асосланган ҳолда ташкил этилган ўқув-услубий мажмуани англатади.

**Дидактик таъминот қўйидаги қўрсаткичлар билан баҳоланади:** 1) назорат топшириқлари, тест саволлари банкининг мавжудлиги; 2) ўқув фани бўйича дидактик материалларнинг мавжудлиги: аудио-видео материаллар,

компьютер дастурлари, жадвал, слайдлар, тарқатма материаллар; 3) реферат ишлари мавзулари.

Дидактик таъминот ўқув курсини ўзлаштириш учун ахборотларнинг тўлиқлиги ва етарли ҳажмда бўлиши, педагог ва талабаларнинг биргаликдаги интеллектуал-эмоционал ўзаро ҳаракати мазмуни ва усулларининг вариативлиги, интерфаоллик, диалоглик, муаммолилик, амалий йўналтирилганлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилган ахборотларнинг оригиналлиги ва тартибга солингланлиги билан характерланади. У таълим олувчининг ахборотларни ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш, назорат қилиш ва коррекциялаш мақсадида фойдаланилади ва таълим олувчи шахсини шакллантириш ва ўз-ўзини ривожлантириш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

**Методик таъминот** талабаларнинг аудитория ишларининг барча шаклари (маъруза, лаборатория, амалий, семинар машғулотлари) ва аудиториядан ташкари иш шакллари (мустақил таълим, амалиётнинг барча турлари, назорат, курс ва битириув малакавий ишлари) ҳамда талабаларнинг билим, кўникум ва малакаларини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилишнинг турли шаклларини ўз ичига қамраб олади.

### “Дидактик ва методик таъминот” тушунчаларининг қиёсий таҳлили

Тушунчалар	Дидактик таъминот	Методик таъминот
Мазмун	Ўзаро алоқадор хилма-хил ўқув ахборотлари мажмуи	Махсус ишлаб чиқилган ва қўлланиладиган ўқув-услубий мажмуа
Мақсад	Ўқитувчи ва талабалар ўртасида фаол ахборот алмашишга доир ўзаро ҳаракатни ташкил этиш учун шароит яратиш	Педагогик фаолиятни доимий такомиллаштириб бориш учун шароит яратиш
Функция	Ташкилий, таълимиy, назорат ва коммуникатив	Илмий тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш, умумлаштириш ва трансляция, кундалик методик ёрдам
Тузилиши	Ўқув дастурлари, ўқув-методик нашрлар, дидактик материаллар, ўқитиш воситалари	Ўқув дастурлари, маъруза матнлари, маъруза, семинар ва амалий машғулотлар ва мустақил таълим ишланмалари, назорат ва баҳолаш учун топшириқлар, фанни ўқитишга

Фанларнинг методик таъминотининг асоси сифатида ўқув-услубий мажмуа акс этади Ўқув-услубий мажмуа талабаларнинг мустақил ишлашини самарали ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқув фанларини ўқитишда узлуксизликни сақлаш имконини беради.

*Мустақил иши* – таълимни ташкил этиш шаклларидан бири бўлиб, бунда талабалар ўз олдиларига у ёки бу вазифаларни, мақсадларни онгли равища қўйиб, фаолиятни режалаштиради ва уни амалга оширади ҳамда ўз-ўзини баҳолайди.

*Мустақил иши* – ўқитувчининг топшириғи ва унинг раҳбарлигида ўқув вазифасини ҳал этадиган таълимни ташкил этиш шакли. Мустақил иш бу қўйилган мақсад билан боғлиқлиқда талабаларнинг аниқ фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишдир. Талабаларнинг мустақил ишлари уларнинг юқори даражадаги фаоллик, ижодийлик, мустақил таҳлил, ташаббускорликка асосланган фаолиятларидир.

Мустақил ишларнинг мақсад ва вазифалари:

*Профессор-ўқитувчининг роли* талабаларда ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил билим олиш ва инновацион фаолиятни шакллантиришга имкон берувчи кўникма ва малакаларни эгаллаш мақсади билан боғлиқлиқда мустақил ишни ташкил этишда намоён бўлади.

*Талабанинг роли* профессор-ўқитувчи раҳбарлигида ташкил этиш жараёнида билим, кўникма ва малакаларни мустақил эгаллаш, муаммони шакллантира олиш ва уни ҳал эйтшнинг оптимал йўлини излаб топишга қобилиятли ижодкор шахс бўлишда акс этади.

*Мустақил иши қўйидаги вазифаларни мувафақиятли ҳал этишига имкон берииши лозим:*

- 1) талабаларда ўқув дастурини ўзлаштиришга доир мотивацияни ҳосил қилиш;
- 2) таълим олувчиларда билим олишга доир масъулиятни ошириш;
- 3) талабаларда умумий ва касбий лаёқатларни ривожлантиришга имкон бериш;
- 4) таълим олувчиларда мустақил билим олиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини ривожлантиришга қобиятлиликни шакллантириш учун шароит яратиш.

*Аудиторияда амалга ошириладиган мустақил ишларни икки турга ажратиши мумкин:* 1) маъруза машғулотларида бажариладиган мустақил ишлар; 2) амалий машғулотларда бажариладиган мустақил ишлар.

*Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишларга эса қўйидагилар киритиши мумкин:* 1) конспектлаштириш; 2) адабиётлардан реферат тузиш; 3) китоб ва мақолаларга аннотация ёзиш; 4) доклад, реферат ва назорат иши.

*Мустақил ишларни ташкил этишида янги ахборотлардан қўйидаги мақсадларда фойдаланиши мумкин:*

1. Тармоқдан ахборот излаш – web-браузер, маълумотлар базасидан фойдаланиш, ахборот-қидириув, ахборот-маълумотнома тизимлари, автоматлашган кутубхона тизимлари, электрон журналлардан фойдаланиш.

Ахборот излаш ва унга ишлов беришга доир мустақил ишларга қуидагилар киради:

- реферат-шарҳлар ёзиш;
- мавзу билан боғлиқ сайтларга тақриз ёзиш;
- маълум мавзуга доир тармоқдаги мавжуд рефератларни таҳлил этиш, уларни баҳолаш;
- маъруза режасига доир ўз вариантини ёки унинг маълум бир қисмини ёзиш;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш;
- амалий машғулотлардан лавҳа тайёрлаш;
- мавзуга доир доклад тайёрлаш;
- мавзуга доир мунозара ўтказиш;
- профессор-ўқитувчи томонидан тайёрланган ёки тармоқдан топилган web-квестда ишлаш.

2. Тармоқда диалогни амалга ошириш – электрон почта, синхрон телеконференциялардан фойдаланиш. Тармоқда диалогни амалга оширишни қуидагича кўринишда ташкил этиш мумкин: ўтказилган ёки ўтказилиши кўзда тутилган маърузаларни муҳокама қилиш; мутахассис ёки талабалар билан синхрон телеконференция(чат)да мулоқотни амалга ошириш.

3. Тематик web-саҳифа, web-квест(топшириқ)лар яратиш – html-муҳаррири, web-браузер, график муҳаррирлардан фойдаланиш. Тематик web-саҳифа, web-квест (топшириқ)лар яратишда қуидаги усуллардан фойдаланиш мумкин: сайтда талабалар томонидан бажарилган рефератлар ва рецензиялар, ишларни жойлаштириш; мавзуга доир адабиётлар рўйхатини чоп этиш; индивиудал ва кичик гуруҳларда ишлашга доир мавзули web-саҳифаларни яратиш; мавзу бўйича ишлаш учун web-квестлар яратиш ва уларни курсга доир сайтда жойлаштириш.

**2. Дидактик таъминотнинг тузилиши ва таркибий қисмлари.** Олий таълим муассасасидаги ўқув ишлари шакллари орасида мустақил ишлар асосий ва муҳим ўрин тутади. Кузатишларимиз ва тажрибалардан шу нарса маълум бўладики, олий таълим муассасаларида мустақил ишларни ташкил этиш ва ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Бироқ фанлар бўйича мустақил ишларни ташкил этиш ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажариш ва унинг текширилиб, баҳоланишидан иборат бўлиб қолмоқда. Бошқача айтганда, мустақил ишларни ташкил этиш ва ўтказиш талабаларнинг индивидуал ва ижодий потенциалини юзага чиқаришга тўлик имкон бермаяпти. Ана шу муаммони ҳал этишда эса педагогик фасилитация имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Талабаларни педагогик қўллаб-қувватлаш вазифалари ўзига хос бўлиб, улар қуидагиларда намоён бўлади:

-талабаларнинг интеллектуал, жисмоний, маънавий-маданий ривожланишида муаммоларнинг вужудга келишидан огох бўлиш;

-талабаларнинг ривожланишлари, ўқишилари, ижтимоийлашишларида вужудга келадиган долзарб муаммоларни ечишга кўмаклашиш, жумладан, ўқув-билув жараёнидаги, таълим йўналишлари ва бўлғуси касбларини танлашдаги, ҳиссий кечинмаларидағи, тенгдошлари, ота-оналари, ўқитувчилари билан муносабатларидағи қийинчиликларни бартараф этишда ёрдамлашиш;

- ўкув дастурларини педагогик-психологик назарияга асосланган ҳолда тузиш;

- талабалар, ўқитувчилар ва ота-оналарнинг психологик билимларини кенгайтириш кабилар.

Ўқитувчилар талабаларни педагогик қўллаб-қувватлаш учун қуидаги ишларни амалга оширишлари лозим:

- педагогик муҳитни соғломлаштириш;
- талабаларнинг ривожланишларини якка ва гуруҳли тарзда ташхислаш;
- талабаларга якка тартибда ва гуруҳли тарзда маслаҳатлар бериш;
- талабаларни якка ва гуруҳли тарзда ривожлантирувчи ишларни ташкил қилиш;
- талабалар билан якка ва гуруҳли тарзда улар фаолиятини яхшилаш, тузатиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;
- ота-оналар, ўқитувчилар, талабалар ва ўкув юрти маъмурияти билан уларнинг педагогик-психологик билимдонликларини ошириш мақсадида маърифий тадбирлар ўтказиш;
- ўкув дастурлари, қўлланмалар, дарс лойиҳалари, таълим муҳити ва педагогик жамоанинг касбий фаолиятини мунтазам экспертизадан ўтказиш кабилар.

Хозирги кундаги шароитларнинг яхлитлигига кўра (иктисодий, молиявий ва ҳакозолар) таълимда янада янги вазиятларга дуч келинмоқда. Таълимдаги шароитларнинг шакл ва механизмларининг ўзгаришига зарурият туғилмоқда. Айниқса, касбий таълим соҳасида бундай ҳолатни яққол кузатиш мумкин. Шу нуқтаи назардан фасилитация жараёни педагогика ва психологияда тобора қизиқарли характер касб этиб боараверади.

Фасилитация сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, facilitate – ёрдам бериш, енгиллаштириш, кучайтириш деган маъноларни англатади. Фасилитация – талабага ижобий таъсир этиш йўли бўлиб, гурухда ижобий муҳитни хосил қилиш, таълим олувчиларда ўз кучларига ишончни ошириш ва мустақил фаолиятларини қўллаб қувватлашdir.

Хозирги вақтда фасилитациянинг ижтимоий ва педагогик турлари ажратилиб кўрсатилади. Ижтимоий фасилитация ижтимоий психологик феномен ҳисобланади. Ижтимоий фасилитация лотин тилида – “socialis facilitar” – жамиятни енгиллаштириш, деган маънони англатади. Асосан, ишлаб чикариш фаолиятини жадаллаштириш, шу билан бирга унинг тезлиги ва сифатини ошириш, бошқа одамлар иштирокида ёки беллашув вазиятларида қўлланилади. Шунингдек ижтимоий фасилитация тушунчаси шахс фаолиятининг тезлиги ва самарадорлиги, алоҳида шахсга ёки гуруҳга нисбатан қўлланилади. Педагогик фасилитацияда таълимнинг (ўқитиш, тарбия) самарадорлиги кучайтирилади. Касбий-педагогик жараёнда педагог шахсининг алоҳида мулоқот услубини қўлланиши натижасида талаба шахсининг индивидуал ривожланиши кузатилади.

Фасилитациянинг юқорида айтиб ўтилган икки турини маълум шартшароитлар боғлаб туради. Яъни, фасилитация ҳар қандай фаолият, шу жумладан педагогик жараён самарадорлигини оширади. Фасилитациянинг мавжуд икки тури орасидаги асосий фарқ шундаки, ижтимоий соҳада ривожланиш субъектнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш орқали юз беради, педагогик фаолиятда эса педагогнинг талабалар билан алоҳида мулоқот усулини йўлга қўйиши ва уларнинг шахсига самарали таъсир эта олишига алоҳида эътибор қаратилади.

Фасилитация деганда энг аввало, гурухий муаммоларни хал этишнинг самарали технологияси тушунилади. Фасилитация шундай жараённи қамраб оладики, фасилитатор мутахассис барча гурух аъзоларига маъқул келадиган, нейтрал қарор қабул қилинишига эришиши, яъни кичик гурухларга муаммоларни хал этишга ёрдам бериши талаб этилади. Мазкур ёндашув педагогнинг етакчи фаолиятини таъминлаб берувчи, индивидуал онгни, мустақилликни ривожлантирувчи, шахсий профессионал усулда янги билимларни ҳосил қилишда таълим олувчиларга танлаш ҳуқуқини бериши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Педагогик фасилитация концепцияси бир қатор шароитларни яратиш ғоясини илгари суради: а) талабалар учун ўқишининг аҳамиятли бўлиши; б) ўқитувчининг конгруэнтлилик; в) психологик хавфсизлик ва психологик эркинлик.

Фақатгина талаба учун аҳамиятли таълимгина самарали ҳисобланиб, у таълим олувчиларнинг билимларни ўзлаштиришларини таъминлаб қолмасдан, уларнинг ички ҳиссий-когнитив тажрибасининг ўзгаришига ҳам олиб келади.

Ўқитувчининг конгруэнтлиги унинг талабаларга нисбатан муносабатини аниқлаб беради, у таълим олувчилар билан биргаликда ўзароҳаракатларни амалга оширади. Талабаларни қандай вазиятда бўлишига қараб, уларнинг мавжуд ҳолатга муносабат ҳиссини онгли тарзда қабул қила олади. Бу эса


ўқитувчига таълим олувчилаар билан очиқ муносабатда бўлиш имконини беради. Фасилитация жараёнидаги психологик хавфсизлик шахсни қадрият эканлигини тушуниб этиш ва ташки баҳолаш мавжуд бўлмаган шароитни яратиб бера олишда намоён бўлади. Психологик мустақиллик талабаларни креативлигини ва уларнинг ўзларини тўла намоён эта олиш хусусиятини шакллантиришни таъминлайди. Фасилитация фикрларни, ҳиссиётлар ва холатларни очилишига имкон бериб, самимий ишонч, кутилмаган образ ўйғунлиги, ижодий тушуниш ва англашни таъминлайди.

Таълим шароитида фасилитацияни тўғри ташкиллаштиришга риоя этиш, қуйидаги сифатларнинг шаклланишига турткি бўлади: мустақиллик, онгли фаоллик, касбий йўналганлик ва бошқалар. Буларнинг барчаси келажакда талабаларнинг етук мутахассис бўлиб этишишларида муҳим роль ўйнайди.

Ўқитувчи-фасилитатор “ўқитувчи-талаба” ва “талаба-талаба” ҳамкорлиги асосида таълим самарадорлигини оширади. Мазкур жараёнда ички гурухий ўзароҳаракатларнинг қуйидаги шакл ва усуллари муҳимдир: таълим олувчиларнинг бир-бирлари билан ўзаро фикр алмашуви, муаммони умумий яхлитлиқда тушуна олишлари, вазиятни ҳал этиб, оригинал холоса чиқара олишлари кабилар.

Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишда талаба шахсига йўналтирилган таълим тамойилига таяниш замонавий таълим тизимида энг мақбул йўл ҳисобланади. Ўқув жараёнда ана шундай тарзда ташкил этиладиган талабанинг мустақил ишини самарали амалга ошириш учун шарт-шароит яратилади ва бу жараёнда ўқитувчи ҳам бевосита иштирок этади. Мустақил ишини ташкил этишда шахсга йўналтирилган ёндашув талабани шахсий аҳамиятга молик шундай даражага кўтарадики, бу ҳол, ўз навбатида, мустақил ишнинг ҳар қандай турида фаоллик ва ижодкорликнинг кучайишига имкон яратади. Натижада мустақил иш тизими ташкилий жиҳатдан мураккаб яхлитлиқ, яъни “қисмларининг ўзаро таъсири уларнинг ўзидан кўра муҳимроқ” бўлган яхлитлиқ сифатида намоён бўлади.


Дидактик таъминотнинг тузилиши ва таркибий қисмларини қуйидаги расмда тасвирланган.



## **1-расм. Дидактик таъминотнинг тузилиши ва таркибий қисмлари.**

**3. Ўқув дастурларини яратишга креатив ёндашиш. Креатив ёндашув - ўқув манбалари (маъруза матни, ўқув дарслиги, ўқув ва методик қўлланма ҳамда ўқув методик мажмуалар)ни самарали яратишнинг муҳим омили.** Бир қарашда таълим жараёнини креатив ғоялар асосида ташкил этиш ўқув дастурида белгиланган талаблардан четга чиқишдан тасаввур қолдиради. Бироқ, креативлик, ижодий ёндашиш ўқув машғулотларини мавжуд ДТСга мослаштиради. Қолаверса, ўқитувчилардан ўқитиши жараёнига нисбатан креатив, ижодий ёндашувни таъминлашга хизмат қиласиган метод, усул ва воситалар машғулотларни методик жиҳатдан самарали, тўғри олиб борилишини таъминлайди.

Педагогик нуқтаи назардан таълим мазмунини шакллантириш қуйидаги уч босқичда амалга оширилади (2-расм):



## **2-расм. Таълим мазмунини шакллантириш босқичлари**

Ўқув материалини ўзлаштириш босқичида таълим мазмунининг ўқув модул (фан)лари бўйича яратилган ДТС, ўқув режаси ва ўқув дастури каби меъёрий хужжатлар, шунингдек, ўқув манбалари (дарслик, ўқув ва методик қўлланма, йўриқнома, тавсиянома ва кабилар)да акс этиши таъминланади.

Таълим мазмуни давлат таълим стандарти, ўқув режалари мазмунида намоён бўлади.

**Давлат таълим стандартлари** – умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайдиган меъёрий хужжат.

**Ўқув режаси** - меъёрий хужжат бўлиб, унда ҳар бир ўқув предметининг мазмуни очиб берилади ва ўқув йили давомида ўзлаштирилиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми қўрсатиб берилади

Таълим мазмуни ўқув дастурларида янада батафсил ёритилади.

**Ўқув дастури** – муайян ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмунини, умумий вақтни муҳим билимларни ўрганилиши бўйича тақсимлаш, мавзуларнинг кетма-кетлигини белгилаш ҳамда уларнинг ўрганилиш даражасини ёритувчи меъёрий хужжат

Дастурда кўрсатилган билим, малака ва қўнилмаларни ўқувчилар томонидан тўла ўзлаштирилиши ўқитиш жараёни муваффакияти ва самарадорлигини белгиловчи мезонлар саналади.

Педагогларда ҳам креативлик сифатларининг тўлақонли намоён бўлиши ўқув дастурлари билан ишлашда ҳам кўзга ташланади. Ўқув дастурлари орасида муаллифлик ўқув дастурлари педагогнинг креативлик сифатлари, касбий фаолиятни ташкил этишга бўлган ижодий ёндашуви, таълим сифати ҳамда самарадорлигини ошириш йўлида ташкил этаётган касбий-ижодий фаолияти мазмунини ўзида тўлақонли ифода эта оладиган таълимий характердаги дастурдир.

**Муаллифлик ўқув дастурлари** – 1) талабаларнинг эҳтиёж, қизиқиш, хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда ўқув модули (фани) доирасида муайян мавзу (масала)ни чуқур ўрганиш ёки маълум муаммонинг ечимини топишга йўналтирилган ўқув дастури; 2) ўқув дастурларининг бир тури

Бу турдаги дастурларлар ҳам давлат таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ўқув фани қурилишининг ўзгача шаклда бўлиши, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларга нисбатан муаллиф нуқтаи назарининг акс этиши билан бошқа ўқув дастурларидан фарқланади. Бу турдаги дастурлар тегишли фан соҳаси бўйича фаолият олиб бораётган педагог, психолог, методистларнинг ташки тақризларига эга бўлиши ва таълим муассасаларининг Педагогик кенгашлари томонидан тасдиқланиши зарур<sup>25</sup>. Муаллифлик ўқув дастурларини ишлаб чиқишида педагог эркин, мустақил равиша ўзининг креативлик лаёқатини тўла намоён этиш имкониятига эга. Одатда муаллифлик ўқув дастурларидан талабаларнинг эркин танлови бўйича (мажбурий ёки маҳсус) курслар ташкил этишда, тўгараклар, илмий жамиятлар, “Фан клублари”, техник ва бадиий ижодиёт марказлари фаолиятида самарали қўлланилади.

Қолаверса, ўқув фанининг мазмунини шакллантиришда ҳар бир педагог 15 фоиз миқдорда ижодий ёндашган ҳола унга ўзгартириш киритиши имкониятига эга. Бинобарин, ўқув дастурларининг инновацион, креатив характер касб этиши талабаларда таълим олишга қизиқиши кучайтиради, уларнинг ўқув-билиш фаолиятининг фаоллашувини таъминлайди.

Таълим мазмуни ва ўқув дастурлари ўқув адабиётларида лойиҳалаштирилади. Бундай адабиётлар сирасига дарсликлар ва ўқув қўлланмалари киради.

Ўқув адабиётлари орасида дарслик алоҳида ўрин тутади.

**Дарслик** – муайян ўқув фани бўйича таълим мақсади, ўқув дастури ва дидактик талабларга мувофиқ белгиланган илмий маълумотларни берувчи манба бўлиб, у мазмуни ва тузилишига кўра фан бўйича яратилган ўқув дастурига мос келади

<sup>25</sup> Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлл. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иногомова. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2012. – 193 б.

Ўқув дастурлари асосида яратилган дарсликлар мақсадга мувофиқ ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан барча академик лицей ва профессионал таълим муассасалари, олий таълим муассасалари (университет, академия)лар учун тавсия этилади. Ғоявий ва методик жиҳатдан мукаммал бўлган дарслик таълим мазмунига қўйиладиган барча талабларга жавоб бера олиши, талабаларнинг эҳтиёжларини қондира олиши, қизиқишини ошириши, билим, кўнишка ва малакаларини бойитиши зарур. Дарсликда баён этилаётган ўқув ахборотлари лўнда, тушунарли ва визуал бўлиши, талабаларнинг эстетик эҳтиёжларига мос келиши керак.

Дарслик барқарор, пухта асосланган таркибий тузилмага эга бўлиши лозим. Моҳиятан дарслик барқарорлигига кўра мустаҳкам асосга эга, мобиллигига кўра асосий тузилмага даҳл этмаган ҳолда янги билимларни тезлиқда киритиш имкониятини намоён этади. Уларга қўйиладиган талаблар турлича бўлса-да, улар орасида умумий хусусиятга эга талаблар кўп. Етакчи хорижий мамлакатларда муқобил дарсликларнинг нашр этилишига алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг боиси педагог ва талабаларга улар орасидан ўзлари учун энг мақбул, амалий аҳамиятга эга бўлганларини танлаб олиш имконият яратишдир. Республикаизда, муқобил дарсликларни яратишда фаоллик бир қадар суст бўлгани ҳолда муқобил ёрдамчи адабиётлар (ўқув, методив ва ўқув-методик қўлланмалар)ни яратиш борасида педагоглар фаоллик кўрсатишмоқда.

Ўқув ва тарбиявий ишлар дастурларини яратишда маълум тамойиллар асосида иш юритилади. Айни вақтда педагогика амалиётида М.Карне томонидан асосланган тамойилларга риоя этилмоқда (3-расм):



**3-расм. Таълим дастурларини яратиш тамойиллари**

“Креативлик ўқув-билиш фаоллиги сифатида ҳам таҳлил этилиши мумкин. Бинобарин, баъзи ўқувчилар танқидий, таҳлилий ёки ижодий фикрлашни, бошқалар эса аниқ маълумотларга асосланган билимларга эга бўлишни афзал кўради, учинчи гурух вакиллари эса табиатан креатив ва танқидий фикрлашга мойил бўлади. Шунга асосланган ҳолда ўқитувчилар ҳар бир талабанинг қизиқиши, қобилияти, мойиллиги, шунингдек, уларнинг ўқув-билиш услубидан келиб чиқкан ҳолда” (Томлинсон, 1999) таълим дастурларини ишлаб чиқиш, ўқув манбаларини шакллантиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўя олишлари керак.

Замонавий шароитда педагогнинг креативлиги яна бир ҳолатда – электрон ахборот-таълим ресурслари (ЭАТР)ни яратишида яққол намоён бўлмоқда.

**ЭАТР** – ўқув фан (модул)лари бўйича тизимлилик, изчиллик, ўзаро мувофиқлик ва яхлитлик асосида шакллантирилиб, ўқув материалларини тўлиқ ёки қисман қамраб олган ҳолда компьютер технологияси ёки Интернет ахборот тармоғида маҳсус (алоҳида) сайтда жойлаштирилган электрон нашрлар мажмуи

ЭАТР босма ўқув-методик мажмуалар каби ўзининг таркиб асосига эга бўлади. Ушбу таркибий асос бир нечта элементларни қамраб олади. ЭАТРнинг таркибий асоси қуйидаги элементлар<sup>26</sup>дан таркиб топади (4-расм):



<sup>26</sup> Web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш / Муслимов Н.А., Сайфуров Д.М., Усмонбоева М.Х., Тўраев А.Б. – Тошкент: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 6-б.


ЭАТР таълим жараёнида қуйидаги имкониятлардан самарали фойдаланиш учун талаб этиладиган шароитни яратади<sup>27</sup>:

- 1) таълимий вазифаларни шакллантириш;
- 2) ўқув материали мазмунини баён қилиш;
- 3) билимларни қабул қилишни ташкил этиш;
- 4) қайтар алоқа;
- 5) талабаларнинг билиш фаолиятини назорат қилиш;
- 6) талабалар ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишининг навбатдаги босқичига тайёргарлик кўриш (талабаларни мустақил таълим олишга, кўшимча ўқув адабиётларини мустақил ўқиб-ўрганишга йўналтириш)

**Ўқув материалларини тайёрлашга креатив ёндашув ва уларни самарали тайёрлаш мезонлари.** Таълим жараёнидаги креативлик талабаларда ўқишга қизиқишиларини ортирувчи креатив саволлар тузиш, турли расм, тасвир, жадвал, диаграмма, рамзий ифодалардан фойдаланиш, таълим оловчиларга баён этилаётган ўқув ахборотлари билан мутлақо алоқаси бўлмаган ғоялар ўртасидаги ўзаро боғлиқлиликни топиш каби вазифаларни бериш, кичик кичик гуруҳларда ишлашларини таъминлаш каби харакатларда акс этади.

Ўқитувчилар томонидан талабаларнинг креатив фикрлашларига эришиш, ўқув-билиш фаолиятларида ижодий маҳсулотларни яратишларини таъминлашга ундаш, рағбатлантириш қандай натижаларга олиб келган бўларди? Худди шу ҳолат ўқитувчилар излаётган ҳодиса бўлмасмиди?<sup>28</sup>.

Маълумки, таълим мазмунини очиб беришга йўналтирилган ўқув материаллари бир нечта турга ажратилади. Улар (5-расм):




<sup>27</sup> Ўша манба. – 8-б.

<sup>28</sup> Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

Үқув материаллари талабаларнинг умумий ва касбий билимларини бойитиш билан бирга уларда дунёқарашни бойитиш, тасаввурни кенгайтириш, ижтимоий ва табиий борликка ижобий муносабатни шакллантиришга ҳам хизмат қилиши зарур. Шу сабабли педагоглар ўқув материалларини тайёрлашга ижодий ёндашиш билан бирга муайян тамойилларга риоя этишлари зарур. Яъни (6-расм):

Ушбу тамойилларга мувофиқ тайёрланадиган ўқув материаллари мутахассислик йўналиши ва ихтисослик соҳасидан қатъий назар барча талабаларнинг эҳтиёжларини тўла қондира олади.




**Ўқув машғулотлар учун дидактик ишланмалар тайёрлашга қўйиладиган замонавий талаблар.** Шахсда креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш учун, энг аввало, уларда танқидий фикрлаш малакаларини шакллантириш талаб этилади. Ўқув материалларини талабаларга тақдим этишда саволнинг “Агарда ...?” деб қўйилиши топшириқларни бажариш жараёнида уларнинг ҳам объектив, ҳам субъектив фикрлаш кўникмаларини самарали ўзлаштиришларини таъминлайди. Кен Робинсон (2011 й.) таъкидлаганидек, креативлик талабаларда “нафақат янги ғояларни илгари суришини тақозо этиши, балки ўқув масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш, таҳлил этиш кўникмаларини ҳам шакллантира олиши лозим. Креативлик жараёни бошланғич ғояларни ишлаб чиқиш, уларни тадқиқ қилиш ва таҳлил этиш, зарур бўлса улардан воз кечишни ҳам ўз ичига олади. Айни ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, таълим жараёнига нисбатан креатив ёндашув таълим олиш,

ўқув фанлари асосларини ўзлаштиришга нисбатан қизиқиши сусайган талабалар билан ишлаш мақсадида эмас, балки барча талабалар билан жонли, қизиқарли, жүшқин мулоқотга киришиш, уларни фаолликка ундаш учун қўлланилади. Қолаверса, креатив характерга эга машғулотларни нафақат санъат, маданият соҳалари йўналишларида, шу билан бирга барча исталган соҳа (бизнес, иқтисодиёт, ҳуқук, педагогика, психология, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, муҳандислик, саноат ва б. соҳалар) бўйича таълим олаётган талабалар билан ишлаш жараёнида ҳам бирдек самарали ташкил этиш мумкин.

Ўқитувчилар, шунингдек, таълим жараёнига нисбатан креатив ёндашишда нафақат ўқув фанларини ўзлаштиришда юқори натижаларга эришаётган, креатив фикрлашда ижобий ҳолатларни қайд этаётган талабаларга, балки кўпроқ эътиборни талаб этадиган, ижодий, креатив фикрлаш лаёқатига эга бўлмаган таълим оловчиларга ҳам бирдек эътиборни қаратишлари зарур<sup>29</sup>.

Таълим жараёнини ташкил этишда ўқув материалларининг мақсадга мувофиқ, ғоявий мазмунга эга ва сифатли тайёрланиши муҳим аҳамиятга эга. Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув машғулотлари учун учтурдаги дидактик материаллар тайёрланади (7-расм):



Педагогларнинг ўқув машғулотлари учун дидактик материалларни тайёрлашда қуйидаги замонавий талабларга мувофиқ иш кўришлари кутилган таълимий натижанинг қўлга киритилиши учун зарур шароитни вужудга келтиради:

- аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиши;

<sup>29</sup> Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.

- талабаларнинг эҳтиёж ва қизиқишлирига мувофиқ тайёрланиши;
- ўқув ахборотларининг асосланганлиги;
- талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини
- фаоллаштириш имкониятига эгалик;
- талабаларни жуфтлиқда, кичик гурухларда фаол ишларига учун шароит яратиш;
- талабаларда мустақил, ижодий, танқидий ва
- креатив фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш;
- замонавий аҳамият касб этиши;
- эстетик жиҳатдан сифатли бўлиши;
- ноаниқ тушунча ва иборалардан ҳоли бўлиши;
- аниқ натижани кафолатлай олиши;
- турли вазиятларда қўллай олиш имкониятига эгалик;
- мавжуд БКМни мустаҳкамлашга хизмат қилиши ва б.

Ўқув машғулотлари учун дидактик материалларни тайёрлашда педагоглар ўқув манбалари (дарслик, ўқув, методик ва ўқув-методик қўлланма, йўриқнома, тавсиянома, луғат, энциклопедия, атлас, иш дафтари, хрестоматия каби босма нашрлар, шунингдек, Интернет материаллари, ЭАТР каби электрон ахборот манбаларидан олинган маълумотлардан мақсадли, самарали фойдаланишлари мумкин. Бу ўринда олинган маълумотларнинг ишончлилиги муҳим. Шу сабабли педагоглар дидактик материалларни тайёрлашда ўқув ахборотларининг ишончли эканлигига эътиборни қаратишлари зарур. Бинобарин, илмий асосга эга далиллар билан бойитилган дидактик материаллар талабаларнинг умумий ва касбий ривожланишини таъминлашда ўзига хос аҳамият касб этади.

Демак, педагогларнинг ўқув дастурлари ва ўқув манбаларини яратишга нисбатан креатив ёндашувлари талабаларнинг умумий ривожланиши ҳамда касбий шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Таълим жараёнининг муваффақияти педагог томонидан тақдим этилаётган ўқув материалларининг қай даражада сифатли тайёрланишига ҳам боғлиқ. Ўқув машғулотлар учун дидактик ишланмалар тайёрлашда ҳам педагоглар замонавий талаблар.

### **Назорат саволлари**

1. Дидактика ва унинг асосий категориялари.
2. “Дидактик таъминот” тушунчаси ва унинг методик таъминот тушунчаси билан алоқадорлиги.
3. Дидактик таъминотнинг тузилиши
4. Ўқув дастурларини яратишга креатив ёндашув ўзида нимани ифодалайди?
5. Ўқув манбаларини яратишга креатив ёндашишда нималарга эътибор қаратиш лозим?
6. Ўқув материалларини креатив ёндашув асосида тайёрлаш қандай аҳамиятга эга деб ўйлайсиз?
7. Ўқув машғулотлар учун дидактик ишланмалар тайёрлашга қўйиладиган замонавий талаблар нималарда иборат?

#### **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

##### **1-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ.**

**МАВЗУ:** Назарий ва амалий машғулотлар учун материалларни тўплаш ва уларни саралашда креатив ёндашувнинг аҳамияти (2 соат).

**Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар:** тингловчиларда назарий ва амалий машғулотлар учун материаллар тўплаш ва уларни саралашда креатив ёндашишга оид малакаларини ривожлантириш.

**Ўқув ва моддий таъминот:** компьютер ва видеопроектор; марқатма материал, машғулотга тегишили презентация слайдлари.

**1-топшириқ.** Назарий машғулотлар маъруза ва уларнинг турлари (куйидаги жадвал асосида)ни аниқланг. Мазмунини баён қилинг!

Маъруза ва унинг турлари			
Кириш маъруза	Ахборотли маъруза	Маъруза-конференция	Маъруза-консультация

**2-топшириқ.** Амалий машғулотлар ва уларнинг турлари (куйидаги жадвал асосида)ни аниқланг. Мазмунини баён қилинг!

Амалий машғулот ва унинг турлари		
Амалий машғулот	Семинар машғулоти	Лаборатория машғулоти

**3-топшириқ.** Назарий, амалий, семинар ва лаборатория машғулотлариға қўйиладиган талабларни аниқланг!

<b>Назарий, амалий, семинар ва лаборатория машғулотлариға қўйиладиган талаблар</b>			
<b>Маъруза</b>	<b>Амалий машғулот</b>	<b>Семинар машғулоти</b>	<b>Лаборатория машғулоти</b>

#### **Машғулотнинг якуни**

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади.

## 2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

### МАВЗУ: Ўқув ахборот (маълумот)ларини самарали излаш - педагогнинг креативлик сифатларига эгалигини кўрсатувчи муҳим ҳолат эканлиги (2 соат).

**Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар:** тингловчиларда назарий ва амалий машғулотлар учун материаллар тўплаш ва уларни саралашда креатив ёндашишга оид малакаларини ривожлантириш.




Амалий машғулот индивидуал шаклда компьютер хоналарида ташкил этилади.


**Ўқув ва моддий таъминот:** компьютер ва видеопроектор; марқатма материал, машғулотга тегишили презентация слайдлари.

**Амалий машғулотнинг бориши.** Тингловчилар Интернет тармоғидан фойдланган ҳолда Назарий ва амалий машғулотлар учун материалларни тўплаш ва уларни саралаш кўникмасини ривожлантириш.

#### Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1 қадамни бажаринг!





Тингловчилар ушбу топшириқларни якка тартибда бажариш асосида Назарий машғулотлар учун маълумотларни тўплашни ўрганадилар.

Амалий машғулот учун ҳам шу кетма-кетлиқда ўқув материаллар тўплаш имконияти тушунтирилади.

1-топшириқ. Интернет тармоғидан назарий машғулотлар учун керакли бўлган илмий педагогик манбаларни (китоблар) қидиринг ва кўчириб олинг!

2 топшириқ. Интернет тармоғидан амалий машғулотлар жадваллар, схемалар, расмлар қидириш ишларини мустақил бажаринг.

3 топшириқ. Интернет тармоғидан назарий ва амалий машғулотлар учун тақдимот тайёрлашни мустақил бажаринг.

### **Машғулотнинг якуни**

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади.

### **3-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

**МАВЗУ: Мавзу моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тўлиқ, ғоявий мазмун ва илмий асосларга эга, амалий қийматга эга ўқув материалини тайёрлай олиш мезонлари (2 соат).**

**Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар:** тингловчиларда назарий ва амалий машғулотлар моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тўлиқ, ғоявий мазмун ва илмий асосларга эга, амалий қийматга эга ўқув материалини тайёрлай олиш малакаларини ривожлантириш.

**Ўқув ва моддий таъминот:** компьютер ва видеопроектор; марқатма материал, машғулотга тегишили презентация слайдлари.


**1-топшириқ.** Назарий ва амалий машғулотлар моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда тўлиқ, ғоявий мазмун ва илмий асосларга эга, амалий қийматга эга ўқув материалини аниқланг. Мазмунини баён қилинг!

**“Тоифалаш” жадвали** талабаларда тизимли фикрлашни, маълумотларни тузилмага келтиришни, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради. Талабалар тоифали шарҳлашни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ақлий хужум /кластер тузиш / янги ўқув материали билан танишишдан сўнг, кичик гуруҳларда, олинган маълумот лавҳаларини бирлаштириш имконини берадиган тоифаларни излайдилар. Тоифаларни жадвал кўринишида расмийлаштирадилар.


Тоифалаш жадвали		
Илмий	Дунёқарааш	Дунёқарааш таркибий тузилмаси
Юқори даражадаги билимдонлиги. Илмий тафаккурга эгалиги. Илмий ижодий фаоллиги. Яратувчанлик қобилияти. Кашфиётчилик қобилияти.	Илмий дунёқарааш; Оддий дунёқарааш; Ижтимоий-ғоявий; Фалсафий; Хуқукий ва экологик.	Билим; Ғоя ва мақсад; Фан ютуклари; Диний тасаввурлари; Қадриятлар; Ишонч; Эътиқод; Фикр; Хиссиёт.

**2 топшириқ.** Назарий ва амалий машғулотлар моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда Илмий ва умуммаданий дунёқараашни шакллантириш. “Нима учун” схемаси орқали модул муаммосининг дастлабки сабаблари аниқланади ва “Қандай” диаграмма ёрдамида модул юзасидан муаммонинг амалий жиҳатдан ечими топилади.

## “Нима учун”



## Қуидан юқорига босқичма-босқич бўйсинувчи «Қандай?» диаграммаси



Кетма-кет равиша «Қандай?» саволини қўйиш орқали сиз фақат муаммони ҳал этишнинг барча имкониятларини тадқиқ этибгина қолмай, балки уларни амалга ошириш усуllibарини ҳам ўрганасиз.

### Машғулотнинг якуни

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади.

## **4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

### **МАВЗУ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР УЧУН ДИДАКТИК ИШЛАНМАЛАР ТАЙЁРЛАШГА ҚҮЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР.**

**Амалий машғулотдан күзланган мақсадлар:** тингловчиларда Талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил этиш технологиялари бўйича малакаларини ривожлантириш.

**Ўқув ва моддий таъминот:** *компьютер ва видеопроектор; марқатма материал, машғулотга тегишили презентация слайдлари.*

Назарий ёки амалий машғулот учун ўқув топшириқларини шакллантириш. Ўқув топшириқларининг иш қоғозларини тайёрлаш. Ўқув фани бўйича аниқ мавзуларда кейслар тўпламини шакллантириш. Ўқув фани бўйича аниқ мавзуларда даражали тестлар тўпламини шакллантириш. Ўқув фани бўйича аниқ мавзуларда ребус, анаграмма, кроссворд, сканворд ва бошқа бошқотирмаларни тайёрлаш. Креатив ёндашув асосида ўқув машғулотини ташкил этиш учун аудитория, маънавий-маърифий тадбирни ташкил этиш учун аудиторияни жиҳозлаш.

#### **Топшириқ**

Тингловчилар қуида кўрсатилган мавзуларда ижодий иш тайёрлайдилар:

1. Назарий ёки амалий машғулот учун ўқув топшириқларини шакллантириш.
2. Ўқув топшириқларининг иш қоғозларини тайёрлаш.
3. Ўқув фани бўйича аниқ мавзуларда кейслар тўпламини шакллантириш.
4. Ўқув фани бўйича аниқ мавзуларда даражали тестлар тўпламини шакллантириш.
5. Ўқув фани бўйича аниқ мавзуларда ребус, анаграмма, кроссворд, сканворд ва бошқа бошқотирмаларни тайёрлаш.
6. Креатив ёндашув асосида ўқув машғулотини ташкил этиш учун аудитория, маънавий-маърифий тадбирни ташкил этиш учун аудиторияни жиҳозлаш.

Мавзулар тингловчилар томонидан ихтиёрий равишда танланади.

Мустақил ишни бажаришда тингловчиларга қуидаги **методик кўрсатмалар** берилади:

1. Мавзуни ёритиш учун ахборотларнинг етарли бўлишига эътибор қаратинг.
2. Мавзуни ёритиш учун ахборотларни босма адабиётлар, Интернет ҳамда бошқа турдаги ОАВ материалларидан олишингиз мумкин.
3. Мавзуни ёритишда мавжуд материалларни шунчаки тақдим этмай, уларни ижодий ёндашган ҳолда қайта ишланг.
4. Мустақил ишни реферат, схема, жадвал, тасвир, диаграмма, кластер, Венн диаграммаси, “Қарор шажараси” стратегияси ва бошқа қўринишларда тайёрлаш мумкин.

5. Мустақил ишни тайёрлашда унинг сифати (мавзунинг мантиқий ёритилиши, ишнинг тўғри расмийлаштирилиши, титул дизайнининг мавзуга мос бўлиши ва ортиқча безаклардан ҳоли бўлиши (ишнинг ўзига хос бўлиши)га эътибор қаратинг.

### **Мустақил ишни баҳолаш кўрсаткчилари**

№	Мезонлар	Баҳо кўрсаткчилари	Балл кўрсаткичлари
1.	Мавзунинг моҳияти мантиқан очиб берилган, иш тўғри расмийлаштирилган, титул дизайнни мавзуга мос ва ортиқча безаклардан ҳоли, иш ўзига хос (оргинал)	Аъло	100- 86 балл
2.	Мавзунинг моҳияти мантиқан ёритилган, бироқ, етарлича ёритилмаган, иш тўғри расмийлаштирилган, титул дизайнни мавзуга мос, бироқ, ортиқча безаклар ҳам мавжуд, ишда ўзига хослик етишмайди	Яхши	85-71 балл
3.	Мавзу етарлича мантиқан ёритилмаган, ишни расмийлаштиришда хатолар мавжуд, ишда ўзига хослик мутлақо кўзга ташланмайди	Қониқарли	70-56 балл
4.	Мавзу моҳияти очиб берилмаган, нотўғри тасмийлаштирилган	Қониқарсиз	55 дан паст балл

### **Машғулотнинг яқуни**

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳдил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот якунланади.

## **5-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ.**

**МАВЗУ: Талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил этиш технологиялари (2 соат).**

**Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар:** тингловчиларда Талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил этиш технологиялари бўйича малакаларини ривожлантириш.

**Ўқув ва моддий таъминот:** компьютер ва видеопроектор; марқатма материал, машгулотга тегишили презентация слайдлари.

**1-топшириқ.** Талабаларнинг мустақил таълимидан ташкил этишнинг инновацион шаклларини қуидаги жадвал асосида тўлдиринг. Фикрингизни баён қилинг.

Мустақил таълим шакллари	
Аудиторида ташкил этиладиган мустақил таълим	Аудиторидан ташқарида ташкил этиладиган мустақил таълим

**2-топшириқ.** Талабаларнинг мустақил таълими функцияларини мазмунини баён этинг.

Мустақил таълим функциялари	
Функциялари	Мазмуни
1. Ривожлантирувчи	
2. Мотивацион	
3. Ўқув-ахборотли	
4. Тарбиявий	

**3-топшириқ.** Талабаларнинг мустақил таълими типларини мазмунини баён этинг.

Мустақил таълим типлари	
Якка тартибдаги мустақил таълим	Жамоавий мустақил таълим

**4-топшириқ.** Талабаларнинг ижодий изланишлари мазмунини баён этинг.

№	Талабаларнинг ижодий изланишлари	Мазмуни
1	Матнлаштириш (конспект)	
2.	Реферат тайёрлаш	
3.	Илмий тезис (мақола) тайёрлаш	
4.	Библиографик маълумотнома (справочник)	
5.	Курс иши	
6.	Битирув ишлари (Магистрлик диссертацияси)	
...		

### Машғулотнинг яқуни

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот яқунланади.

## **6-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

**МАВЗУ: Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини орттиришда витаген тажрибалардан фойдаланиш (2 соат).**

**Амалий машғулотдан кўзланган мақсадлар:** тингловчиларда Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини орттиришда витаген тажрибалардан фойдаланиш малакаларини ривожлантириш.

**Ўқув ва моддий таъминот:** компьютер ва видеопроектор; марқатма материал, машғулотга тегишили презентация слайдлари.

**Тингловчилар учун маълумот.** Компетентли ва креатив ёндашувга асосланган таълим тизимида таълим берувчи ва таълим олувчининг роли ҳам ўзгаради. Чунки, «билимли» ёндашувда таълим берувчи фаол ва асосий иштирокчи бўлса, таълим олувчи эса, суст қабул қилувчи сифатида иштирок этади. «Компетентли» ёндашувда таълим олувчи фаол иштирокчига айланади, чунки унинг таълим олиш фаолияти кўпроқ мустақил индивидуал топшириқларни бажариш ва унинг натижасини ҳимоя қилишга, креатив амалий машғулотларда доимий равишда саволларга жавоб бериш ва индивидуал тадқиқот ишларини олиб боришга қаратилган бўлади.

**1-топшириқ.** Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқларини бажаринг.

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Ўқув топшириқларининг жавоблари
	Маъруза матнини дикқат билан ўқиб қўйидаги саволларга жавоб топинг:	
1.	“Компетентлик” тушунчаси қандай маънони англатади?	
2.	Касбий компетентлик нима?	
3.	Компетентлик қандай ҳолатларда намоён бўлади?	
4.	Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади?	
5.	Ижтимоий компетентлик деганда нимани тушунасиз?	
6.	Махсус компетентлик негизида қандай компетентликлар кўзга ташланади?	

7.	Психологик компетентликнинг моҳияти нимадан иборат?	
8.	Методик компетентликда қандай жиҳатлар акс этади?	
9.	“Информацион компетентлик” деганда нимани тушунасиз?	
10.	Креатив компетентлик нима?	
11.	Инновацион компетентликнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда кўринади?	
12.	Педагогик фаолиятда коммуникатив компетентлик қандай аҳамият касб этади?	
13.	“Шахсий компетентлик” тушунчаси Сиз учун қандай маънони англатади?	
14.	Педагогик компетентлик нима?	

**Тингловчилар учун маълумот.** Кейинги йилларда педагогика соҳасида “компетентли”, “компетенция”, “компетентлилик”, “креатив”, “креативлик” тушунчаларидан тез-тез фойдаланилмоқда. Бу таълим мазмунини ислоҳ қилиш зарурати билан узвий боғлиқ.

**2-топшириқ.** Атамалар рақамини уларнинг таърифи билан жуфтланг:

1.	Креативлик	A	1) саволлар, камчиликлар ва бир-бирига зид маълумотларга эътиборсиз бўлмаслик; 2) муаммоларни аниқлаш учун ҳаракат қилиш, илгари сурилган тахминлар асосида уларнинг ечимини топишга интилиш
2.	Педагогик креативлик	B	индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти
3.	Шахс креативлиги	C	педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёнини самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган

			тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти
4.	Педагогик имидж	Д	педагог ва талаба, ота-она, ҳамкаслар ёки раҳбарият ўртасида педагогик жараёнда юзага келган манфаатлар тўқнашуви, ўзаро қарама-қаршилик
5.	Имидж	Е	қарама-қарши, бир-бирига тўғри келмайдиган кучлар тўқнашуви, икки ёки ундан кўп тарафлар орасида ўзаро келишувнинг йўқлигини, манфаатлар тўқнашувини ифодаловчи зиддият
6.	Педагогик низо	Ф	“сиймо”, “тимсол”, “қиёфа” ва “образ” маъносини билдиrsa, мазмунан “жозиба”, “мафтункорлик” маъносини англатишга хизмат қилади
7.	Низо	Г	педагог маънавий-ахлоқий қиёфаси билан унинг ташки кўриниши ўртасидаги ўзаро уйғунлик, мутаносибликни ифодалайди


#### Топшириқни бажариш учун иш қоғози:

<b>Савол</b>	1-	2-	3-	4-	5-	6-	7-
<b>Жавоб</b>	1-В	2-С	3-А	4- Г	5- Ф	6- Д	7- Е

**Тингловчилар учун маълумот.** Хорижий сўзлар луғатида «компетентлик» тушунчаси бирор шахс ёки муассасанинг ваколати ва ҳуқуқлари мажмуаси ёки бирор бир инсонга тегишли ишлар, саволлар мажмуаси сифатида таърифланган. Французча «сомпетент» сўзи компетентли, ваколатли сифатида таржима қилинади. Инглизча «сомпетенсе» атамасида шахснинг сифати маъноси мавжуд: компетентлик - қобилият сифатида келтирилган.

**З-топшириқ.** Касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларни гурухларда ажратинг: 1) изчил равишда касбий ўсишга эришиш; 2) малака даражасини ошириб бориш; 3) касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш; 4) илгор технологияларни ўзлаштириш; 5) замонавий восита; 6) техника ва технологиялардан фойдалана олиш; 7) фавқулотда вазиятлар; 8) педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш; 9) тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик; 10) психологик компетентлик; 11) методик компетентлик; 12) информацион компетентлик; 13) креатив компетентлик; 14) инновацион компетентли; 15) коммуникатив компетентлик; 16) ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўнинма, малакаларига эгалик; 17) касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.

## Кейс топширигини бажариш учун иш қоғози:



**Тингловчилар учун маълумот.** Компетентлик - деганда кўпинча шахснинг фаолият юритишга умумий қобилияти ва унинг касбий тайёргарлигига намоён бўлувчи таълим жараёнида ўзлаштирилган билим ва тажрибаларга асосланган интеграллашган сифатлари тушунилади. Демак, компетенция ва компетентлик тушунчалари билим, малака ва кўникма тушунчаларидан кенгроқ, чунки улар шахснинг йўналтирилганлиги, муаммоларни ҳис қила олиши, синчковликни намоён қила олиши, эгилувчан фикрлашга эга бўлиши каби сифатларни ўз ичига олади.

**4-топширик.** Педагогик компетентликнинг муҳим таркибий асосларини А.К.Маркова ва Б.Назарова бўйича ажратинг:

<b>Педагогик компетентлик таркиби</b>	<b>А.К.Маркова</b>	<b>Б.Назарова</b>
Махсус ёки касбий компетентлик		
Ижтимоий компетентлик		
Шахсий компетентлик		
Индивидуал компетентлик		
Аутокомпетентлик		
Экстремал касбий компетентлик		

#### **5- топшириқ. Педагогик креативлик сифатларини құрсатинг**

Педагогик креатив сифатлари	Педагогнинг уларга әғалиги
1.	1.
2.	2.
3.	3.

#### **6-топшириқ. Бұлажак педагогларда креативлик намоён бўладиган ҳолатларни қўрсатинг**

<b>Ҳолатлар</b>	<b>Креативлик кўринишлари</b>
1. Ўқув ахборотларини танлашда	
2. Ўқув топшириқларини тайёрлашда	
3. Ўқув машғулотини лойиҳалашда	
4. Ўқув машғулотини ташкил этишда	

5. Педагогик муроқотни ташкил этишда	
6. Ўз устида ишлаш (касбий билимларни бойтиш, ҳисоботларни топшириш, ўқув манбаларини тайёрлаш)да	
7. Илмий-тадқиқотни олиб бориш (илмий анжуманларда иштирок этиш, тажриба ишларини олиб бориш)да	

### **Машғулотнинг яқуни**

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот яқунланади.

## **7-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ:**

### **МАВЗУ: ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРГАН БИЛИМ, КЎНИКМА, МАЛАКА ВА КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ.**

#### **1-топшириқ. Ассисмент**

<p><b>ТЕСТ</b></p> <p>Маърузанинг ривожлантируvчи функцияси нималардан иборат?</p> <p>а) талабаларни ўқув материалининг асосий жиҳатларига эътибор қаратишга имкон бериш;</p> <p>б) талабаларда тинглаш, идрок этиш, мунозарада иштирок этиш маданиятини шакллантириш;</p> <p>в) талабаларда мантиқий фикрлаш, хулосалар чиқара олиш қобилиятини ривожлантириш.</p>	<p><b>Муаммоли вазият:</b></p> <p>Сиз ишлайдиган ОТМдаги бир нечта талабага ўзингиз ўтаётган фандан 1-семестр бўйича баҳо қўймадингиз. бироқ ўқув йили якунида журналда мазкур талабаларга баҳо қўйилганинг гувоҳи бўлдингиз. Сиз ўқув ишлари бўйича декан ўринbosariiga учрашдингиз. Ўқув ишлари бўйича декан ўринbosari уларга баҳони гурӯҳ раҳбари қўйиб юборганини айтди. Мазкур вазиятда сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?</p>
<p><b>СИМПТОМ:</b></p> <p>Таълимни ташкил этишнинг индивидуал тизими....</p> <p>Синф-дарс тизими....</p> <p>Таълимнинг маъруза-семинар тизими....</p>	<p><b>Билимларни қўллай олиш:</b></p> <p>Таълимни ташкил этиш турларидан қайси бири кўпроқ самарали ҳисобланади. Фикрларингизни асослаб беринг.</p>

#### **2-топшириқ. Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш бўйича чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги**

- 1) оғзаки; 2) тест; 3) уй вазифаси; 4) оммавий; 5) ўз-ўзини назорат қилиш; 6) ёзма; 7) индивидуал; 8) амалий; 9) жорий; 10) аралаш; 11) оралик; 12) гурӯҳли; 13) яқуний

Топширикни бажаришга доир кўрсатма:

- 1) чалкаштирилган ҳолда берилган таълим методлари билан танишинг;

2) методларни жадвалда кўрсатилганидек, мос устунга ёзib чиқинг.  
Тингловчиларга иш вароғи

Назорат турлари	Назорат шакллари	Назорат методлари

**3-топшириқ.** Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни назорат қилиш ва баҳолаш доир амалий топширикклар

Қуйидаги масалалар билан танишинг ва уларнинг эчимини топинг.

**1-масала.** Талаба “Педагогиканинг асосий категориялари” ҳақида гапирайпти. Асосий категорияларни санади, лекин уларни тўлиқ айтиб бера олмаяпти. Ўқитувчининг ёрдамчи саволларига эҳтиёж сезди. Ўқитувчининг саволлари ёрдамида хатоларни тўғрилай олди. Унга неччи баҳо қўйиш мумкин?

**2-масала.** Талабадан ўз ёзма ишида метод ва усул тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш сўралди. Талаба ўз ёзма ишида метод ва усул тушунчаларига тўғри таъриф берган. Қуйидагича мисол келтирган: “маъруза –бу метод. Мавзуни аниқлаш режасини тузиш, уларни баён этиш, умумлаштириб хуносалаш эса усуллари бўла олади”. Талабанинг ёзма ишини баҳоланг.

**3-масала.** Талаба оғзаки методларни санаб бера олди. Лекин уларнинг моҳиятини очиб бера олмади. бироқ ҳарбирига мисол келтира олди. Унга қандай баҳо қўйса бўлади?

**4-масала.** Талаба педагогика фанидан семинарни тўлиқ ва тўғри ёзib келган. Лекин ўқитувчи савол берганида дафтардан жавобни ўқиб бераяпти. Унга “4”балл қўйса бўладими?

**5-масала.** Мутахассислик фанидан бирор мавзуни танлаб олинг ҳамда мазкур мавзу бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг.

#### **4- топшириқ. Кейс топшириқлари**

**Кейс баёни 1.** Замонавий Европада ягона касбий таълим маконини яратиш замонавий ўқитишининг энг муҳим талаби дея эътироф этилди. Ана шу мақсадда Болонья жараёни ташкил этили. Бу жараён ягона Европа олий таълими маконини яратиш мақсадида Европа мамлакатлари олий таълим тизимиning бир-бирига яқинлашиши ва ўзаро уйғунлашувини таъминловчи жараён саналади. 1999 йилнинг 19 июнида Европанинг 29 мамлакати вакиллари иштирокида Болонья декларацияси имзоланди. Унга қўра кенг кўламда талабалар алмашинувини қўллаб-куватлаш учун Европа синов бирликлари (кредит) тизими (ЕСБТ) жорий этилди. “Кредит” атамаси (ECTS-credit) – “синовдан ўтди” маъносини англашиб, талабанинг ўқув юритида маълум бир курс (модул)ни муваффақиятли якунлаганлиги тўғрисида маълумот беради.

**Кейс саволи:** кредит (синов бирлиги) нима англатади: маълум ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш ва синовларни биринчи, иккинчи ёки учинчи уринишда топшириш мумкинлигиними ёки маълум ўқув фанини талабага юқлатиладиган юкланма ҳажми (мехнат сарфи)дан келиб чиқсан ҳолда модул (блок – қисм) ҳолда ўзлаштириш ва ҳар бир модул (қисм) ўзлаштирилгандан сўнг синовдан ўтиш зарурлигиними?

**Ўқитувчининг жавоби.** Кредит маълум ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш ва синовларни биринчи, иккинчи ёки учинчи уринишда топширишни англатмайди. Аксинча, кредит ҳар бир ўқув фанининг умумий ҳажми, амалий машғулотлар ва мустақил таълим учун ажратилган соатлар (назарий машғулотларга нисбатан амалий машғулот ва мустақил таълим соатларининг кўплиги), бир сўз билан айтганда, талабанинг меҳнат сарфидан келиб чиқиб ажратилади. Кредит – ўқув фанини ўзлаштириш ва синовларни топшириш учун биринчи, иккинчи ёки учинчи уриниш эмас. Балки бир ўқув фани учун ажратилган умумий соатни бир неча модул (блок – қисм)га ажратган ҳолда ўзлаштириш ва синов топшириб бориш деганидир.

**Кейс баёни 2.** Замонавий шароитда таълим тизимида вебинар технологиялар тобора кенг қўлланилмоқда. “Вебинар технологиялар” тушунчasi инглиз тилидан таржима қилинганда (“webinar” – web-based seminar) web-технологиялари ва анъанавий таълимнинг ўзаро бирлиги асосида ташкил этиладиган семинарни англашиб. Бироқ, кенг маънода web-технологиялари ёрдамида ташкил этиладиган нафақат семинарни, балки турли онлайн тадбирлар (семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, айrim холатларда тренинг, турли ҳодисалар бўйича тармоқ трансляциялари (компьютер ёки Интернет тармоғида намойиш этиладиган лавҳалар)ни ёритишга ҳам хизмат қиласи. Ушбу технологияларни ўзлаштириш орқали педагоглар интерфаол ўқув машғулотларини ташкил этиш имкониятига эга бўлади. Талабалар учун эса бу технологиялар вақтни

ва бошқа ресурсларни тежаш имкониятини яратади. Чунки ушбу интерфаол таълим жараёни билан қулай вакт ва қулай жойда танишиш имконияти мавжуд. Бу эса педагоглардан вебинар технологиялар асосидаги машғулотларни самарали ташкил этиш учун муайян қўникмаларга эга бўлиш, бир қатор шарт ва қоидаларга риоя этиш талаб қилинади.

**Кейс саволи:** кўпчиликнинг фикрича вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминотига боғлиқ. Бу фикр қанчалик тўғри.

**Ўқитувчининг жавоби:** вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминоти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бошқа турдаги дарслар каби вебинар дарсларнинг сифат ҳамда самарадорлиги уларнинг методик жиҳатан ташкил этилишига боғлиқ. Ташкилий- технологик масалалар, яъни вебинар дарсининг Интернет тармоғиги орқали талаба, тингловчиларга узатиб берилишининг ҳал қилинишигина вебинар дарсларнинг сифати web-технологияларининг таъминоти билан боғлиқ. Борди-ю, вебинар дарсларининг трансляцияси жуда сифатли бўлгани ҳолда кутилган таълимий натижага қўлга киритилмаса, у ҳолда ўқув машғулоти педагог томонидан самарали, сифатли ташкил этилмаган бўлади.

### **Машғулотнинг яқуни**

Тингловчиларнинг фаолияти умумий тарзда таҳлил қилинади. Имкон қадар ҳар бирининг фаолиятига баҳо берилади. Машғулот яқунланади.

## V. ГЛОССАРИЙ.

<b>Ўзбекча</b>	<b>Русча</b>	<b>Инглизча</b>
<b>Автолексия</b> – ўз фаолиятининг натижаларини мустакил баён эта олиш кўникмаси. Педагогикадаги А. - бу Я.А.Коменскийнинг "Мактабнинг лабиринтидан чиқиши" асарининг тўртинчи босқичи. У <b>табиат</b> ва тарбиянинг бирлиги қонуниятига асосланиб, ўз меҳнатининг натижаларини мустакил баён қилиш кўникмасини англатади.	<b>Автолексия</b> – умение самостоятельно излагать результаты своей деятельности. А. в педагогике-это четвертая стадия обучения, указанная в произведении "Выход из школьных лабиринтов" Я.А.Коменского. Она основана на единство законов природы и воспитания, который означает умение самостоятельно рассказать о результатах своего труда.	<b>Self-lecture</b> is the ability to express the results of one's activity independently. A. in pedagogy - this is the fourth stage of training, indicated in the work "Exit from school labyrinths" by YA Komenko. It is based on the unity of the laws of nature and upbringing, which means the ability to tell about the results of one's work independently.
<b>Академик қобилиятлар-</b> муайян илм соҳасига мос қобилиятлардир (математикага, физикага, биологияга, адабиётгавах.к.)	<b>Академические способности</b> - способности к соответствующей области наук (математике, физике, биологии, литературе и т.д.)	<b>Academic abilities</b> - abilities to the corresponding field of science (mathematics, physics, biology, literature, etc.)
<b>Ақлий иқтидорлик</b> – инсоннинг ўз фикрларини янги талабларга онгли равишда йўналтиришга доир умумий қобилияти, янги вазияфаларни, янги хаёт шароитларини хал этишга мослаштириши. Янгиликка бўлган йўналишолиш	<b>Умственная одарённость</b> - общая способность человека сознательно направить свое мышление на новые требования, приспособить его к решению новых задач и к новым условиям жизни.	<b>Giftedness is mental</b> - the general ability of a person to consciously direct their thinking to new demands, to adapt it to solving new problems and to new conditions of life.
<b>Ақлий ҳужум</b> (ингл. brain storming – миянинг тўғони) – америкалик психолог А.Особорн томонидан тавсия этилган қийин муаммони ҳал	<b>Мозговая атака</b> (от англ. brainstorming - буря мозгов) - метод активизации мыслительных процессов	<b>Brainstorming</b> (brainstorming) is a method of activating thought processes through the joint search

этишни ҳамкорликда излаш йўли орқали фикрлаш жараёнини фаоллаштирувчи метод..	путем совместного поиска решения трудной проблемы, предложенный американским психологом А.Осборном.	for a solution to a difficult problem, proposed by the American psychologist A. Osborn.
<b>Компетентлик</b> (лот. competens; ингл. competence – лойиклик) – бу 1) инсоннинг муайян меҳнат вазифаларини бажаришга доир қобилият ва қўникмасига эга бўлиши; 2) касбнинг талабларига индивидуал характеристика даражасининг мос келиши.	<b>Компетентность</b> (лат. competens; от англ. competence – достоиный) – это 1) обладание человеком способностью и умением выполнять определенные трудовые функции; 2) индивидуальная характеристика степени соответствия требованиям профессии.	<b>Competence</b> (Latin competens, from English competence - dostoinous) is 1) the possession of a person's ability and ability to perform certain labor functions; 2) an individual characteristic of the degree of compliance with the requirements of the profession.
<b>Компетенция</b> (лот. competere – мос келиш, лойик) – ҳаёт ва фаолиятнинг турли соҳаларида амалий вазифаларни ечиш учун аниқ ва зиятларда билим, қўникма ва қадриятларни мобилизация қилиш қобилияти.	<b>Компетенция</b> (от лат. competere - соответствовать, подходить) – способность мобилизовать знания, умения и ценности в конкретных ситуациях для решения практических задач в различных сферах жизни и деятельности.	<b>Competence</b> (from Latin competere - to match, approach) - the ability to mobilize knowledge, skills and values in specific situations to solve practical problems in various spheres of life and activity.
<b>Коммуникатив компетентлик</b> – коммуникацияни эркин амалга ошириш қобилияти ва тайёргарлигини шакллантириш ҳамда рус, она тили ва чет тилларida муроқот қилиш, замонавий коммуникация воситаларини ўзлаштиришdir	<b>Коммуникативная компетенция</b> - формирование способности и готовности свободно осуществлять коммуникацию и общение на русском, родном и иностранных языках, овладение современными средствами	<b>Communicative competence</b> - the formation of the ability and willingness to freely communicate and communicate in Russian, native and foreign languages, mastering of modern means of communication

	коммуникации	
<b>Концептуал билим</b> – яхлит функциялаш сифатида мураккаб структураларда базали элементлар билан орасидаги боғлиқлик: классификация ва категорияларни билиш, принцип ва умумий қоидаларни билиш, назарияларни, модел ваструктураларни билиш.	<b>Концептуальное знание</b> - взаимосвязи между базовыми элементами в более сложной структуре, которые позволяют им функционировать как единое целое: знание классификаций и категорий, знание принципов и общих правил, знание теорий, моделей и структур.	<b>Conceptual Knowledge</b> is - the relationship between the basic elements in a more complex structure that allows them to function as a single whole: knowledge of classifications and categories, knowledge of principles and general rules, knowledge of theories, models and structures.
<b>Концептуал жадвал</b> – бу таққослаш, қиёслаш ва бошқа жараёнларни кўргазмали тақдим этадиган график организайзер. К.т. вертикал чизик бўйича таққослаш учун, горизонтал эса – таққослашишлари олиб бориладиган турли тавсифлар жойлаштирилади	<b>Концептуальная таблица</b> – это графический организатор, которые наглядно представляют мыслительные процессы сравнения, сопоставления и др. В К.т. по вертикали располагается то, что подлежит сравнению, а по горизонтали - различные характеристики, по которым производится сравнение.	<b>The conceptual table</b> is a graphic organizer, which visually represents the mental processes of comparison, comparison, etc. In Ct. On the vertical is located what is to be compared, and horizontally - the various characteristics by which the comparison is made.
<b>Креатив методлар</b> – бу А.В.Хуторский томонидан тавсия этилган продуктив таълим методлари классификациясининг бири; бу ташки ва ички таълим махсулотларини қуриш методидир. Уларга интуитив, алгоритмик ва эвристик методлар киради.	<b>Креативные методы</b> – это одна из классификации методов продуктивного обучения, предложенной А.В.Хуторским; это методы создания внешних и внутренних образовательных продуктов. К ним относятся интуитивные, алгоритмические и	<b>Creative methods</b> - this is one of the classification of methods of productive learning, proposed by A. Khutorsky; these are methods of creating external and internal educational products. These include intuitive, algorithmic and heuristic methods.

	эвристические методы.	
<b>Кўникмалар</b> – ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш йўлларини (усулларни, харакатларини) эгаллаш; инсон томонидан ўзлаштирилган харакатлар.	<b>Умения</b> - овладение способами (приемами, действиями) применения усвоенных знаний на практике; усвоенные человеком действия.	<b>Skills</b> - mastering the methods (techniques, actions) of applying the acquired knowledge in practice; learned by man actions.
<b>Қобилиятлар</b> – бу у ёки бу маҳсулдор фаолиятни самарали бажаришнинг шарти ҳисобланадиган шахснинг индивидуал-психол.хусусияти ва сифати.	<b>Способности</b> - это свойство и индивидуально-психол. особенности личности, являющиеся условием успешного выполнения той или иной продуктивной деятельности.	<b>Abilities</b> are a property and an individual-psychol. characteristics of personality, which are the condition for the successful performance of a productive activity.
<b>Маданият</b> (лат. cultura - ишлаш, тарбия, ривожланиш, хурматқилиш) – инсонларнинг ҳаёти ва фаолиятининг турли тип ва шаклларда, уларниг ўзаро муносабатларида, шунингдек моддий ва маънавий қадриятларид аакс этадиган жамият ривожланишининг, инсоннинг ижодий кучи ва қобилиятларининг тарихий белгиланган даражаси.	<b>Культура</b> (от лат. cultura - возделывание, воспитание, развитие, почитание) - исторически определенный уровень развития общества, творческих сил и способностей человека, выраженный в типах и формах организации жизни и деятельности людей, в их взаимоотношениях, а также в создаваемых ими материальных и духовных ценностях.	<b>Culture</b> (from the Latin cultura - cultivation, upbringing, development, veneration) is a historically determined level of development of society, the creative forces and abilities of man, expressed in the types and forms of organization of life and activity of people, in their mutual relations, and also in the material and spiritual values they create.
<b>Махорат</b> - 1) ўзлаштирилган билим ва хаётий тажрибалар асосида барча амалий харакатларни (шужумладан, дарс беришни) шу соҳада мавжуд конун ва кридалар асосида кам куч ва кам вақт сарфлаб бажариш; 2)	<b>Мастерство</b> – 1) выполнение всех практических действий (в том числе проведение урока), опираясь на усвоенные знания и жизненный опыт, на основе существующих	<b>Mastery</b> - 1) the implementation of all practical actions (including the conduct of the lesson), relying on the acquired knowledge and life experience, on the basis

технологияни амалий лойиха концепциясиси фатида талаб даражасида тадбиқ этиш малакаси	законов и правил с минимальным использованием времени и сил; 2) умение соответствующим образом воплотить технологию как практический проект концепции	of existing laws and regulations with the minimum use of time and effort; 2) the ability to appropriately implement the technology as a practical project concept
<b>Метод</b> (юонон. <i>methodos</i> – тадқиқот ёки билиш йўли) – аниқ вазифани хал этишга бўйсиндирилган борлиқни ўзлаштиришнинг амалий ёки назарий операцияларнинг, нисбатан бир йўналишдаги усулларнинг мажмуи. Педагогикада тарбия ва таълим методлари ҳамда уларнинг классификацияларини ишлаб чиқишидир;	<b>Метод</b> (от греч. <i>methodos</i> - путь исследования или познания) - совокупность относительно однородных приемов, операций практического или теоретического освоения действительности, подчиненных решению конкретной задачи. В педагогике проблема разработки методов воспитания и обучения и их классификации; выступает как одна из основных способ совместной деятельности учителя и обучаемого с целью решения задач	<b>The method</b> (from the Greek <i>methodos</i> - the path of exploration or cognition) is a collection of relatively homogeneous techniques, operations of practical or theoretical development of reality, subordinated to the solution of a specific task. In pedagogy, the problem of developing methods of education and training and their classification; Acts as one of the main ways of joint activity of the teacher and student with the aim of solving problems

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-хукуқий хужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи “Ўқитувчи ва мураббийлар—янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суюнчимииздир”. Халқ сўзи газетаси 2020 йил 1 октябрь, №207 (7709).

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февраль, “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623-сонли қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

19. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с.

20. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

21. Ежак Е.В. Психологическое обеспечение профессионального развития педагога в условиях рисков современного образования. дисс... док.психол. наук. – Ростов-на-Дону.: 2017. - 315 с.

22. Иноятов У.И. ва бошқ. Педагогика: нопедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик.-Т.: ТДПУ – 2013. – 256 б.

23. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методисталар, ўқитувчилар. тарбиячи ва мураббийлар учу ўқув қўлланма)-Т.:2013.-279 б

24. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

25. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.

26. Никишина И.В. Инновационная деятельность современного педагога. Методическое пособие. – 2012. 76 с.

27. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова; М-во образования и науки РФ; ФГАОУ ВО УрФУ, 2017. – 128 с.

28. Современные образовательные технологии в учебном процессе вуза: методическое пособие / авт.-сост. Н. Э. Касаткина, Т. К. Градусова, Т. А. Жукова, Е. А. Каракина, О. М. Колупаева, Г. Г. Солодова, И. В. Тимонина; отв. ред. Н. Э. Касаткина. – Кемерово: ГОУ «КРИРПО», 2011. – 237 с.

29. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бугакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.

#### **IV. Интернет сайтлар**

30. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
31. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
32. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
33. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET.
34. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси